

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари**

АХБОРОТНОМАСИ



№3 (11) 2012



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашитжон Қодиров
Ниғматилла Йўлдошев
Зоҳид Дўсанов
Ҳақимбой Ҳалимов
Алишер Шарафутдинов
Шўхрат Узақов
Толибжон Умаров

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Шавкат Ёдгоров

Таҳрир ҳайъати:

Нуриддинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Баҳодир Исмоилов
Аббосхон Сангинов
Мухтор Зоиров
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Жаҳонгир Максумов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олманган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмахонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси 7-уй

МУНДАРИЖА

М.УСМОНОВ.

Юридик фанларни ривожлантириш истиқболлари.

1

М.ЗАХИДОВА.

Ҳуқуқий билимлар тарғиботида хотин-қизлар кўмиталарининг вазифалари.

6

Б.ПЎЛАТОВ, Ж.РАХМАНОВ.

Ҳуқуқий билимлар тарғиботи ва қонунга итоаткор шахсни тарбиялаш масалалари.

10

Ш.РУЗИНАЗАРОВ.

Научно-методологическая доктрина модернизации юридической науки и правоприменительной практики Узбекистана.

14

И.ХАМЕДОВ.

Некоторые вопросы совершенствования законодательства об административной ответственности в Республике Узбекистан.

19

М.АХМЕДШАЕВА.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ривожининг айрим масалалари.

25

Ф.МУХИТДИНОВА.

Олий малакали илмий, илмий-педагог кадрларни тайёрлаш — давр талаби.

27

А.МАТЧАНОВ.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар қоидаларининг Ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятига боғлиқлиги

29

Г.ЙЎЛЧИЕВА.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш.

32

Н.ХАТТАБОВ.

Юридик таълимда илмий тадқиқотларни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.

34

М.МУСАЕВ.

Фуқароларни ҳуқуқий онги, тафаккури ва маънавиятини юксалтириш — жиноятчиликни олдини олишнинг асосий мезони.

37

Ю.АССМАН

Обучение судей и прокуроров в Европе:

41

Н.КОШЕ

система обучения судей и прокуроров в Германии

45

Ш.ЯКУБОВ.

Обучение судей и прокуроров в Европе

48

Ю.ҲАМДАМОВ.

Фуқароларда қонунга итоаткорликни янада оширишни таъминлашда ҳуқуқий билимлар тарғиботининг ўрни.

51

И.МУРОДОВ, Р.АБСАЛАМОВ. Ш.САЪДУЛЛАЕВ.

Ёнғин хавфсизлигида меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти.

59

Ш.САЪДУЛЛАЕВ.

Некоторые вопросы повышения уровня формирования готовности слушателей Высшего военного таможенного института к правоохранительной деятельности.

62

И.КУДРЯВЦЕВ.

Конституция Республики Узбекистан — основной источник повышения политико-правовой культуры и гражданского самосознания населения.

66

Х.КАРИМОВ.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар.

70

А.ЯШНАРБЕКОВ.

Инсон ҳуқуқлари маданиятининг шакллантиришда ҳуқуқий тарғиботнинг ўрни ва аҳамияти.

72

Суд амалиёти

75

Янги китоблар

83

Мухаммади УСМОНОВ,
ТДЮИ проректори, ю.ф.д., профессор

ЮРИДИК ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, модернизация қилиш, иқтисодни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, Юртбошимиз асарлари, нутқларида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва амалиётга татбиқ этиш юридик фанлар бўйича илмий-тадқиқотларни самарали олиб бориш ва ривожлантиришни, етук малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни, сифат томонга такомиллаштиришни тақозо этади.

Республикаимизда ҳуқуқ фанларининг ривожини беvosита Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан чамбарчас боғлиқдир. Истиқлол шарофати туфайли ҳуқуқ фанларига нисбатан муносабат ҳам, талаб ҳам тубдан ўзгарди. Ҳуқуқ фанлари жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол бунёдкор куч сифатида майдонга чиқди. Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, барча мамлакатлар таълим тизимида юридик мутахассислик алоҳида ўрин тутиб, у жамиятни муваффақиятли тараққиётга элтувчи сифатида муҳим аҳамият касб этади ва унинг ривожланиш даражаси мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигига катта таъсир кўрсатади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан Ўзбекистон Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида дунёда муқобили бўлмаган ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Бу йўлнинг асосий мазмуни ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, турли хил мулк шакллариغا асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган тизимни яратишдан иборат. Янги давлатчиликни шакллантиришнинг беш тамойилини ўзида қамраб олган "ўзбек модели" дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилди. Бу ҳол ижтимоий фанлар, хусу-

сан, ҳуқуқшунослик фанларини мазмун жиҳатдан бойитишга хизмат қилди.

Юртбошимиз томонидан юридик фанлар ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб берилганлигини алоҳида эътироф этмай иложимиз йўқ. Юридик фанларнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, уларнинг ривожланиши ва истиқболлари, соҳадаги энг муҳим концептуал ғоялар, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилмоқда ва белгилаб берилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис иккинчи чақириқ VI сессиясида сўзлаган маърузасида мамлакатда юз бераётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янги суръатлар билан жалдлаштириш ва бу тизимни янада такомиллаштириш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда дунёқараши ва профессионал тайёргарлиги тамоман янгича бўлган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, ҳақиқий ҳуқуқий мактаб шакллантириш каби ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни олдимизга қўйган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат ҳокимиятини ташкил этиш, давлат бошқарувини йўлга қўйиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини шакллантириш бўйича жаҳондаги илғор тажрибани ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб шакллантириш ғояси илгари сурилди. Фуқаролик жамияти институтлари ривожлантирилди, пировардида, кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари илдам қадамлар ташланди. Ҳокимиятлар тақсимланишининг таъминланиши, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бир палатали тизимдан икки палатали профессионал парламентга айланиши, одилона сайлов тизимини яратиш ва уларнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш беvosита давлатимиз раҳбарининг ғоялари ва фикрлари асосида амалга оширилди.

Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқида инсонпар-

варлик, адолат тамойилларининг кенгроқ ва тўлақонли равишда сингдирилиши кейинчалик бу соҳанинг ривожланишига жиддий туртки бўлди. Мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳам бевосита Президентимиз томонидан олға сурилган концептуал ғоялар асосида ишлаб чиқилди. Профессинал судьялар корпусини шакллантириш, судларнинг ихтисослашуви, суд жараёнида соддалаштириш тамойилларининг жорий этилиши, мусодаранинг жиноий жазолар тизимидан чиқарилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга олиб берилиши кабилар шулар жумласидандир.

Иқтисодий тизимни асослантириш бўйича Президентимиз томонидан юридик фанларнинг ривожланишига оид қуйидаги концептуал ғоялар белгиланди: бозор муносабатлари тизимини боқичма-боқич жорий этиш, иқтисодиётдаги хусусий мулкнинг ҳукмронлигини таъминлаш, ерга ва бошқа табиий ресурсларга нисбатан мулкчилик масалаларини оқилона ҳал этиш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, шартномалар эркинлиги ва интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида юртимизда сифат жиҳатидан янги қонунчилик тизими яратилди: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 15 та кодекс, 300 дан ортиқ қонун ва 1000 дан ортиқ қонуности норматив ҳужжатлари самарали ишлаб турибди. Бунда юридик фанлар ҳам алоҳида ўринга эга бўлиб, мазкур қонун ҳужжатларининг катта қисмида юридик фан томонидан ишлаб чиқилган ғоялар ва ечимлар мужассамланган.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, юртимизда ҳуқуқий фанлар узлуксиз ривожланиб, сўнги йилларда ҳуқуқшунослик йўналишида илмий изланишлар ҳамда унга мутаносиб равишда бу соҳада илмий иш олиб бориш истагидаги ёш ҳуқуқшунослар сони ҳам узлуксиз ошиб бормоқда.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишларида мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президент бошқаруви, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг ҳуқуқий-ташқилий асослари, хўжалик юритиш ва мулкдорлик ҳуқуқини шакллантириш суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, судларни ихтисослаштириш, санкция бериш ҳуқуқини судларга олиб бериш, ўлим жазосини бекор қилиш, жазо тизимини такомиллаштириш ва бошқа муаммоларнинг илмий-

назарий ва амалий ҳал этиш йўллари таҳлил этилиб, уларни амалиётда қўллаш учун тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклиф-мулоҳазалар берилди, матбуотда мақолалар чоп этилди.

Албатта, бу эришилган ютуқлар қанчалик салмоқли бўлмасин, фақат унга маҳлиё бўлиб қолиш, юридик фанлар олдида турган истиқболли вазифаларни айтмаслик мумкин эмас. Бугунги кунда юридик фанларнинг асосий вазифаси келгуси истиқболни олдиндан кўра билиш, башорат қилиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш бўйича муқобил ечимлар тайёрлашдан иборат бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва либераллаштириш муаммоларини чуқур илмий тадқиқ қилиш юридик фанлар олдида турган асосий вазифалардан бири саналади.

Концепциядаги суд-ҳуқуқ ислохотлари соҳасида судларнинг ҳолислигини таъминлаш, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик соҳасидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш чораларини белгилаш, Адлия органлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар механизминини ишлаб чиқиш юридик фанларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Шу муносабат билан ҳуқуқшунос олимлар фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасида ҳам ўта долзарб масалалар

хуқуқшунос олимларнинг тадқиқотларини кутмоқда. Жумладан, хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни ва унинг кафолатларини янада кучайтириш, кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, бозорда инсофли рақобат муҳитини вужудга келтириш, корпоратив бошқариш механизмини кенг жорий этиш масалалари цивилистик тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлмоғи зарур.

Мамлакатимизда экологик муҳитни соғломлаштириш, қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳам изчил давом эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида эътироф этилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, Тошкент Давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган "Юридик фанларни ривожлантиришнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган концепцияси"да барча тармоқ фанларининг ривожланиш истиқболлари ишлаб чиқилган.

Мазкур концепция ўз мазмунида тегишли тармоқ фанининг бугунги ривожланиш ҳолатини, эришилган энг муҳим ва йирик илмий натижаларни, фаннинг кейинги ривожланишидаги мавжуд муаммоларни, фанни ривожлантириш борасидаги асосий вазифаларни, устувор йўналишлар ва истиқболли ғояларни ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини ифода этади. Дарҳақиқат, юридик фанларни ривожлантиришда тармоқ фанларининг олдида турган асосий вазифалар ва ечимини кутаётган муаммоларни уларнинг ҳар бирига алоҳида ва ўзига хос ёндашувдан келиб чиқиб, теран англаш мумкин. Шу мақсадда концепцияда ҳар бир тармоқ фанларига хос бўлган ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш билан бирга, улар учун хос бўлган умумий ёндашувлар ва муаммолар ҳам очиб берилган, мазкур муаммоларни ҳал этишнинг аниқ ва истиқболли ечимлари ёритилган.

"Юридик фанларни ривожлантиришнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган концепцияси"да мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳангликда юридик фанларни ривожланиши лозимлиги, бунда юридик фанлар ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини илмий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга, истиқболли ва стратегик аҳамиятга молик ғоялар ва тенденцияларни ҳам илгари суриши кераклиги, бундай ривожланиш ҳуқуқ тармоқларининг узвий алоқадорлигида амалга оширилиши зарурлиги асосланганлиги. Қолаверса, ҳаётимизга шиддат билан кириб келаёт-

ган янги воқеликлар ва муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ва унинг илмий асосларини ишлаб чиқишда ҳам юридик фанлар замон билан ҳамнафасликда тегишли ечимларни бериши лозимлиги концепцияда баён этилади. Бир сўз билан айтганда, мазкур концепция юридик фанларнинг келгуси ривожланиши учун муайян дастур вазифасини ўтайди ва юридик фанлар олдидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш ва тегишли илмий ечимларни беришда муҳим манбага айланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда юридик фанларнинг ривожланишида қуйидаги устувор вазифалар мавжуд, деб ҳисоблаш мумкин:

Биринчидан, юриспруденциянинг барча йўналишлари бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориш мамлакатимиздаги барча ҳуқуқшунослик илмий муассасалари ва ОЎЮнинг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида белгилашни керак. Бунда бугунги кунда илмий тадқиқотларни ташкил этиш тизими ҳам жиддий ўзгаришларга учраганини ҳисобга олиш лозим. Агар илгари бу соҳада Фанлар академиясининг илмий муассасалари етакчи мавқега эга бўлган бўлса, бугунги кунда ОЎЮга оғирлик марказини кўчиши рўй бермоқда. Бу ривожланган мамлакатларда ўзини оқлаган тизим ҳисобланади. Юридик фанларнинг ривожини ушбу янги механизмга мослашиши лозим. Бу механизмда биринчи навбатда илмий база кенгайиб (ОЎЮ проф-ўқит., талаба), фаннинг ютуқларини таълим жараёнига кенг жорий этиш имконияти юзага келади, ОЎЮда нафақат педагоглар, балки илмий ходимлар тоифаси ҳам вужудга келиши зарур бўлади.

Ушбу фундаментал тадқиқотлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий шакллари ва воситаларини чуқур тадқиқ этиш; Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини ривожлантириш муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш; Марказий Осиёда экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш; Ўзбекистонда парламентаризм ривожланиши истиқболлари бўйича илмий ечимлар бериш; жазо тизими ва уни такомиллаштириш, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашнинг самарали ҳуқуқий воситаларини вужудга келтириш; Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини халқаро стандартлар даражасига кўтариш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишга қаратилиши лозим. Санаб кўрсатилган ушбу долзарб муаммолар бўйича илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш мақ-

садида жамоаларда илмий гуруҳлар ташкил этилиши, бу гуруҳларга мамлакатимизда фаолият олиб бораётган етакчи олимларни жалб этиш лозим.

Иккинчидан, юридик фанлар бўйича илмий тадқиқотлар тузилишига аҳамият бермоқ зарур. Биринчи галда бу ўринда фундаментал тадқиқотлар ва амалий тадқиқотлар ўртасида мутаносиблик таъминланиши шарт. Шунини унутмаслик лозимки, агар фақат фундаментал тадқиқотларга зўр берилса, у ҳолда амалий муаммолар ечими четга сурилади ёхуд аксинча, амалий тадқиқотлар кучайтирилиб, фундаментал тадқиқотларга эътибор сусайтирилса, амалий тадқиқотлар назарий базаси заифлашганлиги сабабли қўтилган самарали ечимларни ишлаб чиқиш имконияти пасайтирилади. Бунда давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ва бошқа ҳуқуқшунослик фанларининг ўзаро узвийлик ва боғлиқлигини таъминлаш, амалий юридик фанлар тадқиқотчилари давлат ва ҳуқуқ назарияси методологиясини чуқур ўзлаштиришлари лозим.

Қолаверса, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан танлов ўтказиш тартиби, бизнингча, ўзгартирилиши лозим. Танлов олимлар томонидан тавсия этилган мавзулар бўйича эмас, балки бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислохотларни ечишга ёрдам берадиган, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан танланган мавзулар бўйича ўтказилиши шарт. Мавзулар портфелини шакллантиришда Адлия вазирлиги, Олий суд, Олий хўжалик суди, Конституциявий суд, Республика Бош прокуратураси фаол қатнашмоғи лозим. Шундагина унча долзарб бўлмаган, майда мавзулардан қутулиш мумкин.

Учинчидан, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчиликка ўрин ажратишда Давлат илмий-техникавий дастурларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқшунослик ва давлатшуносликнинг умумий ривожидан орқанда қолган ва янги ташкил топган фанлар — тадбиркорлик ҳуқуқи, савдо ҳуқуқи, банк ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи каби йўналишларга стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчиликка ўрин ажратишда мавжуд соҳалар бўйича илмий раҳбарлар ва фан докторларининг йўқлиги тўсиқ бўлмаслиги керак. Энг аввало, тадқиқотчининг ўзига, унинг салоҳиятига, мустақил тадқиқотларни амалга ошира олиш лаёқатига ишониш керак.

Тўртинчидан, илмий монография, рисоалар, дарсликлар сифати ва савияси жиддий назорат қилинмоғи лозим. Хорижий давлатларда чоп этилган илмий ва ўқув адабиётларини таржима қилиб, ўз номидан чоп этаётган "муаллифлар" тартибга чақирилмоғи, уларга тегишли ҳуқуқий, ташкилий таъсир чоралари кўрилмоғи лозим. Агар ушбу аҳволга барҳам берилмаса, яқин келажакда мамлакатимиз ҳуқуқ фанининг обрўси ниҳоятда тушиб кетади.

Бешинчидан, мамлакатимиздаги нуфузли университетларда илмий институтлар ташкил этиш амалиётининг йўқлиги, илмий тадқиқот олиб боровчи фан докторлари ва номзодларининг ўта камчилиги ҳам фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилишига ғов бўлмоқда. Шу сабабдан, мамлакатимиздаги нуфузли Олий ўқув юртларида ва университетларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш билан шуғулланувчи илмий тадқиқот тузилмалари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Олтинчидан, Олий Аттестация Комиссиясининг фаолияти янада демократлаштирилиши лозим. Энг аввало, имкон қадар унинг шаффоф бўлишига эришишга интилиш мақсадга мувофиқдир.

ОАКда диссертантлар билан ишлашда дўстона хайрихоҳлик муҳитини вужудга келтириш тўғрисида ўйлаб кўриш вақти келди. Бюрократик муносабат, диссертантларга менсимасдан қараш кайфияти мутлақо бўлмаслиги шарт.

ОАК белгиланган муддатларга қатъий риоя қилиши лозим. Айниқса, ОАК Ахборотномаларига юборилган маълумотномалар у ёки бу сабабга кўра рад этилганда ёки қайта ишлашга қайтарилганда, тегишли тадқиқотчилар бу ҳақда ўз вақтида хабардор қилиниши лозим.

Еттинчидан, юридик фанлар савиясини кўтариш учун халқаро илмий алоқаларни йўлга қўймоқ шарт. Ўз соҳасида хорижий олимлар билан доимий мулоқотда бўлмайдиган, интернет орқали, бошқа илмий журналлар орқали тегишли илмий изланишларни кузатиб бормайдиган, халқаро анжуманларда қатнашиб, маърузалар қилмайдиган олимнинг келажоғи йўқ, ундан юқори савияли илмий асар кутиб бўлмайдди. Демак, илмий тадқиқотчилар чет тилини билиши, компьютер технологиясидан мукамал хабардор бўлиши шарт.

Мамлакатимизда ҳуқуқшуносликка доир амалга оширилаётган илмий изланишларни жаҳонга олиб чиқиш, фақат ўз давлатимиз доирасида чекланиб қолмай, хорижий мамлакатлар билан фаол илмий ҳамкорлик қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда

хуқуқшунослик соҳаси тадқиқотчилари учун илмий иш олиб бориш жараёнида ривожланган давлатлар — АҚШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Украина каби МДХ ва Болтиқ бўйи давлатлари; Корея, Япония каби Осиё давлатларида рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларда илмий мақолаларнинг чоп этилиши илм-фанни янада ривожлантириш ва халқаро майдонга олиб чиқиш борасида муҳим қадам бўлади, деб ўйлаймиз. Бу ўзбек хуқуқшунослик фанини халқаро даражага кўтариш, хуқуқшунос олимларимизнинг халқаро майдонда илмий мулоқотга киришишини таъминлашга, ўз соҳасини янада чуқур ўзлаштиришга ва янги сифат босқичига кўтарилишига хизмат қилади.

Олим бирдан осмондан тайёр ҳолда тушмайди. Уни талабаликдан тарбиялаб бормоқ лозим. Бинобарин, иқтидорли талабалар билан ишлашни йўлга қўймоқ, уларни илмий тадқиқотларга жалб этмоқ керак. Шундагина келгусида улар орасидан стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчиликка танлаб олиш имкони вужудга келган бўлур эди.

Саккизинчидан, албатта, асосий илмий тадқиқотчилар доирасини ўқув юртлари, илмий муассасалар ходимлари ташкил этади. Бироқ амалиётчиларни ҳам тадқиқотчиликка жалб этиш давом эттирилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ бунда ўзига хос ёндашув, ўзига хос мезонлар ва улар билан ишлашда ўзига хос усуллар қўлланилмоғи шарт. Энг асосийси, амалиётда ишлайдиган тадқиқотчи мавзуси ўз касбий фаолияти билан боғлиқ бўлса яхши натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Тўққизинчидан, кафедраларда, ихтисослашган Кенгашларда диссертациялар савиясига талаб янада кучайтирилмоғи шарт. Афсуски, ҳозирча кафедраларда, илмий-назарий семинарларда диссертациялар муҳокамасига юзаки ёндашув ҳолатлари мавжуд. "Маили шу одам номзод ёки доктор бўлиб олсин, унга менинг ҳисобимдан ҳақ тўлашмайди-ку" қабилидаги муносабат ҳали ҳам мавжуд. Принципиалликнинг йўқлиги юридик фанни орқага тортаётган тўсиқлардан биридир. Ташқи жиҳатдан олганда, диссертация кафедрада, семинарларда муҳокама қилинади, ихтисослашган Кенгашда уч босқичда кўриб чиқилади. Бироқ юзакичилик, юзхотирчилик, лоқайдлик мавжуд экан, қанча муҳокамадан қатъи назар, савияси паст тадқиқотчиларга тўсиқ бўлмайди. Кафедра ва илмий-назарий семинар муҳокамаси доираси, ёндашув бир хил бўлмаслиги лозим. Кафедра муҳокамаси диссертацияга барча жиҳатдан баҳо берса, илмий-назарий семинарда асосий эътибор диссертациянинг илмий янгилигига, муҳокамалар давомида диссертантга билдирилган эътирозлар, танқидий фикр-мулоҳазалар ва унга диссертант жавоби таҳлил этилмоғи, баҳоланмоғи лозим.

Ва, ниҳоят, ўнинчидан, илмий тадқиқотларни нашр этиш соҳасида, улардан амалиётда фойдаланиш борасида ҳам муаммолар мавжуд. Ҳозирча монографиялар ҳомийлар кўмаги, муаллиф маблағлари ҳисобидан чоп этилмоқда. Илмий ишланмалар мониторинги ташкил этилмоғи лозим. Директив органлар, хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти учун ушбу мониторинг ғоят қимматли манба бўлиши мумкин.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена совершенствованию системы юридического образования и научно-исследовательской деятельности в нашей стране. Автором проводится подробный анализ развития системы образования и внедрения информационных технологий, а также формирования эффективной системы поддержки и поощрения молодых исследователей в сфере юриспруденции.

Муҳаббат ЗАХИДОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бўлим бошлиғи

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ТАРҒИБОТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси" мавзудаги маърузасида таъкидланганидек, "Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир". Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Бунда аёллар ўртасида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий билимлар тарғиботи бўйича гап юритар эканмиз, алоҳида эътиборни жамоат ташкилотларининг ўрнига қаратиш лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси йирик фуқаролик институтларидан бири бўлиб, бошқа барча давлат миқёсида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари каторида ўз нуфузига ва алоҳида ўрнига эга.

Маълумки, бу каби Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Ҳозирда мамлакатда 300 дан ортиқ аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Улар муҳим ижтимоий ва гумани-

тар масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, репродуктив саломатлик, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликни ҳамда аёлларни хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилишни таъминлаш соҳасида самарали фаолиятни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда аёллар нодавлат ташкилотларининг ташкил этилиши мамлакатда хотин-қизлар ҳуқуқлари учун ҳаракатнинг муҳим босқичи бўлиб хизмат қилади. Улар хотин-қизлар муаммолари билан боғлиқ турли масалаларни ҳал этишда давлат ва нодавлат секторларининг биргаликдаги фаолияти соҳасида сезиларли кучга айланди.

Ўтган вақт ичида ижтимоий муҳим тадбирлар — гендер тадқиқотларини ўтказиш, хориж ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш каби йўналишлардаги амалий ҳиссаси билан аёллар нодавлат ташкилотлари жамият ва жамоатчилик ўртасида ўз ўрнини топди. Улар гендер масалалари бўйича аҳоли хабардорлигини оширишда, аёллар ҳуқуқларига оид тадқиқот ва мониторинг ўтказишда фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тадбиркор аёллар Ассоциацияси, "Олима" аёллар Ассоциацияси, "Соғлом авлод учун" жамғармаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва бошқа ташкилотлар хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш, имкониятларини юзага чиқаришда фаол иштирок этмоқдалар.

Аёлларни қизиқтирадиган турли масалалар юзасидан маслаҳат олиш мумкин бўлган махсус жамоатчилик марказлари ташкил этилмоқда, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар бўйича аҳолининг билимлари оширилмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, демократик давлат қуришда жамоатчиликнинг ташаббуси, кучи ва онгига, албатта, таянилади. Жамоатчиликнинг интилиш ва манфаатлари жамоат ташкилотлари фаолиятида акс этади. Мана шу маънода хотин-қизлар ҳуқуқлари таъминланишига оид жорий сиёсатни юритиш бўйича аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамоатчилик фикри ва кучига таянган ҳолда мансабдор шахсларга таъсир этиши, давлат органлари томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши борасидаги фаолиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш зарур.

Ўз таркибига 194 та минтақавий бўлинмаларни бирлаштирган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси энг йирик аёллар жамоат ташкилоти ҳисобланади. Маълумки, қўмита фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишларидан бири бу — аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсиши, ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилишидаги иштирокини таъминлаш бўйича умуммиллий сиёсатни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш, жойларда оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, ўқув юртларида маънавий-ахлоқий кадриятларни ривожлантириш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ва улар билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш, уларнинг сайъ-ҳаракатларини Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилаш, жамият ва давлат қурилиши жараёнларига сафарбар этишдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси аёллар ҳуқуқлари ҳимояси, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишларни мунтазам ўрганади ва танқидий-тахлилий баҳолайди, натижалар бўйича марказда ва жойларда хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ҳокимияти органларини жалб этган ҳолда тегишли чоралар кўради, тадбирлар ўткази.

Ўзбекистоннинг хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларини бажариши, аёллар манфаатларига тааллуқли 80 дан ортиқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан мониторинг ўтказиш, шунингдек, халқаро хотин-қизлар ҳаракати, ижтимоий, таълим ва бошқа йўналишдаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги фаолиятга, бу жараён-

да мамлакат жамоат бирлашмаларининг иштирокига алоҳида этиборини ҳам қаратмоқда.

Парламент Қўмиталари ва Комиссияларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги, "Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияларнинг бажарилиши, хотин-қизлар ҳуқуқларига тааллуқли масалаларга оид Оила ва Меҳнат кодекслари қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторинг амалга оширилади.

"Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Ўзбекистоннинг Тўртинчи даврий маърузасини кўриб чиқиш юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қўмитасининг Якуний тавсияларини бажариш бўйича 2010 йилнинг 2 августида Ҳуқуқат томонидан Учинчи Миллий ҳаракат дастури тасдиқланди.

Таркибида парламент вакиллари, давлат, жамият ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакилларида иборат Бош вазир ўринбосари бошчилигида махсус тузилган эксперт гуруҳи Миллий ҳаракат дастури бажарилиши назоратини амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам қўмита олдида қатор ишлар белгиланган ва уларни ижро этиш бўйича ҳамкорлар билан мунтазам ишлар олиб борилмоқда.

Давлат дастурида белгиланган ҳуқуқий масалалар бўйича, яъни "Бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш"га қаратилган биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ҳамда "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳасини ишлаб чиқишда қўмитанинг ҳиссаси ҳам бор.

Мустаҳкам оила масалалари бўйича қўмитанинг қатор ҳамкорлик ташкилотлари билан олдига қўйган вазифалар ичида, албатта, аҳолининг барча қатламлари ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини фаол олиб бориш муҳим ўрин эгаллайди. Бунда асосий эътибор оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги Давлат дастурларининг, қонун ва қонуности ҳужжатла-

рининг ижросини таъминлашдаги ташаббускорлиги ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини кенг халқ оmmasига етказиш, маҳалладаги хотин-қизлар ва ёшлар ҳаётига тааллуқли салбий кўрсаткичларни камайтиришга эришиши, оилани мустаҳкамлаш ва ёшларни турмушга тайёрлаш бўйича ишларни тизимли ташкил этиш, жумладан, тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда, миллий қадрият ҳамда анъаналарга риоя қилиб, ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик борасида доимий иш олиб боришда маҳалла фуқароларининг фаоллигини ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини ташкиллаштириш. Бунда оилага кириб бориш, оилавий низоларни бартараф этиш, боқувчисиз, ёлғиз қолган аёлларни ҳимоялаш, отасиз ёки онасиз қолган болалар тарбиясини назорат қилиш, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир қилувчи шахслар билан ишлаш, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарнинг мавжудлиги, экстремистик оқимларга мансуб бўлган шахсларнинг мавжудлиги, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарсларга қатнови, битирувчиларни ишга жойлаштиришдаги масъулиятини ошириш, ёш йигит-қизларимизда муомала ва кийиниш маданиятини яхшилаш бўйича тарғиботлар амалга ошириб келинмоқда.

Барча айтиб ўтилган ишлар, албатта, ҳамкорликда амалга оширилади. Бу ҳамкорликни янада ҳам мустаҳкамлаш ва унга ҳуқуқий мақом бериш мақсадида бир қатор ташкилотлар билан Меморандумлар имзоланган. Жумладан, 2011 йилнинг 9 сентябрида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қатор меморандумлар имзолади:

Олий Мажлиснинг Инсон Ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум аёллар ҳуқуқларининг самарали ҳимояси, биргаликда мониторинглар ўтказиш, аёллар манфаатларининг мақсадли ҳимоясига қаратилган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасини таъминлайди.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги мустақил институти билан ҳамкорликда Хотин-қизлар қўмитаси аёлларнинг мамлакат ҳаётидаги иштирокини фаоллаштиришни назарда тутди.

Хотин-қизлар қўмитасининг нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш махсус бўлими ва нодавлат нотижорат ташки-

лотлар Миллий ассоциацияси ўртасидаги ҳамкорлик аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам бериш орқали уларнинг ривожланишига имкон яратди.

"Маҳалла" жамғармаси ва Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимизнинг турли минтақаларидаги аёллар ва улар оилалари аҳволининг яхшиланиши борасида биргаликда фаолият юритади. Ҳатто, мамлакатимиз марказидан олисда жойлашган энг чекка туманлардаги оилаларга кириб боришга, уларнинг ижтимоий-маънавий аҳволини яхшилашга, ўсиб келаётган ёшлар тарбиясига ижобий таъсир қилишга ҳаракат қиладилар.

Энг йирик жамоат ташкилотларидан бири Касба уюшмалари федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликдаги фаолият турли соҳаларда аёллар ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини аниқлашда ижро, қонунчилик ҳокимиятлари ва жамоат ташкилотлари барча тузилмаларининг биргаликдаги аниқ ҳаракатлари заруриятини кўрсатди ва янги ташаббусларга тўртки бўлди.

Бугунги кунда жиноят-ижро тизими билан жамият ўртасидаги янги муносабатларни шакллантириш жиноят-ижро тизимини ислоҳ қилиш жараёнлари доирасидаги муҳим йўналишлардан биридир. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармаси, жумладан, Аёллар колонияси маъмурияти билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилган бўлиб, бу муносабатлар асосан: жазони ижро этиш жойларида жазони ўтаётганларнинг шароитларини яхшилашга ёрдам бериш; судланган ва ҳимояга муҳтож аёллар гуруҳини ҳаётга мослаштириш; улар ўртасида маънавий маърифат ишларини олиб бориш; судланганларнинг ташқи дунё — қариндошлари, фарзандлари билан мулоқотини сақлашга кўмак бериш; аёлларнинг уй-жойга бўлган ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашишга қаратилган.

Озодликдан маҳрум этиш жойларига ташриф буюриш ва судланган аёлларнинг жазони ўташ жойлари шароитлари билан танишиш, уларнинг муаммолари, тиббий хизмат кўрсатиш масалаларини ўрганиш яхши анъанага айланган.

Хотин-қизлар қўмитасининг ушбу фаолияти жиноят-ижро тизими фаолиятида нафақат судланганлар ҳуқуқлари бузилиши ҳолларини аниқлашга, балки суд-ҳуқуқ ислохотларини ўтказиш жараёнида турлича кўмак беришга йўналтирилган жамоат назоратининг кичик бир тизимининг янада фаол ишлашига озгина бўлса-да ҳисса қўшмоқда.

Албатта, ушбу йўналишдаги ишлар талай муаммолар, ечимини топмаган масалалардан холи эмас.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг илмий-амалий базасини таъминлаш аёллар ҳуқуқлари соҳасидаги илмий изланишларни ривожлантиришни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун дунё тажрибасидан фойдаланишни тақозо этади. Шу мақсадда хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси муаммоларини чуқур ўрганиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари амалиётига илмий-текшириш институтлари билан ишларни жонлаштириш белгиланган.

Барчамизга маълумки, аёл бу она, аёл бу рафиқа, опа-сингил, аёл бу оила. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оила институтини амалда мустаҳкамлаш борасида талай ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало, оила ва никоҳ муносабатларини такомиллаштиришнинг қонуний базаси яратилиб, оила аъзоларининг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниб, давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки кунла-

риданоқ аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг доирасини кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш, яъни хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлатимизнинг устувор йўналишларидан бири, деб эътироф этар эканлар, бу вазифани кенг маънода тушуниш зарурлигини тақрор ва тақрор таъкидлаганлар.

Хотин-қизлар эркин фуқаролик жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида бугун давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида эркалар билан теппа-тенг меҳнат қилиб, ўзларининг фазилатлари ва иқтидорларини ҳар соҳада намоён этмоқдалар.

Хотин қизлар-ҳуқуқларини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш масаласи бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирidir. Демак, бу Хотин-қизлар қўмиталари билан бирга барча давлат органлари, вазирлик ва ташкилотлар ҳамда фуқаролик институтларининг хотин-қизларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш, улар ўртасида ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маънавият билимларини сингдириш ва барқарорликни рўёбга чиқариш борасида олиб бораётган ишлари биринчилар қаторида, десам муболаға бўлмайти.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена ролу негосударственных и некоммерческих организаций на примере комитетов женщин в процессах пропаганды правовых знаний и формирования активной жизненной позиции среди женщин. Автором обозревается актуальность работ по защите прав и свобод женщин.

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи, ю.ф.д., профессор
Жўрабек РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари ўқитувчиси

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ТАРҒИБОТИ ВА ҚОНУНГА ИТОАТКОР ШАҲСНИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий соҳалар билан бир қаторда давлат ва жамият қурилиши, ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда илғор ютуқларни қўлга киритди. Айниқса, фуқароларнинг қонунларга аниқ ва оғишмай бир хилда риоя қилиши — қонунга итоаткорлик ҳиссини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан қонунга итоаткорликнинг асосини ташкил этувчи "Конституция ва қонунлар устуворлиги" принципи миллий тараққиёт моделининг асосларидан бири сифатида белгилаб олинганлиги муҳим аҳамият касб этди¹.

Бугунги кунда мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари, олий ўқув юртларидан тортиб маҳаллаларгача қамраб олинган узлуксиз таълим тизими яратилган. Ушбу тизим асосида ўқувчилар ва талабалар Ўзбекистон Конституциясини ўрганиши ва ҳуқуқий соҳалардаги билимларини янада мустаҳкамлаши учун муҳим замин яратилган. Жумладан, 1997 йилдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"га мувофиқ, таълим муассасаларида ҳуқуқий йўналишлар бўйича 17 та умумий ихтисослик фанлари жорий қилинди. Умумтаълим мактабларининг юқори синфларида "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фани ўқитилмоқда. Таълим жараёнида 5-7-синфлар учун 51 соат ҳажмида "Конституция оламига саёҳат", 1-4-синфлар учун эса "Конституция алифбоси" ўқув курслари татбиқ этилаётти.

2003 йили Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Жаҳон конференциясида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш масалаларига жиддий эътибор қаратилди. БМТ илгари сурган "Таълим — демократия асоси" шиори остида амалга оширилаётган фаолият мактаблар, олий

ўқув юртлари ўқитувчиларининг ушбу вазифани ҳал этишида алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистонда таълим тизими босқичма-босқич ислоҳ этилиб, унда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг устуворлиги принципига оғишмай амал қилинмоқда. Жумладан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ўн йиллиги (1995-2004) доирасидаги тавсияларини амалга ошириш, шунингдек, 2009 йил БМТ томонидан "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро таълим йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан юртимизнинг барча таълим муассасаларида "Инсон ҳуқуқлари" ўқув курси жорий қилинди.

Жамиятни демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Мамлакат Президенти Ислом Каримов "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир²", деб таъкидлаган.

Шу боисдан мамлакатда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш жараёнида ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастури зарур бўлмоқда. Бунда аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб бориш назарда тутилади.

Хуқуқий тарбия муаммолари Франция, Англия, Италия ва АҚШда ҳам кенг миқёсда муҳокама қилиниб келинган. Бунда хуқуқий тарбиянинг ёшларга бўлган таъсири фақат ахлоқий масала бўлиб қолмасдан, бир вақтнинг ўзида катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги назарда тутилган. Масалан, Францияда 1879 йилда жорий этилган мактабларда ахлоқ ва хуқуқ қоидаларини ўқитиш "фуқаро", "ватан", "армия", "қонун", "жамият", "адолат" сўзларининг маъноларини тушунтириб беришдан бошланган.

Ривожланган чет давлатларида қонунга итоаткор шахсни тарбиялашда махсус хуқуқий тарғибот дастурлари амалга оширилмоқда. Бу борада Буюк Британияда хуқуқбузарликка мойил болалар билан маънавий-хуқуқий тарғибот ишлари бўйича менторлик тизими йўлга қўйилган. Бу тизимда махсус таълим олган шахс (ментор)лар тегишли дастурлар асосида хуқуқбузарликка мойил болалар билан махсус ўқув-тарбиявий машғулотларни олиб борадилар. Бунда асосан қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

— болада мавжуд муаммоларни хуқуқий жиҳатдан ҳал қилиш бўйича тушунтиришлар олиб бориш ва амалий ёрдам бериш;

— бола билан индивидуал тарзда сўхбат ўтказиш;

— боланинг таълим олиши билан боғлиқ муаммоларга услубий жиҳатдан ёрдам бериш.

Шу билан бирга, хуқуқий билимлар тарғиботи ва бу борада муҳим ўрин тутувчи юридик таълим тизимида ҳал қилиниши лозим бўлган қатор масалалар мавжуд. Замоनावий талабларга жавоб берадиган юридик таълим тизимини яратиш жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг йўналишларидан биридир. Барча таълим босқичларини қамраб оладиган ўқув комплексларини ташкил этиш кадрларни тайёрлашни такомиллаштиришга хизмат қилади. Илмий асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва юридик таълимнинг ихтисослашувини изчил амалга ошириш юридик кадрларни тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг зарур шарти ҳисобланади. Нашр этилган илмий, илмий-оммабоп адабиётлар сонини кўпайтириш, хуқуқий маданият масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш хуқуқий билимларни оммалаштириш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади³.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги 2009 йил 31 декабрдаги Қарори билан www.lex.uz расмий сайтидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Қаримовнинг 1997 йил 25 июндаги "Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг хуқуқий маданияти да-

ражасини юксалтириш, хуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони асосида кейинги йилларда бу масалага катта аҳамият берилмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирлар хуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимларининг хуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар биримиз қонун бўйича яшаш ва меҳнат қилишни, қонун орқали хуқуқ ва эркимизни ҳимоя қилишни, юклатилган мажбуриятларни қатъий бажаришни ўрганишимиз ва мунтазам равишда ўзимизни ва бошқаларни шу аснода тарбиялашимиз лозим.

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, хуқуқий билимлар тарғиботи билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда прокуратура органларига бир қатор вазифалар юклатилган.

Авваламбор, фуқароларнинг хуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш, хуқуқий билимлар тарғиботини ташкил этишда прокуратуранинг жамоатчилик билан ҳамкорлиги белгилаб олинган. Зеро, бундай ҳамкорлик фуқароларнинг ўз хуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб бориш ва қонунга итоаткор шахсни тарбиялаш учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Аслида, ижтимоий-хуқуқий маконда шаклланадиган хуқуқий хулқ-атвор, назарий қарашлар, фикр-мулоҳазалар, тасаввурлар пировард натижада қонунга итоаткор фуқарони тарбиялаб, вояга етказиш масаласига бориб тақалади⁴.

Қонунга итоаткорлик кишининг хуқуқий хулқ-атворини ифода этадиган хислатлар сирасига кирди. Қонунга итоаткорлик шахснинг ижтимоий позицияси ва фаоллигига боғлиқ бўлиб, муайян ижтимоий муҳитда қонунларга қатъий риоя қилиш зарурлигини таъминлашга йўналтирилади.

Қонунга итоаткорлик азал-азалдан юртимизда юқори баҳоланган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз "Тузуклар"ида бу ҳақда ибратли сўзларни битиб қолдирган: "Давлат агар дину тартиб-қоида асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади"⁵.

Мамлакатимизда юксак хуқуқий маданиятнинг шаклланиши аҳоли ва давлат аппарати ходимларининг, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг қонунга итоаткорлик позициясини кучайтиришни талаб қилади. Бу анча мураккаб, лекин ҳал қилиниши лозим бўлган вазифадир.

Қонунга итоаткорлик, ўз навбатида, фуқаро-

лар ҳуқуқий онгининг шаклланиши ва ривожланишига, уларда конституциявий-ҳуқуқий принциплар ва нормалар, ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек, ҳуқуқий жавобгарлик ҳақида тўғри тасаввур шаклланишига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқни рўёбга чиқариш жараёнида юридик муносабатларни тартибга солиш вазифасини ўтайди.

Қонунга итоаткорлик позициясининг роли ҳуқуқий нормаларнинг онгли равишда бажарилишида намоён бўлади. Жамият, ижтимоий гуруҳлар, шахс ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги даражаси қанчалик юқори бўлса, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот шунчалик мустаҳкам бўлади.

Необходимо пересмотреть меры административных взысканий с целью проведения градации пределов взысканий, налагаемых на юридические и физические лица, а также должностных лиц. Основной мерой ответственности юридических лиц будет являться повышенный штраф как мера, носящая в большей степени компенсационный характер. Из действующего же перечня видов административных взысканий лишь административный арест невозможно применить к юридическим лицам. Все же остальные виды, предусмотренные ст. 32 КоАО, одинаково применимы к юридическим и физическим лицам⁸. При наложении же штрафа на юридические лица рекомендуется в новом КоАО предусмотреть в отношении юридических лиц процедуру наложения пени в процентах к сумме неуплаченного штрафа за каждый день просрочки исполнения административного взыскания.

Фиксация такого подхода позволит также сократить случаи злоупотреблений со стороны отдельных должностных лиц и органов, ссылающихся на устранение пробелов в законодательстве при наложении неадекватных взысканий на юридические лица.

На индивидуальных предпринимателей без образования юридического лица рекомендуется распространить действие норм, предусматривающих административную ответственность физических лиц, поскольку очевидно, что деяния первых не могут повлечь за собой последствия такого масштаба, как деяния юридических лиц (в случае введения их в качестве субъектов административных правонарушений), должностных лиц государственных органов или руководителей не-

государственных структур.

С учетом существующей тенденции либерализации уголовного законодательства, при которой КоАО фактически становится актом, вбирающим в себя исключенные из Уголовного Кодекса составы, необходимо разработать четкие критерии отграничения административных правонарушений от любых других видов (в первую очередь от уголовных).

В отношении объективной стороны административного правонарушения, выраженной в форме бланкетных диспозиций, целесообразным считается пересмотр составов правонарушений с целью выявления "мёртвых" (неприменяемых на практике) норм и их устранения. В отношении же всех прочих норм рекомендуется систематизировать правила, за нарушение которых предусмотрена административная ответственность, а также ввести обязательные критерии регистрации в органах юстиции и опубликования таких правил до вступления их в силу с целью ограничения возможностей для произвольного их изменения и злоупотребления.

Необходимо пересмотреть положения Особенной части КоАО, связанные с поглощением одних составов правонарушений другими с целью ликвидации дублирования норм и сокращения условий для двойного привлечения к ответственности за одно и то же деяние.

Пересмотр положений Особенной части КоАО позволит также в значительной мере ликвидировать существующий дисбаланс деликтов, совершаемых гражданами и юридическими лицами с одной стороны и представителями публичной власти - с другой.

Для решения проблемы иммунитетов от административной ответственности отдельных категорий лиц рекомендуется внести в статью 16 КоАО положение, согласно которому при повторном совершении административного правонарушения в течение срока, по прошествии которого лицо считается не подвергавшимся взысканию, лица, на которые распространяется действие дисциплинарных уставов, будут нести административную ответственность на общих основаниях.

В свете отсутствия определения административной ответственности рекомендуется пересмотреть понятие, данное в ч. 2 ст. 10 КоАО, и внести в него перечень субъектов административной ответственности, а также указания на то, что этот вид ответственности наступает за совершение административных правонарушений.

Также необходимым представляется введение в КоАО положения о выражении административной ответственности в форме административных взысканий, предусмотренных санкцией административно-правовой нормы.

С целью четкого определения верхнего предела штрафа как меры административного взыскания рекомендуется исключить двойственность,

создаваемую формулировкой ч. 4 ст. 25 КоАО о возможности повышения максимального размера штрафа в исключительных случаях. Для ограничения же практики несоразмерного применения верхнего предела штрафа в отношении административных правонарушений с различными последствиями, необходимым представляется дополнение санкций административных норм ограничением размера штрафа также верхним пределом в процентном отношении к размеру причиненного правонарушением ущерба (например, штраф в размере от двух до четырех минимальных размеров заработной платы, но не более 5 % от суммы причиненного ущерба).

Рекомендуется ввести в ст. 23 КоАО в качестве вида административного взыскания дисквалификацию в отношении должностных лиц и приравненных к ним по статусу служащих смешанных структур, поскольку для последних возможность потери рабочего места является наиболее сильным сдерживающим фактором против совершения административных правонарушений, а распространение же этой меры на негосударственные организации привело бы к вмешательству государства в ее порядок управления. Целесообразным также предполагается введение в ст. 24 КоАО⁹ указания на то, что дисквалификация может применяться в качестве как основного, так и дополнительного административного взыскания. При этом с учетом жесткости подобной меры административного взыскания необходимо четко предусмотреть перечень деяний (особо опасных в рамках административно-деликтного права), за которые она будет применяться, а также определить сроки ее применения.

Целесообразным представляется пересмотр гл. XXI КоАО на предмет разработки единообразной для всех ведомств, уполномоченных применять меры обеспечения производства по делам об административных правонарушениях, процедуры по административному задержанию, досмотру вещей и транспортных средств, изъятию вещей и документов. Имеет смысл обобщение существующих ведомственных процедур и их закрепление в Кодексе в виде исключений, применяемых только для этих ведомств, с целью ликвидации благоприятной для злоупотреблений почвы, создающейся за счет относительно произвольного и частого их изменения.

Рекомендуется также ввести в указанную главу положение о том, что ведомственные процедуры в этих вопросах (таможенные процедуры, процедуры органов внутренних дел и т.д.) могут применяться только в случае их непротиворечия положениям Кодекса с целью устранения пробелов в нём.

Затрагивая вопрос о концепции новой редакции КоАО можно было бы выделить несколько альтернативных концептуальных подходов.

Однако независимо от избранного подхода в

новой редакции необходимо, на наш взгляд, обеспечить реализацию следующих концептуальных положений:

1. Кодификация административной ответственности. Следует провести полную инвентаризацию всех нормативно-правовых актов с административной санкцией. Нормы административной ответственности нужно систематизировать и внести в новый КоАО.

2. Четкий порядок установления норм административной ответственности на будущее: только поправками к КоАО! Исключения могут быть предусмотрены в особых случаях только на ограниченный срок и в четко определенных пределах. А на постоянной основе вопрос должен решать Олий Мажлис. Иными словами, Кодекс должен стать полноценным исчерпывающим источником норм административной ответственности. И, конечно, установление норм административной ответственности должно быть прерогативой законодателя.

3. Рационализация системы административных взысканий. Административные взыскания необходимо пересмотреть с точки зрения функций административного наказания и ожидаемого социального эффекта административно-охранительной политики. Основной принцип: смещение акцента с репрессивной на исправительно-предупредительную функцию. Административное наказание не должно быть чрезмерно жестким. Исправительный эффект должен достигаться за счет неотвратимости ответственности и постепенного но неуклонного возрастания мер наказания при повторных правонарушениях. С учетом этого принципа систему санкций нужно пересмотреть.

Неуклонное последовательное ухудшение положения правонарушителя при продолжении противоправного поведения - вот главный рычаг административной ответственности, обеспечивающий выполнение ее функций. Преимущество этого подхода в том, что он обеспечивает большую соразмерность административных санкций при большей же практической эффективности. А соразмерность — важнейший принцип конституционного и административного права! Пересмотренные с учетом указанного принципа санкции норм КоАО станут более избирательными, и будут наказывать достаточно жестко лишь тех нарушителей, которые действительно этого заслуживают. Данный подход соответствует политике либерализации наказания, в отличие от применения чрезмерно жестких санкций ко всем правонарушителям или произвольного определения меры наказания по усмотрению правоприменителя.

4. Полнота нормативной регламентации. Нужно сократить число отсылочных норм. Составы правонарушений должны по возможности быть полностью описаны в Кодексе.

5. Совершенствование процедуры рассмотрения дел об административных правонарушениях.

Законодательно закрепить эффективные процедуры производства по делам об административных правонарушениях, включая процедуры исполнительного производства. Исходя из этого, пересмотреть с точки зрения стандартов административных процедур. Сложность в том, что действующий КоАО содержит процедуру, которая предназначена как для административных органов, так и для суда. Это не самое удачное решение, учитывая принципиальные различия между администрированием и судопроизводством как видами государственной деятельности. Правосудие, каким бы судом оно не осуществлялось, - это элитная форма разрешения споров в обществе и потому оно требует более сложной детальной процедуры. Администрирование требует большей оперативности. Доработка процедуры КоАО по таким стандартам судопроизводства приблизит ее к процедуре УПК. Для административных органов это будет явно избыточной регламентацией.

Таким образом, как видим, необходима реализация проекта нового организационно-правового механизма административной ответственности. Без такого целостного подхода все может свестись к фрагментарным прикладным правкам КоАО, которые, конечно, могут быть локально полезными, но не приведут к кардинальным изменениям в рассматриваемой сфере, как это

предусматривается Концепцией дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране.

Помимо пересмотра нормативно-правовых актов важно решить и институциональные вопросы реформы административной ответственности. Несомненно, организационно-правовые преобразования нужны и судебной системе: расширение штатов уголовных судов за счет должностей судей по административным делам давно назревший вопрос. Потребуется и серьезное улучшение профессиональной подготовки судей.

В этой связи, нельзя не затронуть вопрос об административной юстиции, представляющей собой совершенно иной предмет. Отечественные специалисты нередко ассоциируют административную юстицию с судопроизводством по делам об административных правонарушениях. Это заблуждение. Административная юстиция - это судопроизводство по административным спорам, в которых истцом выступает гражданин (или предприниматель), а ответчиком - административный орган. И АПК должен регулировать именно этот вид судопроизводства. Никакого отношения к производству по делам об административных правонарушениях АПК не имеет. Попытки сростить эти разные производства в одном процессуальном кодексе не давали положительного результата¹⁰.



АННОТАЦИЯ

Мақола мамлакатда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг ҳуқуқий кафолати сифатида қаралаётган янги таҳрирдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган бўлиб, унда янги таҳрирдаги кодексни ишлаб чиқишда халқаро ҳуқуқ меъёрларини инобатга олган ҳолда, маъмурий ишларни кўриш ва уларни процессуал тартибларини такомиллаштиришга алоҳида урғу берилган.

¹ Должностным признается лицо, занимающее должность на предприятии, в учреждении, организации, независимо от форм собственности, если на него возложены руководящие, организационные, распорядительные, контрольно-надзорные функции либо обязанности, связанные с движением материальных ценностей.

² Так, например, в КоАП Российской Федерации предусматривает ответственность юридических лиц за такие правонарушения, как: нарушение порядка работы с денежной наличностью и порядка ведения кассовых операций; выпуск или продажа подлежащих маркировке товаров и продукции без маркировки; нецелевое использование бюджетных средств; недобросовестная эмиссия ценных бумаг; нарушение валютного законодательства; нарушение законодательства о банках и банковской деятельности и др.

³ Административная ответственность за правонарушения, предусмотренная КоАО, наступает, если эти нарушения по своему характеру не влекут за собой уголовную ответственность

⁴ При применении взыскания учитываются характер совершенного правонарушения, личность правонарушителя, степень его вины, имущественное положение, обстоятельства, смягчающие и отягчающие ответственность.

⁵ В отношении граждан - до десяти, а должностных лиц - до пятнадцати минимальных размеров заработной платы.

⁶ Комментарии к КоАО. - Ташкент: "Адолат", Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. - С. 212

⁷ Обстоятельства, отягчающие административную ответственность

⁸ Штраф; возмездное изъятие предмета, явившегося орудием совершения или непосредственным предметом административного правонарушения; конфискация предмета, явившегося орудием совершения или непосредственным предметом административного правонарушения; лишение специального права (например, патента).

⁹ Основные и дополнительные административные взыскания.

¹⁰ Об этом свидетельствует опыт Казахстана.

ДАВЛАТ ВА ХУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ФАНИ РИВОЖИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Башарти, фанга умумий тарзда таъриф берадиган бўлсак, фан бу атрофимиздаги мавжуд объектив олам, она табиат ҳамда биз яшаб турган жамият ҳодисалари ҳақидаги умумлашган ва тизимлашган билимлар мажмуидир. Айни пайтда, юридик фан энг қадимги ижтимоий фанлар қаторида муносиб ўрин эгаллайди. Юридик фан бу — ижтимоий нормаларнинг махсус бир тизими сифатида ҳуқуқни, унинг алоҳида тармоқларини, давлат ва ҳуқуқ тарихини, давлатнинг жамият сиёсий тизимида тутган ўрнини ўрганадиган ва давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш қонуниятларини очиқ берадиган фандир.

Таъкидлаш зарурки, ҳар қандай фаннинг ривожланиши мураккаб ва изчил жараён бўлиб, бунга қатор омиллар таъсир этади. Ушбу омиллар сирасига фаннинг объекти ва предметида ўзгаришлар ҳамда жамиятнинг ушбу фанга нисбатан муносабати, бу фанга бўлган ижтимоий зарурат ва бошқа қатор омиллар киради. Фаннинг ривожига таъсир этувчи омиллар ичида унинг объектида содир бўладиган ўзгаришлар ҳал қилувчи ҳисобланади. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг объекти бўлиб, кенг маънода давлат ва ҳуқуқ, давлат-ҳуқуқий ҳодисалар ҳисобланади.

Кишилиқ жамияти тарихида давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлганига тахминан беш минг йил бўлган бўлса, ўтган давр мобайнида жамият ривожига ҳамоҳанг равишда давлат ва ҳуқуқ ҳам доимий ривожланиш жараёнини бошдан кечириб келмоқда. Бинобарин, давлат ва ҳуқуқ доимий бир ҳолатда турадиган, ўзгармас ҳодисалар эмас. Бу ҳодисалар ҳар бир давр мазмун ва моҳиятига мос ҳолда ўзгаришга учрайди. Масалан, қулдорлик давлати ва ҳуқуқидан феодал давлати ва ҳуқуқи жиддий фарқ қилади. Жумладан, қулдорлик давлати ва ҳуқуқи ўзидан кейинги тузумлардан фарқ қилган ҳолда, қулларга ҳуқуқ субъекти эмас, бал-

ки, объекти сифатида қараган; буржуа давлати ва ҳуқуқи барчанинг давлат ва қонун олдида тенглигини эътироф эта бошлаган; социалистик тузум бошқа тузумлардан фарқ қилган ҳолда хусусий мулкни тан олмаган ва ҳоказо.

Ҳозирги замон ривожланган демократик давлатлар ҳуқуқи инсоннинг давлат, қонун ва суд олдида тенглигини эътироф этибгина қолмасдан, балки, бу тенгликни ҳар томонлама таъминлашни ўзининг асосий мақсади, бурчи деб билади. Бинобарин ҳозирги замон давлати қонун устуворлиги, ҳуқуқ ҳукмронлиги ва инсон ҳуқуқларини, шахснинг тенглиги, эркинлиги, ҳафвсизлиги ва ижтимоий адолатни таъминлайдиган, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида фуқаролар билан боғланган демократик жамиятдир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси бу давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва бугунги кунда фаолият олиб боришининг энг умумий қонуниятлари ҳақидаги билим ва тасаввурлар йиғиндиси ҳисобланади. У назарий, фундаментал фан бўлиб, у юридик фанлар, юридик билимлар тизимида алоҳида ўрин ва мавқега эга. Мазкур фан давлат ва ҳуқуқни ўрганадиган яхлит фан бўлиб, у ижтимоий, сиёсий-юридик, фундаментал ва услубий характерга эга.

Таъкидлаш зарурки, ўтган асрнинг охириги ўн йиллиги ва яшаб турган асримизда кечаётган сиёсий-ижтимоий воқеа-ҳодисалар давлат ва ҳуқуқ назарияси фани ҳақида мушоҳада қилишга жуда кенг "озик" бераётган давр бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бу эса ўз навбатида, фаннинг қатор масалаларига янгича қарашни, янгича ёндашишни ва айримларини жиддий ўзгартиришни тақозо этмоқда.

Бундай масалалар сирасига, масалан, жаҳон иқтисодий ва молиявий инқирози асоратлари, давлат ва иқтисод ўртасидаги муносабат, дав-

латнинг трансмиллий компаниялар, хусусий банклар фаолиятини назорат қилиш борасидаги сиёсатини ҳозирги кун талабларига мос ҳолда қайта кўриб чиқиш зарурлиги кабилар киради.

Бундан ташқари, давлатнинг шакли, айниқса, бошқарув шакли масаласидаги қарашлар ҳам бугунги кун воқелиги асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда. Чунки, бугунги кунда, "фалон давлатнинг бошқарув шакли президентлик республикаси ёки парламентлик республикаси" деб айтиш тобора қийин бўлиб қолмоқда. Давлат бошқарув шаклининг кўпроқ аралаш, "гибрид" кўринишлари кўпаймоқда. Яна давлат шаклининг конфедерация кўринишига оид билимлар ҳам ҳозирги замон воқеликлари асосида аниқлаштирилиши зарур. Бинобарин, қатор энциклопедия ва дарсликларда Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотларни конфедерация шаклига мансуб, деган қарашлар мавжуд. Шу муносабат билан бу масалага оид билимлар ҳам аниқлаштиришга муҳтож.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг муҳим ва такомиллаштиришни талаб этадиган масалаларидан яна бири қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда фаннинг роли масаласидир. Чунки, давлат ва ҳуқуқ олдида турган аксарияти масалаларнинг ечимида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва роли каттадир. Жумладан,

жамиятнинг демократлашув жараёни, ислохотларнинг амалга оширилиши ҳам охир-оқибатда ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юқсак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир¹.

Таъкидлаш зарурки, давлат ва ҳуқуқ назарияси олдида юқоридаги каби яна қатор масалалар қайта қараб чиқишни, аниқлаштиришни талаб этади. Мамлакатимиз юридик фани бугунги кунда давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича фаолият олиб бораётган нуфузли олимлар мажмуига эга эканлигини қайд этиш зарур. Ушбу интеллектуал потенциал давлат ва ҳуқуқ назарияси фанини бугунги кун шиддатли ва мураккаб асримиз давлат-ҳуқуқий реалликлари умумий қонуниятларини ўзида акс эттирган, унинг хусусиятларини назарий-ҳуқуқий мушоҳада этган монографиялар, мақолалар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлашга касбий жиҳатдан масъулдирлар.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена актуальным вопросам развития науки-теории государства и права. Автор освещает фундаментальные взгляды формирования научно-правовой мысли в этом сегменте и анализирует некоторые направления.

¹ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. -Т.: к'zbekiston, 2011. Т.19. -Б.70.

Феруза МУХИТДИНОВА,
ТДЮИ илмий педагог ходимлар тайёрлаш бўлими бошлиғи,
юридик фанлар доктор

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ, ИЛМИЙ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги 1426-сонли "Олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида аспирантура ўрнига 3 йиллик ўқув муддати билан стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти; докторантура ўрнига тадқиқотлар соҳасига қараб 2-3 йилга мўлжалланган катта илмий ходим тадқиқотчилар институтини яратишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг такомиллаштирилган тизими амалга киритилди.

2011 йилнинг 1 январидан стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларга стажёр-тадқиқотчиларнинг базавий лавозим маошларига тенглаштирилган, катта илмий ходим-изланувчиларга фан номзоди илмий даражасига эга катта илмий ходимларнинг базавий лавозим маошларига тенглаштирилган лавозим маоши тўлаш тизими жорий этилди. Иккинчидан, мазкур янгиланган тизими стажёр-тадқиқотчи-изланувчи (катта илмий ходим-изланувчи) ҳамда унинг илмий раҳбари (маслаҳатчи) га ҳам катта ишонч ва масъулият юклади. Учинчидан, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчиларнинг асосий фаолияти ўзлари танлаган мавзунини ҳисобга олган ҳолда илмий изланишларни бажаришдан иборат эканлиги белгилаб қўйилди. Яъни танланаётган илмий тадқиқот мавзулари республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослиги ва давлат дастурлари ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлигига қараб таҳлил қилинишига асосий эътибор қаратилди. Тўртинчидан, олий малакали илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш йирик илмий мактабларни шакллантиришга замин яратди. Бешинчидан, олиб борилаётган тадқиқотларнинг амалий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, бажарилаётган илмий тадқиқот

ишларининг аксарият қисми мутахассислик кафедралари инновацион-корпоратив ҳамкорлик ўрнатган корхона (таълим муассасалари) нинг технологик муаммоларининг конструктив ечимини топишга қаратилмоқда.

Шу боис, Олий ўқув юртларида илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими олий ўқув юртидан кейинги таълим, яъни стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти, катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил тадқиқотчилик орқали олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар (фан номзодлари ва фан докторлари) тайёрлаш тартибини, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар (катта илмий ходим-изланувчилар), илмий раҳбарлар (маслаҳатчилар) ва олий ўқув юртининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Бўлим кафедраларда илмий ишлар борасида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштиради. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган фундаментал, амалий, инновацион ва ёш олимларнинг тадқиқотчилик фаолиятини, уларнинг чорак, ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлари тегишли ташкилотларга ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилади. Бўлимдаги илмий нашрлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Шунингдек, таълим муассасаси, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив ҳамкорликни шакллантиради ва фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Бўлимнинг асосий вазифалари: стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти, катта илмий ходим-изланувчилар институти ва мустақил тадқиқотчилик орқали илмий кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштириш, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти, катта илмий ходим-изланувчилар мутахассисликларини очиш ва ёпиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясига таклифлар тайёрлаш; профессор-ўқитувчиларини фундаментал, амалий, инновацион ва ёш олимлар тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш, лой-

ихалар тайёрлаш ва мавжуд лойиҳаларнинг фаолиятини назорат қилиб бориш; Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси билан келишган ҳолда номзодлик имтиҳонларини юқори савияда ўтказилишини таъминлаш; ОЎЮ ҳузуридаги диссертация ҳимоялари бўйича ихтисослашган кенгашларнинг тўлақонли фаолияти учун лозим бўлган моддий ва меъёрий асосларни яратиб бериш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тармоқ институтлари, олий ўқув юртлари билан илмий ҳамкорликни ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш; ОЎЮда ўтказиладиган халқаро ва республика миқёсидаги илмий-анжуманлар тўғрисида таклифлар тайёрлаб бериш; ОЎЮдаги барча профессор-ўқитувчиларга республикадаги кутубхоналар, илмий-тадқиқот институтларига, тажриба-синов ишларини олиб бориш учун шароит яратиб беришдан иборат.

Шунингдек, Олий малакали илмий, илмий педагог кадрлар яратган интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, патентлаш ҳамда унинг амалиётга татбиқ этилишига эътибор қаратилди. Олий малакали илмий, илмий педагог кадрлар ўртасида интеллектуал танловлар, мусобақалар ташкил этилди. Номзодлик диссертацияси устида иш олиб бораётган тадқиқотчилар учун жамоат назорати кучайтирилди, уларга касбий қўмақ ва маъмурий ёрдам ташкил этилди. Олий малакали илмий, илмий педагог кадрларни кафедраларнинг илмий педагог кадрларга (илмий салоҳиятини ошириш ва ёшартириш) бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишга жойлаштириш режаси ишлаб чиқилди, Олий малакали илмий, илмий педагог кадрлар фаолияти учун зарур бўлган таълим заҳираларининг ахборот таъминоти яратилди.

Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнида ахборот коммуникация технологиялари ва ахборот ресурсларидан тўлиқ фойдаланилмоқда, электрон ўқитиш кенг татбиқ этилмоқда, ўқитишнинг янги шакл ва услублари яратилди. Халқаро меҳнат бозоридаги рақобатга бардош берадиган илмий педагогик кадрларни тайёрлаш мақсадида уларнинг хорижий тилларни билиши ва

ахборот технологиялари билан боғлиқ малака ва кўникмаларини юксалтиришга қаратилган ўқишлар ташкил этилди. Реал, ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштирилган ҳамда корпоратив ҳамкорлик натижасида шаклланган инновацион гуруҳларга ва ДИТД доирасида бажарилаётган лойиҳаларга ёш стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, катта илмий ходим-изланувчилар жалб қилинди ва ҳамкорлик ўрнатилган корхона (таълим муассаса)ларнинг йирик ижтимоий-иқтисодий (технологик) муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тадқиқотларга йўналтирилади. ОЎЮда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг аксарият қисми илмий раҳбарликка жалб қилинмоқда. Уларнинг илмий раҳбарлигида бир қатор диссертациялар ҳимоя қилиниши йўлга қўйилган.

ОЎЮ ҳузурида фаолият кўрсатаётган барча ихтисослашган кенгашларнинг фаолияти учун зарур бўлган моддий ва маъмурий шароитлар яратилди. Ҳимояга чиқиши кечикаётган стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг илмий раҳбарлари ахборотлари мунтазам равишда ОЎЮ Илмий Кенгаши йиғилишларида муҳокама қилиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Зеро, республикада амалга оширилаётган илмий ишлар, ёш олимларга яратилган шарт-шароитлар фан ютуқларидан амалиётда самарали фойдаланишга қаратилган.

Юртбошимизнинг илм-фанга, зиёлиларимизга ишончи "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида шундай таърифланади: "Сира муболағасиз айтиш мумкинки, халқни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш соҳасидаги ... катта ишда зиёлиларимиз асосий, ҳал этувчи ўринни эгаллашлари даркор. Зиёлиларнинг сўзи одамларнинг онг шуури ва қалбида ҳамиша аксадо беради".

Республика Фанлар академияси олимларидан умидимиз катта. Бунинг боиси бор, албатта. Республикамизни янада юксалтиришнинг ягона демаганда ҳам, асосий йўли илм-фаннинг мадади таянишдир.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена актуальным вопросам подготовки научно-педагогических кадров и проблемы их обучения. Автор осуществляет подробный анализ реализованных отраслевых мер в республике.

Алимжан МАТЧАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
кафедра бошлиғи в/б, ю.ф.н., доцент

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ҚОИДАЛАРИНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Инсон ҳуқуқлари ер юзида ҳаётнинг тўлақонлигини белгилайди ҳамда миллатлар маданиятларининг ажралмас қисми, инсоният маънавий-ҳуқуқий идеалларининг энг юқори даражада кўриниши бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, ҳозирги замон дунёсининг маънавий қадриятлари орасида умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишларни кўрсатиб, "...Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак"¹, дейди.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган бўлиб, мазкур ҳужжат одатда дунёнинг виждони, инсоният маънавиятининг эталони деб номланади. БМТ Низоми каби мазкур тарихий ҳужжатда ҳақиқат ўз тасдиғини топган: барча инсонлар эркин ва инсоний қадр-қиммат ва асосий, табиий ҳуқуқларда тенг туғиладилар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларсиз ва ўз шахсий дахлсизлиги учун ҳадиксирамай яшаш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги, адолатли ва бутун дунёда тинчликка

бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг асосий шартларидан бири шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини рағбатлантириш ва жамиятдаги ҳар бир инсон ҳуқуқларининг амалий кафолатлари тизимини яратишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, "...биз ўз олдимизга қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш мақсадидан воз кечмаймиз, муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон учун эркин, ҳеч ким ва ҳеч нимадан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидан қайтмаймиз"².

Ўзининг ташқи ва ички сиёсатида Ўзбекистон Республикаси 1993 йил БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Иккинчи умумжаҳон конференциясида тасдиқланган "Инсон ҳуқуқлари шак-шубҳасиз универсал хусусиятга эга, уларнинг ҳимояси эса тегишли давлатларнинг қонуний эҳтиёжидир" деган принципга асосланади³.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича мақсадли иш олиб борилмоқда, қонун ҳужжатларининг бутун бир тизими ишлаб чиқилган ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар муваффақиятли ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бу — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эди. Бу, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ривожлантириш, ҳимоя қилиш ва кафолатлаш бўйича ҳақиқий мақсадларини билдиради. Бугунги кунгача, мамлакатимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича 70 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилган.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқ ва эр-

кинликлари бўйича асосий ҳужжатларга қўшилиши билан халқаро ҳуқуқнинг асосий умумэтироф этилган принциплари босқичма-босқич миллий ҳуқуқий тизимга имплементация қилиб берилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар имплементациясида БМТ конвенциявий ҳужжатлари бўйича ҳисоботлар механизми муҳим ўринга эга. Хусусан, 2011 йил бошида Ўзбекистон Республикаси қўшилган БМТнинг қуйидаги асосий ҳужжатлари юзасидан Ташкилотнинг тегишли қўмиталарида миллий ҳисоботлар топширилган.

— "Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция";

— "Ирқий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция";

— "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция",

— "Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадрқимматни камситувчи турларига қарши конвенция",

— "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт";

— "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт".

Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқий стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш жараёни барқарор, тизимли ва ортага қайтмас хусусият касб этади.

Бунинг натижасида бир қатор қонун ва қонун-ости ҳужжатларининг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари талабларига мослиги бўйича қайта кўриб чиқиш амалга оширилмоқда.

Табиийки, у ёки бу соҳада режаларнинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши ҳали муаммонинг ечилишини билдирмайди, балки стратегик устуворликни аниқлаб олиш ва қўйилган вазифаларни тўлиқ ҳал этилиши муаммонинг ечимидир.

Халқаро ҳамжамият ривожланишга бўлган ҳуқуққа алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу ҳуқуқ халқлар ва инсон учун ўзвий бўлиб, асосий инсон ҳуқуқларининг бир қисми ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ якуний равишда 1986 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Ривожланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги декларацияда кайд этилган.

Ушбу Декларацияда қуйидагича таъкидланади: "Ривожланиш — ҳар томонлама иқтисодий, маданий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт бўлиб,

унинг натижасида унда иштирок этган барча шахсларнинг ундан яратилган фаровонликдан тенг равишда адолатли фойдаланиши ва унда фаол иштирок этишига йўналтирилгандир". Таъкидланганидек, инсон ривожланиш жараёнининг асосий субъекти бўлиб, ривожланишга бўлган ҳуқуқнинг фаол иштирокчиси бўлиши лозим.

Демакки, инсон ҳуқуқларининг замонавий концепциясини ўрганиш, муаммонинг тарихи ва назарияси билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилиш Ўзбекистон юридик фани учун муҳим ва долзарб масаладир.

Инсон ҳуқуқлари давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги фан томонидан ўрганилади: барча мураккаб давлат — ҳуқуқий масалалари инсон ҳуқуқларида ўз аксини топади ва давлат ва ҳуқуқий ҳаётнинг асосий халқаси бўлиб хизмат қилади. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг асосий принциpidир.

"Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси" фани олий ўқув юртлирида ўқув курси сифатида кирилган бўлиб, бу — Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдидagi мажбуриятларига мос келади, чунки 1995-2004 йиллар "Инсон ҳуқуқларини ўрганиш ўн йиллиги" деб эълон қилинган эди. Айнан шу йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида "Инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти" кафедраси ташкил этилган бўлиб, ИИВ ўқув юртлирида инсон ҳуқуқларини ўқитиш бошланган эди.

"Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси" курсининг ўқитилишидан мақсад: биринчидан, тингловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш; иккинчидан, уларда инсоний дунёқарашни шакллантириш; учинчидан, ёшларга демократик қадриятлар малакасини сингдириш, инсон қадр-қиммати тушунчасини юксалтириш, фуқаролик масъулияти, нафақат ўз ҳуқуқларини, балки, ўзгалар ҳуқуқларини, шунингдек, жамият манфаатлари ва давлатнинг ўз фуқаролари олдидagi мажбуриятларини ҳам чуқур тушунишни яратишдир.

Инсон ҳуқуқларини жамиятдаги муносабатларнинг асоси бўлган инсоний қадриятлар тизими деб қараш ҳам адолатли ҳисобланади. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ижтимоий регуляторлар тизими, деб қараш ҳам тўғридир. Инсон ҳуқуқлари — ҳуқуқий тушунча бўлиб ҳуқуқий нормаларга асосланган шахснинг давлат ҳокимияти билан ўзаро муносабатлардаги ўрнини аниқлаб беради.

Ички ишлар органлари ходимлари давлат ва-

киллари бўлиб, улар жамоат тартибини сақлаш бўйича ўз хизмат вазифасини бажариш давомида баъзан инсон ҳуқуқларини чеклашга мажбур бўладилар. Шу сабабли ички ишлар органлари ходимлари учун "озодлик" ва "инсон ҳуқуқ ва эркинликлари" тушунчаларини ажратиб олиш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биринчи ҳолатда "озодлик" кенг фалсафий маънода тушунилиб, инсонга хос, ўз хоҳиш-иродасига мувофиқ ҳаракат қилиш имкони сифатида ишлатилади. Озодлик шахс ва жамиятнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим шарт ҳисобланади. Озодлик инсонга ўз имкониятларини амалга ошириш, жамият муваффақиятларига ўз ҳиссасини қўшиш имконини беради.

Инсон эркинлиги — соф юридик конституциявий-ҳуқуқий тушунча бўлиб, муайян индивиднинг қонун доирасида объектив ва субъектив ҳуқуқларига тенг кучлидир.

Шу ўринда, ички ишлар органлари ходимлари инсон ҳуқуқлари бўйича ўрнатилган халқаро стандартлар, миллий қонунчиликда кўзда тутилган меъёрлар доирасида иш тутишлари, қонунга риоя этишлари лозим. Шу билан боғлиқ равишда инсон ҳуқуқларининг ички ишлар органлари ходимлари учун аҳамиятини белгилаб берувчи омиллар тўғрисидаги саволлар пайдо бўлади.

Инсон ҳуқуқларини ички ишлар идоралари хо-

димлари томонидан ўрганиш зарурияти қуйидаги омиллар билан белгиланади:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари маданияти ички ишлар идоралари ходимларининг касб маҳоратининг таркибий қисми ҳисобланади;

иккинчидан, БМТ ҳужжатларига кўра, ички ишлар идоралари ходимлари инсон ҳуқуқларини ўрганиш мажбурий бўлган давлат хизматчилари сирасига киради;

учинчидан, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ҳуқуқни амалда қўллаш фаолияти уларнинг ҳуқуқий онгини доимо ошириб боришни талаб қилади ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги билимлар бу жараённинг таркибий қисмидир;

тўртинчидан, ички ишлар идоралари ходимларининг барча фаолият турлари (жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, тезкор қидирув фаолияти) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга риоя қилишни талаб қилади;

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси бажарилиши мажбурий характерга эга бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича барча асосий шартномаларни ратификация қилган;

олтинчидан, Инсон ҳуқуқлари бўйича барча халқаро шартномаларнинг қоидалари ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятига бевосита боғлиқдир.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена основным направлениям деятельности органов внутренних дел по защите прав человека, правильного применения законодательных актов и международных стандартов. Автором проанализированы актуальные задачи органов внутренних дел в обеспечении защиты прав и свобод граждан.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси/Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.- Т.19.- Т.: Ўзбекистон, 2011.- Б.96-97.

² Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари.- Т.18.- Т.: Ўзбекистон, 2010.-280 б. Б-10.

³ Инсон ҳуқуқлари ва сен. Қўлланма. -Варшава: БДИПЧ/ОБСЕ.2000. -Б.150-152.

Гулнора ЙЎЛЧИЕВА,
"Маҳалла зиёси" Республика ўқув услубий марказ
бошлигининг ўринбосари

ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ва фуқаролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишонч ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида кенг қўламли ислохотлар ўтказилмоқда. Ўтказилаётган ислохотларнинг қонуний замини яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустаҳкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилдир.

Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги принципларга асосланади: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; демократияга асосланганлик, ижтимоий адолат; илмийлик; узлуксизлик; ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик; ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиклиги;

ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш, бир томондан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқий билимларнинг муайян даражасини ўзлаштириб олиши учун зарур бўлган шарт-шароит яратишни, иккинчи томондан — турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий маорифни табақалаштиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси шахс ва давлат ўзаро масъуллигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйган. "Инсон - давлат" муносабатларида устуворлик инсонга тегишли. Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари инсонпарвар демократик ҳуқуқий онгнинг ўзагидир. Ҳуқуқий онг даражаси одамларнинг ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлиги, қонунларни билишигина эмас. Бу, энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишдир.

Мукамал қонун ҳужжатлари ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим шarti, ҳуқуқий давлат қарор топишининг зарурий белгиси ҳисобланади. Мамлакатимиз қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар ва стандартларга изчиллик билан мувофиқлаштириб бориш зарур. Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан ўзвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши лозим. Бунда қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиш кучига эга бўлиши керак. Ижро этувчи органлар қонуности ҳужжатларини қонунларга кўшимча киритиш сифатида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш учунгина қабул қилишлари мумкин.

Демократик ислохотларни таъминлашнинг энг муҳим шarti қонунчиликнинг изчил бўлишидир. Қонунлар ўзаро қатъий мувофиқлашиши, Конституцияга асосланиши, миллий ҳуқуқий тизимнинг ривожланишига кўмаклашиши лозим.

Қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, қонунларнинг ҳаётга аниқ ва изчил татбиқ этилишига, уларга қатъий ҳамда оғишмай риоя қилинишига эришиш зарур. Ҳеч бир давлат органи, мансabdор шахс ва инсон қонунга бўйсунмиш мажбуриятидан озод қилиниши мумкин эмас.

Давлат томонидан ҳамда жамоатчилик тузилмалари фаолиятини кучайтириш орқали қонунларни рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан бошқарув ҳамда

назоратнинг янги самарали воситаларини шакллантириш зарур.

Қонунчиликда ички уйғунликнинг мавжудлиги, турли ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятнинг йўқлиги, қонунларга оғишмай риоя этилишини таъминловчи таъсирчан механизмлар яратилганлиги фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялашда, ҳар кимда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни, биринчи навбатда, суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий шончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган ишасиз жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқни тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Аҳоли ҳуқуқий маданият даражасининг оширилиши қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимияти ходимларининг билимдонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданият даражаси жамоат бирлашмалари, жамғармалар, иттифоқлар, уюшмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кенг тармоғи мавжудлиги ҳамда бу демократик тузилмаларнинг муайян шахс ва жамиятнинг ҳуқуқларини таъминлашдаги ижтимоий фаоллиги билан белгиланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда касаба уюшмалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Улар ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг турли шаклларида янада самарали фойдаланишлари, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини кучайтиришга катта ҳисса қўшишлари лозим.

Жамоат бирлашмалари аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига тегишлича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга, жамоатчилик юридик маслаҳатхоналари ташкил этишга, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий масалалар, пенсия таъминоти, никоҳ-оила муносабатлари бўйича қонунлар тўпламларини нашр этишга, юридик маълумотномалар, шунингдек, турли касбдаги ходимларга мўлжалланган илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётлар чиқаришга алоҳида эътибор беришлари керак.

Ҳуқуқий тарбиянинг умумийлиги ва ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиклиги принципини рўйбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, маҳаллаларнинг роли бекиёсдир. Улар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий онгини оширишга бевосита ҳамда мутасил таъсир кўрсатишлари даркор.

Жамият ва давлат фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берадиган

инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, турли жамоатчилик ҳаракатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият юритишига кўмаклашади.

Халқни ҳуқуқий маърифатли қилишда профессионал юристлар ва уларнинг бирлашмалари муносиб ўрин эгаллашлари лозим. Демократик жамият юқори малакали юристларга эҳтиёж сезади. Уларнинг касбий фазилатлари ва билимларидан фойдаланиш жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгига улкан ижобий таъсир кўрсатишга қодир. Ўзбекистон юристлар уюшмасининг ташкил этилиши ва унинг таркибига кирадиган юристларнинг турли касбий бирлашмалари (судьялар, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар иттифоқлари ва бошқалар) тузилиши ушбу дастур вазифаларини рўйбга чиқаришда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, шунингдек юристларнинг касбга доир манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутган бўлур эди. Аҳолини ҳуқуқий маърифатли қилиш ишига профессионал юристларнинг кучларини жалб қилиш юристлар уюшмасининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Адлия вазирлиги томонидан чиқарилаётган "Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси"нинг тиражини кўпайтириш ва унга эркин обуна бўлишни таъминлаш лозим. Ҳуқуқнинг айрим тармоқлари бўйича, шунингдек аҳолининг муайян гуруҳларига мўлжалланган норматив ҳужжатлар тўпламларини нашр этиш ҳуқуқий ахборотдан фойдалана олишни таъминлашга катта ҳисса қўшган бўлур эди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий мавзуларга эътиборини кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилмаётган юридик масалаларни даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида тушунтириб бериш борасидаги ишларни кучайтириш зарур.

Ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш, умуман жамиятдаги ҳуқуқий маданият ва аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқий маданияти ҳолатининг ҳақиқий манзарасини аниқлаш учун сўровлар ўтказиш ва ҳуқуқ, унинг ижтимоий қадри ҳамда тартибга солувчанлик вазифаси тўғрисида жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа усулларини қўллаш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хорижий давлатлардаги ҳуқуқий маданиятни оширишга доир илмий тадқиқотларнинг натижаларини нашр этиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, бу соҳада илмий ахборот айирбошлашни йўлга қўйиш муҳимдир.

Илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар ва маълумотномалар нашр этишни кўпайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларни кучайтириш, илмий билимларни оммалаштириш бу ишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам формирования правовой культуры, роли правоведов и институтов гражданского общества в распространении правовых знаний. Автор особо выделяет значимость изучения зарубежного опыта и повышения уровня отраслевой научно-практической деятельности.

Неъматжон ХАТТАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Юристар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

ЮРИДИК ТАЪЛИМДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда юридик таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали механизмларини жорий этиш асосида халқ хўжалигига етук, ҳуқуқшунослик соҳасида етарли замонавий назарий ва амалий билимларга эга бўлган ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаб беришдан иборатдир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир¹.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини янада юксалтириш, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини такомиллаштиришнинг янги усул ва воситаларини татбиқ этиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида" Фармони², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори³, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг ҳаётга жорий этилганлиги мам-

лакатимизда юрист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасида илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш ҳамда жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини оширишга қаратилган муҳим қадам бўлди⁴.

Кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган "Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида"ги Низоми⁵ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори⁶ бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этилди.

Юқорида қайд этилган норматив ҳужжатлар республикамизда ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, айниқса, ҳуқуқшунослик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни юқори даражага олиб чиқиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш чораларини кўришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бироқ, бугунги кунда юриспруденция йўналишида илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш, унинг яқин келажакдаги истиқболини равнақ топтириш борасида муайян чора-тадбирларни амалга ошириш зарурияти юзага келмоқда.

Биринчидан, аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, мазкур соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини янги босқичга кўтаришда

юридик таълим фаолиятини амалга оширувчи таълим муассасаларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Таълим муассасаларида юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда ҳар бир таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари муҳим ва ҳал қилувчи рол ўйнайди. Айнан таълим тизимидаги профессор-ўқитувчиларнинг назарий ва амалий билимлари даражаси тингловчиларга тегишли соҳа бўйича чуқур билим бериш, унинг касбий йўналиши ва маҳоратини тўғри белгилаш ва ўстиришга асосий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ҳамда малака оширишга ихтисослашган таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари нафақат аудитория машғулотлари, балки ўзининг малакаси, билими ва маҳоратини мутазаам ошириб бориши, таълим соҳасидаги барча илғор ютуқлардан хабардор бўлиши ва илмий тадқиқот иши билан шуғулланиши талаб этилади. Айниқса, бугунги кунда юриспруденция йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, уларни бир тизим асосида мувофиқлашган ҳолда ташкил этилишини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Аввало, мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги "Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарорини⁷ алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Айнан ушбу қарор билан мамлакатимизда 2010 йилнинг 10 ноябридан бошлаб олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг янгиланган тизими жорий этилиб, унда мавжуд аспирантура ўрнига - таълим муддати 3 йилдан иборат бўлган стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти ҳамда докторантура ўрнига тадқиқот соҳасига қараб таълим муддати 2-3 йилдан иборат бўлган катта илмий ходим-изланувчилар институтини ташкил этилди. Шу билан бирга мазкур тизимини молиялаштириш масалалари ҳам Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши ўзининг оқилона ечимини топди.

Шундай бўлса-да, бироқ бугунги кунда ҳуқуқшунослик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда айрим бир мунозарали ҳолатлар кўзга ташланади. Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқшунослик йўналишида магистратура босқичини тамомлашнинг мақсади келгусида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш-

ни назарда тутиши лозим бўлади. Чунки, магистратура тор доирадаги ихтисосликка мўлжалланган бўлади ва у ўзининг илмий-назарий йўналишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Аммо, баъзи ҳуқуқ соҳалари бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишда, мазкур йўналишда олимларнинг етарли даражада эмаслиги, шу соҳа бўйича фан доктори ёки профессор даражасига эга бўлган мутахассисларнинг йўқлиги сабабли стажёр-тадқиқотчилар ҳуқуқшуносликнинг ушбу йўналишлари бўйича мавзу танлаш ва илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қийинчиликка учрайдилар. Шундан келиб чиқиб, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчиликка ўрин ажратишда Давлат илмий-техникавий дастурларидан келиб чиқиш, бунда айниқса, бугунги кунда такомиллашиб бораётган янги ҳуқуқ соҳалари, жумладан, савдо ҳуқуқи, банк ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи⁸ каби йўналишларга тадқиқотчи ва изланувчиларни жалб этиш масалаларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бироқ, уларга ўрин ажратишда мавжуд соҳалар бўйича илмий раҳбарлар ва фан докторларининг йўқлиги тўсиқ бўлмаслиги керак. Бунда аввало, тадқиқотчининг ўзига, унинг илмий-назарий салоҳиятига, мустақил тадқиқотларни амалга ошира олиш лаёқатидан келиб чиқиш керак. Шу билан бирга, бундай тадқиқотчиларга нисбатан ўз вақтида талабни ҳам кучайтириш лозим кўринади. Бунда улар томонидан олиб бориладиган ҳуқуқшунослик йўналишларида халқаро илмий алоқаларни йўлга қўйиш, ўз соҳасида хорижий олимлар билан доимий мулоқотга кириши, илмий журналлар орқали тегишли илмий изланишларни кузатиб бориш ва уларда мунтазам мақолалар билан чиқиш, халқаро анжуманларда қатнашиб, маърузалар қилиш амалиётини жорий этиш лозим бўлади. Шундан келиб чиқиб илмий тадқиқотчиларга нисбатан чет тилини яхши билиш, компьютер технологиясидан мукаммал хабардор бўлиш талабларини кучайтириш керак.

Иккинчидан, мамлакатимизда ҳуқуқшуносликка доир амалга оширилаётган илмий изланишларни жаҳонга олиб чиқиш, фақат ўз давлатимиз доирасида чекланиб қолмай, хорижий мамлакатлар билан фаол илмий ҳамкорлик қилиш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда ҳуқуқшунослик соҳаси тадқиқотчилари учун илмий иш олиб бориш жараёнида ривожланган давлатлар — АҚШ, Англия, Франция, Германия; Россия, Украина, Қозғоғистон каби МДҲ ва Болтиқ бўйи давлатлари;

Корея, Япония, Малайзия каби Осиё давлатларида рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларда илмий мақолаларнинг чоп этилиши илм-фанни янада ривожлантириш ва халқаро майдонга олиб чиқиш борасида муҳим қадам бўлади. Бу ўзбек ҳуқуқшунослик фанини халқаро даражага кўтариш, ҳуқуқшунос олимларимизнинг халқаро майдонда илмий мулоқотга киришишини таъминлашга, қолаверса, ўз соҳасини янада чуқур ўзлаштиришга ва янги сифат босқичига кўтарилишига хизмат қилади. Албатта, мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан муайян чоралар кўрилмоқда⁹. Бироқ бундай ҳаракатлар тадқиқотчи-изланувчиларнинг ўз ташаббуслари асосида амалга оширилиши лозим.

Учинчидан, ҳеч кимга сир эмаски, илмий тадқиқот иши қачонки у амалиётга таянса ва амалиёт учун наф келтирсагина, уни ижобий баҳолаш мумкин. Бу нафақат юриспруденция йўналишига балки, фаннинг барча соҳаларига бирдек тааллуқли. Албатта, асосий илмий тадқиқотчилар доирасини таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий муассасалар ходимлари ташкил этади. Бироқ, бунда амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишлари бутунлай амалиётдан холи деб айта олмаймиз. Аммо, бизнинг назаримизда айнан амалиётчи ходимларни ҳам тадқиқотчиликка

жалб этиш давом эттирилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ, бунда ўзига хос ёндашув, ўзига хос мезонлар ва улар билан ишлашнинг янгича усуллари қўллаш лозим бўлади. Энг асосийси, амалиётда ишлайдиган тадқиқотчи мавзуси ўз касбий фаолияти билан боғлиқ бўлса, ундан яхши натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Юқоридагилар билан бирга, юриспруденция йўналишида ҳуқуқшунослик соҳаларининг ихтисослашувини янги пайдо бўлаётган ҳуқуқ тармоқлари асосида мунтазам кенгайтириб бориш лозим бўлади. Бунда рақобат ҳуқуқи, нотариат, интеллектуал мулк ҳуқуқи, тезкор қидирув ҳуқуқи, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг соҳаларида пайдо бўлаётган янги ҳуқуқ тармоқларини ўқув дастурларига босқичма-босқич киритиб бориш талаб этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бугунги кунда юридик таълим тизимидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштириш ислохотлари Президентимиз томонидан эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да назарда тутилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши ислохотлардан кўзланган натижаларга хизмат қилиши шубҳасиздир.



АННОТАЦИЯ

В статье освещены вопросы совершенствования системы научно-методической деятельности юриспруденции, а также повышения качества научных исследований и их эффективности.

¹ Каримов.И.А Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент., Ўзбекистон нашриёти. 2010й., -Б.13.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 7-сон, 179-модда.

³ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 13-сон, 145-модда.

⁴ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси" 1997 й., N 9, 227-модда.

⁵ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 46-47-сон, 472-модда.

⁶ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 йил, 35-36-сон, 355-модда.

⁷ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2010 йил, 44-45-сон, 376-модда.

⁸ Изоҳ: меҳнат ҳуқуқи анча илғор ва илгаридан мавжуд бўлган ҳуқуқ соҳаси бўлса-да, бугунги кунда ушбу соҳа бўйича илмий тадқиқот ишлари ниҳоятда озчиликни ташкил этади.

⁹ Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий Аттестация Комиссияси Раёсатининг 2009 йил 24 декабрдаги "Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги N 160/12-сонли қарори асосида айрим Фан соҳалари бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари учун хорижий илмий журналларда илмий мақолалар чоп этилиши талаблари кучайтирилган.

Муҳиддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ОНГИ, ТАФАККУРИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИДИР

Мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пой-деворини барпо этиш жараёнида фуқароларнинг маънавиятини юксалтириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга. Шунинг учун бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг жамиятдаги "иллатларга", жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқдир.

Демократик жамиятда жиноятчиликка қарши кураш фақат жиний-ҳуқуқий таъқиб орқали эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини комплекс қўллаш орқали олиб борилади. Бундай вазифани амалга ошириш эса, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари ҳақидаги барча масалаларни чуқур илмий асосланган ҳолда таҳлил қилиш, ижтимоий ҳаётнинг жамиятда жиноятчиликни "озиклантириб турувчи" барча соҳаларидаги воқеа-ҳодисаларни аниқ билишни талаб қилади¹.

Ҳозирги кунда жиноятчиликнинг олдини олишдаги долзарб масалалардан бири жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маънавиятини юксалтириш ҳисобланади.

Зеро, маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир².

Жамиятда ҳуқуқий онг ва тафаккурнинг юксалиши жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашга бўлган фуқароларнинг қарашлари, муносабатларини тубдан ўзгартиради.

Юридик адабиётларда эътироф этилганидек, жиноятчилик кишилик жамиятида ҳамма вақт мавжуд бўлган, ўз қонуниятлари ҳамда сифат ва миқдор тавсифига эга бўлган, жамият ва унинг аъзолари учун салбий оқибатлар келтириб чиқара-

диган ҳамда устидан давлат ва жамиятнинг махсус назорат чоралари ўрнатилишини талаб қиладиган хавфли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир³.

Россиялик криминолог олим Ю.М.Антонян: "Жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди, у фақат жамият билан бирга барҳам топиши мумкин"⁴, — деб таъкидласа, ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олим Ҳ.Т.Одилқориев: "Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишда жиноятчиликни тагтомири билан бутунлай тугатиш мақсади ҳаққоний эмас, жиноятчиликнинг ҳолати ва унга қарши кураш шарт-шароитларидан кўриниб турибдики, у баъзан самарали, баъзан эса бесамара ўтказилиши мумкин. Чамаси жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиш ниҳоятда мураккаб ва тўла амалга ошмайдиган орзу бўлса керак"⁵, — деб ёзади.

Дарҳақиқат, инсоният ҳаётнинг барча даврларида доимо жиноятчиликка қарши курашиб келган, аммо жиноятчилик сақланиб қолаверган.

Ҳозирги кунда унинг уюшган жиноятчилик, коррупция, терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ўта хавфли турлари ҳамда кўринишлари мавжуд. Шуниси эътиборлики, ҳозиргача Ўзбекистон давлатидан ташқари "...ўз мамлакатидан олдинги даврга нисбатан жиноятчилик суръатининг камайишига эришган биророрта ҳам давлат йўқ"⁶.

Бундан ташқари, ер юзидан жиноятчиликнинг, хусусан, унинг халқаро даражада уюшган шакллариининг кўпайиб боришига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

а) ҳаётнинг глобаллашиб ва жадаллашиб бораётгани;

б) жаҳон ҳамжамиятини бошқариш, халқаро муаммоларни ҳал қилишнинг демократик усулларига қарши зўравонлик усуллариини қўллашнинг кенгайиб бораётгани;

в) диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм ва терроризмнинг кучайиб бораётгани;

г) халқаро уюшган жиноятчиликнинг янгидан-янги ҳудудларда, хусусан, табиий ва меҳнат ре-

сурсларига бой бўлган мамлакатларда фаолият юритишга борган сари кўпроқ уринаётгани;

д) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишини ортиб бораётгани;

е) миграция ва ахборот алмашиш жараёнларининг кенгайиб ва тезлашиб бораётгани⁷.

Бундай ҳолатда жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятларнинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қасддан одам ўлдириш бошқа жиноятлар сингари бир қанча сабаб ва шарт-шароитлар жараёни натижасида юзага келади.

Бизнингча, жиноятларнинг олдини олиш — давлат ҳокимияти органлари, махсус ваколатга эга субъектлар ва кенг жамоатчиликнинг жамиятда ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, маънавиятни юксалтириш, криминоген омиллар таъсирини камайтириш, жиний қилмишларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга ижтимоий, махсус кримнологик ва яқка тартибда тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш орқали ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, тарбиявий, ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув мазмунига эга бўлган чора-тадбирлар давлат сиёсати даражасида амалга ошириладиган узлуксиз мураккаб жараён⁸.

Жамиятимизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига юклатилган устувор вазифа бўлиб, ушбу вазифани амалга ошириш давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқароларнинг бу жараёнда бевосита иштирок этишларини талаб қилади.

Чунки жиноятчиликка қарши кураш кенг жамоатчилик асосида, барча давлат ва жамоатчилик механизмлари фаол жалб қилинган ҳолда амалга оширилсагина самарали бўлиши мумкин.

Жиноятчиликнинг шарт-шароити, ўз-ўзидан жиноят ва жиноятчиликни келтириб чиқармайди, аммо у жиноят содир этиш сабабини вужудга келтирувчи ғайриижтимоий ҳодисадир⁹.

Кримнологик адабиётларда жиноят содир қилишга шароит туғдирувчи сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисидаги концепциялар мавжуд бўлиб, уларга мувофиқ, объектив воқеликни қуйидаги ҳолатларга бўлиш мумкин: шахснинг жиноят содир қилишдан олдин, муҳитга баҳо бериши ва шахснинг олдиндан шаклланиши; ҳаётда ушбу ҳолатларнинг биргаликдаги таъсири аниқ бир жиноятга сабаб бўлиши.

Ушбу концепциялардан келиб чиққан ҳолда, қасддан одам ўлдиришга имкон яратиб берувчи шароитларга таъсир кўрсатиш мақсадида тегишли

механизмларни татбиқ этиш мумкин.

Шундай қилиб, жиноятчиликка қарши қаратилган, одатлар, шахсни ишонтиришлар номувофиқ муҳитни шакллантиради. Бу ўз навбатида, жиноят содир қилиш учун сабаб бўлиши мумкин бўлган, жамоатчиликка қарши, ҳуқуққа хилоф равишда амалга оширишга имкон берувчи ноқулай ҳаёт шароитлари вазифасини бажариши мумкин.

Шу аснода аниқ бир жиноятни, алоҳида олинганда, қасддан одам ўлдириш жиноятларининг сабабларини ўрганишда шахс ва унинг жиноятчилар билан ўзаро ҳамкорлиги асосий бўлиб бўлиб ҳисобланади. Дарҳақиқат, субъектда жиноятчиликка қарши қарашлар ва одатларнинг мавжудлиги ҳар доим ҳам қасддан одам ўлдиришни содир қилишга олиб келмайди.

Жиноят, қоида тариқасида, маълум бир ҳолат ва сабаб мавжуд бўлгандагина вужудга келиши мумкин.

Амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, қасддан одам ўлдиришда шундай ҳолат ва сабаблар вазифасини жабрланувчининг бир қанча кўринишларда намоён бўладиган ўзини тутиши, юриш-туриши бажаради, яъни ҳаракатлар қонуний, жамоатчиликка фойдали бўлиши билан биргаликда ғайриҳуқуқий, жиний бўлиши ҳам мумкин.

Одам ўлдирувчини онгига таъсир этиши натижасида маълум бир реакция вужудга келади ва натижада жиноят содир этилишига шароит пайдо бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, жиний тажовузга имкон берувчи жабрланувчининг ўзини тутиши асосий сабаб ва шароитлар кўринишида бўлиши мумкин.

Кримнологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қасддан одам ўлдириш жиноятига имкон берувчи шароит таъсирининг механизмида аҳамиятга молик бўлган вазифани жиноят мотиви ўйнайди. У шахснинг жамоатчиликка қарши бўлишида амалий тараф бўлиб ҳисобланади. Жамоатчиликка қарши бўлишда шахснинг мотиви бўлмаслиги абстракт (мавҳум) тушунча бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун, мотивнинг жиний аҳамиятини ҳисобга олмаслик кўп ҳолларда жиноятчи шахсининг ўрганиш аҳамиятини ҳам йўқотган бўлар эди.

Шунга эътибор бериш керакки, ҳозирги амалиётда қуйидаги қасддан одам ўлдиришлар кўпроқ учрамоқда: маиший, ишдан ташқари, оилавий, безорилик оқибатларида содир этилган ва бошқалар.

Шунингдек, олдиндан пухта режалаштириб, пул ёки моддий бойлик эвазига содир қилинадиган қасддан одам ўлдириш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Ҳуқуқшунос олим Н.А.Стручкованинг фикри-

ча "Сабаб, шарт ва шароитлар инсон онгидан (психикасидан) ўтиб, мотивда аккумуляция қилинади ва ифодаланади"¹⁰. Жиноятнинг содир этилиши ва жиноятчининг шахси жамоатчиликка қарши бўлишини характерловчи қасддан одам ўлдириш тўғрисидаги жиноят ишларида, ўзига хос шароитни, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир қилинишига имкон берувчи сабаб ва шартлар орасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: алкоголизм, наркомания, таълим ва маънавиятни баъзи аҳоли пунктларида жуда паст эканлиги, безорилик, оиладаги нотинчлик, ғараз ва очкўзлик, тарбиявий ишларнинг етарли эмаслиги, рецедив, яшаш жойининг бўлмаслиги, одам ўлдиришга тайёргарлик кўриладиганлиги ҳақидаги сигналларга бефарқлик ва эътибор бермаслик¹¹, шахидлар (махсус таёрланган шахслар) томонидан қасддан одам ўлдириш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чораларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги, жамоат тартиби ва фуқаро хавфсизлигини химоялашнинг етарли даражада ташкиллаштирилмаганлиги, баъзи аҳоли пунктларида ўқотар ва совуқ қуроолларнинг мавжудлиги, қасддан одам ўлдириш жиноятларининг очилмай қолиши ва ҳоказо.

Ушбу классификацияга оид элементларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиб, тегишли чоратadbирларни белгилаш лозим.

Шунингдек, спиртли ичимлик ёки наркотик моддалар истеъмол қилиш натижасида руҳий жараёнлар ўзига хос кечиб, қасддан одам ўлдиришнинг сабаби ёки шароитига ушбу жиноятнинг содир этилишига туртки бўлиши мумкин.

Биринчи ҳолатда мастлик субъектида қасддан одам ўлдиришни содир этишга мотив ва қасд пайдо бўлади. Иккинчи ҳолатда — спиртли ичимлик наркотик моддалар истеъмол қилган жиноятчининг ҳаракатлари мотивига одатда ҳеч қандай янгилик киритилмайди, лекин мастликдан олдин шаклланган мотивни аниқлаштиради ва амалга ошириш ҳолатини вужудга келтиради. Қасос, рашк, тамагирилик, безорилик натижасида содир этиладиган қасддан одам ўлдириш жиноятлари айнан мастлик ҳолатида содир этилади¹².

Таълим-тарбия савиясининг пастлиги, маънавиятнинг шаклланмаганлиги, кам даражадалиги манфаатларнинг соддалашуви ҳамда қисқаришга, ахлоқнинг бузилишига, индивидуалистик тенденциялар ва эгоистик инстинктларнинг ривожланишига олиб келади¹³.

Қасддан одам ўлдириш жиноятлари умумий сонининг чорак қисми безорилик натижасида содир этилади. Безориликнинг ўта хавфлилиги шундаки, майда безори аста-секин ашаддий, кейинчалик эса безори зўравон ва безори қотилга айлана боради. Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, безориларни жазосиз қолдириш улар онгида масъулиятсизлик ҳиссини уйғотади

ва аксарият ҳолларда улар томонидан қасддан одам ўлдириш жиноятлари содир этилишида кўмакчи вазифасини ўтайди.

Турмуш шароити билан боғлиқ жиноятларга айбланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги мунтазам бўлиб турадиган жанжаллар, муштлашувлар ва уришишлар сабаб бўлади.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, охириги йилларда ғараз ниятда содир этиладиган қасддан одам ўлдиришлар тобора ортиб бормоқда.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар орасида муқаддам судланганлар кўпчиликни ташкил этади. Бу эса, озодликдан маҳрум қилиш жойларида судланганларни қайта тарбиялаш ишларининг қониқарсизлигидан, рецидивга кўмаклашувчи асосий сабаблардан бири ҳисобланган, озодликдан маҳрум қилиш жойларида маҳкумлар билан ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан етарли даражада тарбиявий ва профилактик ишлар олиб борилмаётганлиги ва жойларда жамоат назоратининг етарли даражада шаклланмаганлигидан дарак бермоқда.

Текинхўрлик қасддан одам ўлдириш жиноятлари содир этилишига кўмаклашувчи шароит сифатида ҳар доим ахлоқий бузқуқлик, айниқса, ичкиликбозлик билан боғлиқдир, бундай текинхўрлик билан ҳаёт кечириш тарзи эса маълумки, турли хил жиноятлар, жумладан қотилликни ҳам келтириб чиқаради¹⁴.

Аксарият ҳолларда, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этилишига жиноятчининг одам ўлдириш содир этиш нияти ҳақида дарак берувчи ҳолатлар сабаб бўлади. Бу — одам ўлдириш тўғрисида сўзлаб бериш, ўлдириш билан кўрқитишлар, қурбонларни таъқиб қилиш, кейинчалик эса, албатта, жиноятни содир этишга тайёргарлик кўриш. Бу фактлар одатда жамиятга ва ИИБ органларига маълум бўлса-да, бироқ улар бундай ҳолатлар билан курашишга етарли даражада эътибор бермайдилар.

Қасддан одам ўлдиришлар кўп ҳолатларда фуқароларнинг кўзи олдида содир этилса-да, улар жиноятнинг олдини олишга қаратилган ҳеч қандай чоралар кўрмайдилар. Қайсики жамиятда жиноятчилик пайини қирқиб чоралари кўрилмас экан, ўша ерда жазосизлик ҳисси остида жиноий унсурлар кўпайиб боради.

Кўплаб қасддан одам ўлдириш жиноятлари совуқ ва ўқотар қурооллардан фойдаланилган ҳолда содир этилади. Бу эса? ушбу жиноятларнинг содир этилишига кўмаклашувчи шароитлардан бири ҳисобланувчи аҳолининг баъзи қисмларида совуқ ва ўқотар қуроолларнинг мавжудлигидан далолат беради ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қасддан одам ўлдириш ва бошқа оғир жиноятларнинг очилмай қолишига ҳамда қасддан одам ўлдириш жиноятларининг содир этилишига кўмаклашиши мумкин. Чунки

очилмай қолган жиноятлар ўз-ўзидан жиноятчи хиссини ҳосил қилади, бу эса аксарият ҳолларда яна худди шунга ўхшаш ва бошқа жиноятларнинг содир этилишига олиб келади. Қасддан одам ўлдиришни содир этган ва унинг учун жиноий жавобгарликга тортилмаган шахс потенциал қотил ҳисобланади.

Жиноятчи онгига таъсир кўрсатишга ва унинг қарашлари, фикрлари, эътиқодини ижобий томонга ўзгартириш учун замин яратишга қодир бўлган аниқ жазо чораси фақат ушбу барча ҳолатларни инobatга олиш асосидагина танланиши мумкин.

Давлатимизнинг мураккаб ижтимоий соҳалардан бири бўлган жиноятчилик билан курашиш борасида амалга ошириладиган жиноий сиёсат умумий сиёсатимизнинг бир қисми ҳисобланади. У бутунча ҳам ижтимоий сиёсат билан, ҳам юридик сиёсат билан бевосита узвий боғлиқдир.

Ижтимоий сиёсатга турли соҳалардаги, хусусан, ижтимоий птологик (ғайритабиий) ҳодисалар билан курашиш борасидаги сиёсат тааллуқлидир.

Юридик сиёсат эса давлат фаолиятининг учта асосий йўналишларида амалга оширилади: ҳуқуқ ижодкорлиги; ҳуқуқни қўллаш; фуқароларнинг

ҳуқуқий онги, маънавияти ва тафаккурини юксалтириш.

Зеро жамиятимизда, юксак маънавият енгилмас кучдир¹⁵.

Жиноий сиёсат соҳасидаги энг мураккаб ва долзарб вазифалардан бири оғир жиноий ҳодисалар, хусусан, қасддан одам ўлдириш жиноятлари билан курашиш ҳисобланади.

Қасддан одам ўлдириш жиноятлари билан курашишнинг иккита асосий йўналиши мавжуд:

1) қасддан одам ўлдиришни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни ўрганиш, пировард мақсади инсон ҳаётига бўладиган тажоввузларнинг юзага келиш имкониятини истисно этадиган зарур объектив ва субъектив шароитларни яратиш, кенг қамровли комплекс тарбиявий-профилактик чора-тадбирларни жамоатчилик назорати остида амалга ошириш;

2) қасддан одам ўлдириш содир этилишида айбдор шахсларни жиноий таъқиб қилишни амалга оширувчи давлат ва унинг ваколатли органлари фаолиятини кучайтириш.

Бу фаолият жиноятчиларга нисбатан турли, жумладан, қатъий жазо чораларини қўллашда ҳам ўз аксини топади.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам профилактики и предупреждения преступности. Автор подробно анализировал пути повышения эффективности правовой мысли и правового воспитания в современном обществе.

¹ Зарипов З.С., Исмоилов И. Криминология.-Тошкент,1996.-Б.59-60

² Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч.Тошкент,2008, Маънавият 2008.- Б.19.

³ Усмоналиев М., Каракетов.Й. Криминология. Тошкент-2001. - Б.3.

⁴ Теоретические основы предупреждения преступности.-М,197.-С.30-31.

⁵ Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш:зарурат ва омиллар//Ҳуқуқ-Право-Law.-Тошкент, 2002.-№1.-Б.8

⁶ Усмоналиев М., Каракетов.Й. Криминология. Тошкент-2001. - Б.3

⁷ Исмоилов И. Ўзбекистон Республикаси ИИВ профилактика хизматлари тизимидаги слоҳотларнинг натижалари ва истиқболлари/ Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари.-Тошкент, 2007.-216-223.Б.

⁸ Зарипов З.С., Исмоилов И. Криминология.-Тошкент,1996.-Б.61-62

⁹ Усмоналиев М., Каракетов.Й. Криминология. Тошкент-2001. Б - 4.

¹⁰ Стручков Н.А. О механизме взаимного обстоятельства, обуславливающих совершение преступления. Государство и право № 10 1996. С.114.

¹¹ Кудрявцев В.Н.,Эминов В.Е. Криминология.Издание третье,, Москва., 2006.С.533.

¹² Статистик маълумотларга кўра, қасддан одам ўлдириш жиноятларининг 50-60% спиртли ва наркотик моддалар истеъмол қилган ҳолатда содир этилган.

¹³ Чуфаровский Ю.В. Учебное пособие. Изд-во Проспект, 2007.С.36.

¹⁴ Кудрявцев В.Н.,Эминов В.Е. Криминология.Издание третье,, Москва., 2006.С.144.

¹⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент: "Маънавият", 2008.

Юргеном АССМАН,
Ключевой эксперт Проекта ЕС «Содействие
судебно-правовым реформам в Узбекистане»

ОБУЧЕНИЕ СУДЕЙ И ПРОКУРОРОВ В ЕВРОПЕ: СИСТЕМА ОБУЧЕНИЯ СУДЕЙ И ПРОКУРОРОВ В ГЕРМАНИИ

Системы обучения широко распространены во всех странах Европейского Союза. Все эти системы имеют непосредственное отношение к организации обучения для будущих членов судебных органов — начальной подготовки, перед тем, как молодые специалисты приступят к работе. Помимо этого, системы обучения предусматривают специальные тренинги без отрыва от работы, разработанные для судей и прокуроров. Работники судебных органов могут, а иногда обязаны участвовать в данных тренингах. Следует отметить, что в Германии свободно проводятся оба вида обучения (тренингов), как для судей, так и для прокуроров.

Что касается начальной подготовки судей и прокуроров, то Германия, в отличие от Франции избрала так называемую «модель преемственности» (см I). Немецкая Юридическая Академия ("Keutsche Richterakademie", с филиалами в Триере и Вустрау) специализируется по организации тренингов для судей и прокуроров без отрыва от работы (см II).

I. Начальное обучение

Главной целью обучения будущих судей и прокуроров в Германии является овладение ими методических знаний и судебной компетенции. Второй государственный экзамен, который обязан сдать каждый кандидат на должность судьи, организовывается после двухгодичного курса обучения. Немецкий закон «О судьях» гласит, что лицо, успешно сдавшее экзамен имеет право стать судьей. Стоит также особо подчеркнуть, что в сравнении со многими Европейскими странами, большое число судей и прокуроров назначаются на должности по окончании подготовительных курсов. Учитывая высокую заработную плату, престижную должность и стабильность, в условиях экономической неопределенности, число кандидатов намного превышает число вакансий. Таким образом, будущие судьи и прокуроры отбираются ответственными лицами из 15 % кандидатов, показавших наилучший результат. Кандидаты, показавшие наилучший результат,

но не получившие приглашение на должности судьи/прокурора зачастую продолжают свою карьеру в правовой сфере, многие из них становятся адвокатами.

На последней ступени экзамена, потенциальным кандидатам на позицию судьи/прокурора дается задание из реальной судебной практики. У них есть пять часов, чтобы ознакомиться с делом и вынести судебное/прокурорское решение (на фактографической основе, зачастую оспариваемое, так как обычно показания ответчика, обвиняемого и подзащитного разительно отличаются друг от друга). Кандидатам не обязательно знать букву закона, они могут полагаться на комментарии; они, однако, обязаны быть знатоками своего дела. Помимо хороших знаний правовых норм и законоположений, законодательных статей, кандидаты должны обладать надлежащей судебской компетенцией для сбора фактов, доказательств, давать толкование закону, разрешать конфликт интересов и неоднозначные моменты, учитывая обстоятельства каждого отдельного уголовного дела.

Помимо этого, кандидаты на должность судей должны уметь вынести правильное судебное решение, в котором будут указаны основные факты и информация об уголовном деле. В судебном решении должна присутствовать независимая оценка судьи, правовое обоснование и толкование закона. Данные знания и умения лежат в основе последовательного применения закона.

Как можно обрести эти знания? Немецкие правоведа утверждают, что для этого необходимо хорошо ознакомиться с судебной практикой, учиться на примере отдельно взятых судебных решений. Это значит, что кандидаты на начальной стадии обучения знакомятся со следственными материалами, правовыми доводами других судебных решений, учатся правильно толковать закон в процессе обучения, поэтому кандидаты знакомятся с разнообразными правоприменительными методами и техниками. В Германии обучение судебной методоло-

гии проводиться в специальных учебных группах еще на начальных этапах программы.

Основные цели и методы обучения будущих судей и прокуроров изложены в Параграфе 39 Закона Северного Рейн-Вестфалия о «Юридическом/Правовом образовании»:

(1) В течение обучения, кандидаты должны научиться вести судебные дела, опираясь на теоретические знания по юриспруденции, быть готовым учиться на реальных примерах, уважать принципы демократии в государстве, ставящим во главу угла принцип верховенство закона, принимать во внимание прогрессирующую интеграцию в Европейском Союзе. По окончании программы обучения, кандидаты смогут работать самостоятельно, либо продолжить свое профильное обучение.

(2) Эту цель можно достичь посредством обучения, как в рабочих группах, так и в индивидуальном порядке.

(3) Преподаватели должны давать кандидатам особые задания, чтобы те развивали независимое мышление, методический опыт, социальные, экономические и правовые понятия. Кандидаты должны научиться эффективной технике работы, они должны научиться применять полученные знания в разных сферах образования. (...)

(4) Рабочие группы будут ответственны за подготовку компетентных кадров и практические курсы. Практические курсы направлены на понимание социального, экономического и правового контекста, обучают студентов мыслить критически и заниматься самообразованием.

(5) Конечной целью образования не является использование рабочей силы кандидата, напротив, целью обучения является наделение кандидата необходимыми знаниями, чтобы он смог осуществлять свою работу на самом высоком уровне.

(6) Для обучения могут быть использованы копии материалов уголовных дел.

Кандидаты проходят практическое обучение в гражданских судах, прокуратурах (уголовных судах), административных учреждениях, нотариальных конторах. Преподаватели обязаны придерживаться вышеперечисленных требований, что является не простым заданием. Не все практикующие судьи и прокуроры горят особым энтузиазмом обучать своих подопечных. Вот почему практикантов зачастую направляют к тем практикующим судьям и прокурорам, которые готовы сотрудничать и оказывать поддержку юным профессионалам. Надо отметить, что практикующих судей и прокуроров, готовых к сотрудничеству — много.

II) Немецкая Юридическая академия — практическое обучение на рабочем месте

Немецкая Юридическая академия является ведущей академией по подготовке судей и прокуроров из всех уголков страны. Работа Академии финансируется ФРГ и 16 федеральными землями.

Помимо головного офиса в Триере, функционирующего с 1973 года, Немецкая Юридическая академия с 1993 года базируется в Замке Зейтен. Сам замок расположен в Вустрау, приблизительно в 70 километрах к северо-западу от Берлина. Ежегодно, около 5000, из 25000 судей и прокуроров посещают семинары, организовываемые Немецкой Юридической Академией. Ежегодно проводятся около 150 конференций и семинаров.

Планируется проведение практического обучения на рабочем месте для судей и прокуроров, с целью расширения их знаний в таких сферах, как: право, политика, экономика и т.д. Также, слушатели могут изучать междисциплинарные предметы; для каждого из слушателей разработан отдельный подход.

а) Программа обучения

Немецкая Юридическая академия разрабатывает свою программу обучения в соответствии со знаниями и опытом судей и прокуроров, доказанных на деле. Тем не менее, Академия организывает ограниченное количество специальных курсов для начинающих судей. Курсы охватывают такие узкоспециализированные темы, как: Семейное право, Уголовное/Государственное право, Материальное право, наряду с юриспруденцией и прочими процессуальными аспектами. Поскольку программа обучения создается по требованию, в ней нет курсов по гражданскому, либо уголовному праву. Напротив, программа сфокусирована на изучение избранных правовых вопросов, нахождение на них ответов.

Ответственность за организацию учебных программ лежит на федеральных землях, либо самой Федерации; они обязаны организовывать учебные конференции, в соответствии с программой (см. «Программа конференции»).

Темы, обсуждаемые на учебных конференциях — разнообразны и специально разработаны для самого широкого круга заинтересованных лиц. И если начальная, вступительная конференция, посвященная тем, либо иным правовым вопросам, рассчитана на юных коллег, либо тех, кто недавно перешел из одного отдела в другой, то последующие темы, некоторые из которых затронут междисциплинарные вопросы, вызовут больший интерес у опытных практикующих юристов, углубят их знания, расширят горизонты. Специальный Комитет по разработке Программы семинаров составил годичную программу обучения следующим образом:

- ◆ учебные конференции по следующим правовым вопросам, 45% из которых гражданское право 4/10 уголовное право, 4/10 прочие вопросы юриспруденции 2/10

- ◆ междисциплинарные конференции (к примеру, вопросы и проблемы Европейского права) 30 %

- ◆ конференции 25 %;

Поскольку при Немецкой Юридической акаде-

мии отсутствует постоянный штаб преподавателей, федеральные земли, организующие учебные конференции по разным правовым вопросам, привлекают к работе приглашенных, оплачиваемых специалистов. Около 950 специалистов ежегодно привлекаются к работе. Большинство из них являются правоведами, работниками судов и прокуратур, представителями университетов, аспиранты, работники администраций, ассоциаций и коммерческих компаний. Помимо прочего, на учебных конференциях с докладами участвуют юристы, врачи, психологи, социологи, журналисты и т.д.

Как правило, большинство преподавателей являются экспертами в сфере судебной практики. При отсутствии штаба преподавателей наблюдается некая приспособляемость и гибкость при планировке программы обучения и выборе предметов обучения. Более того, программа может быть настолько яркой, необычной и практической, что подобное было едва ли возможным, при наличии постоянного штаба преподавателей.

б) Доступ к участию в учебных конференциях

Учебные конференции, проводимые Немецкой Юридической академией, организуются для судей и прокуроров. Зарегистрироваться для участия на учебные конференции можно через соответствующие судебные органы. Иностранцы судьи и прокуроры при наличии свободных мест могут участвовать на учебных конференциях в качестве гостей. Каждый судья, либо прокурор вправе самостоятельно, по желанию принимать решение о посещении тренингов на рабочих местах, организуемых Немецкой Юридической академией. Посещение курсов не является обязанностью. Тем не менее, судьи и прокуроры, показавшие особый интерес и желание не останавливаться в профессиональном росте будут иметь некоторые преимущества, при назначении их на должности. Этот стимул обеспечивает высокий интерес к курсам.

в) Комитет по разработке Программы Семинаров

Комитет при Немецкой юридической академии ответственен за разработку тренингов на рабочих местах. Федеральное Министерство юстиции Германии, Гос. управления юстиции имеют своих представителей в комитете. Комитет состоит из экспертов-работников Федерального Министерства юстиции Германии и федеральных земель, ответственных за организацию тренингов на рабочих местах для судей и прокуроров. Профессиональные ассоциации предоставляют свои рекомендации. Комитет возглавляется государством, которое также участвует в учебных конференциях для министров юстиции.

Комитет при Немецкой Юридической академии составляет программу практического обучения на предстоящий календарный год. В частности, Коми-

тет определяет количество, продолжительность и темы предстоящих конференций, назначает органы, ответственные за организацию конференций. По окончании составления программы, конференция проводится государством-организатором.

Немецкая Юридическая академия будучи проектом, финансируемым Федерацией и Федеральными землями планирует, составляет и принимает программы конференций с согласия и одобрения своих партнеров.

д) Как составляется ежегодная программа практического обучения?

Лица, ответственные за организацию практического обучения отправляют запросы в отделы, которые, исходя из собственной рабочей практики, выявляют основные потребности. Программа практического обучения должна строиться не на теории, но на практике работы того, либо иного учреждения. Помимо практической стороны обучения, ответственные министерства предоставляют теоретическую информацию, связанную, к примеру, с недавними изменениями и поправками в законе. В начале каждого года, Отделы, ответственные за разработку программ практического обучения рассматривают и обсуждают вопрос о включении конференций на те, либо иные темы в программу. При этом, учитывается спрос и посещаемость предыдущих конференций, наряду с оценкой опыта предыдущих конференций.

Государство-организатор собирает предложения по проведению конференции и составляет краткий обзор, который потом направляется участникам конференции. Участники конференции сверяют индивидуальные предложения со своими собственными. Затем Комитет разрабатывает сбалансированную программу проведения 150 семинаров и конференций по индивидуальным предложениям заинтересованных лиц. Под словом «сбалансированная» следует понимать индивидуальные области закона, представленные на конференции, в соответствии с их актуальностью. В первую очередь, в программе должны присутствовать предметы, применимые на практике. Во вторых, в программу должно быть включено достаточное количество предметов, касающихся фундаментальных вопросов, и, наконец, междисциплинарные предметы. Чтобы отвечать постоянно меняющимся требованиям правосудия, организовывается большое число специальных конференций для слуг правосудия. Помимо тем конференций, комитет определяет их длительность; зачастую конференции длятся от четырех до пяти дней, некоторые конференции длятся больше. Комитет определяет темы и длительность предстоящих конференций на предстоящий год на своей первой встрече — в марте каждого года.

Вторым ключевым заданием комитета является определение расписания конференций и распределение бюджетных средств на их организацию

— все это обсуждается на второй встрече комитета, в июне. То есть ежегодно, в июне месяце планируется и программа мероприятий на следующий год.

В то же время, планировка мероприятий и конференций в большинстве своем зависит от неожиданных изменений и преобразований в правовой политике. Ежегодно, в октябре месяце в Триере и Вустрау открывается двухнедельная тематическая программа — «Осенняя академия». На первой встрече комитета темы двухнедельной тематической программы не оговариваются — программа мероприятий определяется в Июне, на второй встрече комитета. Тематические конференции Осенней академии стали очень популярными среди слушателей, чему немало способствует использование инновационных и текущих идей и тем.

е) Международное сотрудничество

В последнее время Комитет при Немецкой Юридической академии активно сотрудничает с иностранными коллегами, организовывая международные конференции. Все чаще и чаще Комитет при Немецкой Юридической академии, при планировании конференций принимает во внимание интерес стран ЕС. Помимо двухсторонних конференций, проводимых вот уже некоторое время с целью обмена опытом, конференции, организуемые в последнее время, все чаще и чаще посещаются представителями стран ЕС — экспертами по правовым вопросам.

Международные конференции организуются Европейской Сетью Подготовки судей (ЕСПС). Германия представлена в этой организации Федеральным Министерством юстиции и представителями федеральных земель. Германия, будучи членом-учредителем ЕСПС, принимает активное участие в развитии практического обучения судей и прокуроров в Европе. Немецкая Юридическая академия, действуя в рамках ЕСПС, организовывает международные конференции, с участием квалифицированных переводчиков-синхронистов.

III) Практическое обучение на местном уровне

Следует также отметить, что некоторые федеральные земли Германии организуют конференции для судей и прокуроров на местном уровне. В большинстве своем — это одноднев-

ные семинары для широкой публики, которые часто посещают судьи и прокуроры, чтобы обсудить между собой актуальные вопросы.

Федеральная Республика Германии организует 20 дополнительных 1-недельных семинаров для молодых практикующих специалистов (судьи и прокуроры с опытом работы не более 3-х лет). Эти семинары посвящены основам судебной/прокурорской деятельности и проводятся специально для молодых специалистов. Эти вводные курсы помогут молодым судьям и прокурорам освежить знания, накопившиеся за годы учебы и справиться с практическими задачами и повседневными проблемами, с которыми они сталкиваются на работе.

IV) Заключение

Единственная разница между Немецкой и Узбекской образовательными программами для судей и прокуроров заключается в том, что Немецкая программа предлагает гибкий, разносторонний подход к проведению тренингов, семинаров и конференций. Она сфокусирована на особо важных и актуальных вопросах права. На мой взгляд, проведение непрерывного обучения на рабочем месте для судей и прокуроров не является гарантией глубокого ознакомления с материальным и процессуальным правом, напротив, данный подход будет действенной, если судьи и прокуроры придут к знанию права посредством улучшения других своих качеств, в течение всей профессиональной карьеры.

В отношении начального обучения, Немецкая система придерживается мнения, что научный подход к изучению закона является немаловажным принципом для будущих судей и прокуроров. В то же время пристальное внимание уделяется усовершенствованию практических и методических навыков слушателей, по принципу «обучение действием». Данный процесс строго контролируется практикующими специалистами, выступающими в роли преподавателей. Использование данного подхода облегчает процесс выбора будущих судей и прокуроров: с одной стороны, проведение оценки кандидатов отображает их способности к работе в судебной сфере, а с другой стороны, сами кандидаты будут знать, с какими сложностями им придется столкнуться, если в дальнейшем они станут работать в судебных органах.



АННОТАЦИЯ

Мақола ГФРда судья ва прокуратура ходимларининг малакасини ошириш, уларни ҳуқуқий билимларини шакллантириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан мувофиқлаштириш масалаларига бағишланган ҳамда унда ўқув дастурлари ва даврий конференцияларда асосида машғулотлари ташкил этиш ва уларни самарадорлигини таъминлаш механизмлари тўғрисида сўз юритилган.

**НИКОЛЬ КОШЕ,
Французский судья,
Координатор обучения Европейского проекта
«Содействие судебно — правовым реформам в Узбекистане»**

ОБУЧЕНИЕ СУДЕЙ И ПРОКУРОРОВ В ЕВРОПЕ:

Система обучения судей и прокуроров во Франции

Обучение судей и прокуроров в Европе имеет свои особенности в зависимости от страны члена ЕС, различия могут быть касательно способа организации обучения, сроков, содержания, в некоторых странах прокуроры и судьи обучаются совместно. Такие системы обучения существуют во всех странах ЕС. Такие курсы призваны с одной стороны, подготовить новых работников суда, а с другой повысить квалификацию действующих работников судебной системы без отрыва от работы или другими словами длящееся обучение.

Однако, в странах, где действует система общего права, имеется лишь повышение квалификации судьи, связано это с назначением судей: т.к. после того, как судья пройдет отбор среди высококвалифицированных и опытных юристов, не требуется какой либо значительной подготовки до назначения судьи на его первую должность.

Касательно обучения судей в Европе существует две основные системы, которые направлены на начальное образование: система школ — «Стипендийная модель» и система вне школы — «Стажировочная модель».

Национальная школа магистратов (судей) во Франции (Ecole Nationale de la Magistrature) была создана 50 лет назад, после чего аналогичные школы появились: в Португалии, Испании, Болгарии и Румынии.

Целью данной статьи является разъяснение по поводу организации системы, касательно начального обучения и повышения квалификации.

Национальная школа магистратов (далее НШМ) является общественным учреждением — общественным объединением с независимым бюджетом и возглавляется Директором, который подотчетен Руководящему комитету, который в свою очередь возглавляется Первым Председателем Кассационного суда, а Генеральный прокурор является его заместителем.

Помимо всех прочих задач, Руководящий комитет утверждает учебные и педагогические про-

граммы, подготовленные и представленные со стороны штатных работников Школы.

Школа расположена в двух городах:

1. Первая часть школы расположена в **Бордо**, где местные работники ответственны за организацию экзаменов, всех занятий, и других работ связанных с начальным обучением, включая организацию и контроль периода практики слушателей в суде (см. ниже).

2. Вторая часть находится в **Париже**, где работники имеют дело с непрерывным обучением, где также находится отдел международных отношений.

В Школе имеются два заместителя Директора — один в Париже, один в Бордо, которые занимаются административными вопросами и вопросами представительства.

1. Организация начального обучения:

— Набор:

Французские выпускники университетов по окончании 4-х летнего образования в университете, либо лица при определённых условиях, работающих в качестве гражданских или частных служащих в области судебной системы не менее 8 лет, допускаются к экзамену на конкурсной основе (один особый экзамен для каждой из трёх описанных выше категорий). Студенты прошедшие данный экзамен назначаются в качестве слушателей Национальной школы магистратов, данный статус является первым уровнем в иерархической лестнице судей и прокуроров.

— Стипендия:

Стипендия выплачивается в течение 31 месяца, начиная с 22-х недельной практики в управлении адвоката защиты.

Далее слушатели проходят обучение в Школе в течение 7 месяцев, с 2-мя перерывами по 2 недели для прохождения практики в тюрьме и в управлении полиции. В течение данных семи месяцев слушателям преподают судьи и прокуроры, которые дают им разъяснения по поводу всех аспектов функционирования судов.

В этот период обучения проводятся лекции на

различные темы связанные с судебными вопросами, ряд практических занятий: дела, работа над реальными делами, составление решений суда и различных судебных документов, симуляции и инсценированные судебные дела. Данная часть обучения организована с целью ознакомления слушателей с работой суда и в данный период обучения у слушателей есть возможность пообщаться с практикующими судьями и прокурорами.

Следует отметить, что детальная организация данного периода описана в педагогической программе, которая определяет педагогические цели. Вдобавок ко всему, к каждой из главных линий данной программы прикрепляется заслуженный общественный деятель, компетентный в рассматриваемой области, и он является референтом, обеспечивающим высокий уровень актуальности программы в той или иной области.

Что касается практических мероприятий в суде, следует отметить, что Школа в Бордо находится рядом с Высшим и Апелляционным судом. Так как все слушания являются публичными, слушатели имеют возможность свободно посещать слушания, как по гражданским, так и по уголовным делам.

После подготовительной фазы в Школе наступает время прохождения обучения в суде, которое в свою очередь делится на 2 периода:

— Первый длится 5 месяцев, в течение которых слушатель Школы изучает судебные функции, которые ему придется осуществлять после окончания обучения.

Второй длится 3 месяца и начинается в самом конце обучения, и включает в себя 5 недель практики вне Школы — в частной или общественной организации, банке, общественных независимых организациях, или же в общественном административном управлении. Следующие три недели практики проходят в зарубежной стране.

Во время прохождения обучения в суде слушатели распределяются в Высшие суды по всей стране. Слушатель во время прохождения обучения в суде не является полноправным судьёй или прокурором, слушатель не работает в одиночку, вся работа которую он выполняет, планируется и контролируется со стороны опытного судьи или прокурора. Данный период обучения похож на стажировку, которая контролируется со стороны Школы и суда, где проходит обучение слушатель, в частности куратор, осуществляет оценку работы каждого из слушателей во время данного периода обучения.

Два важных события происходят между последними двумя мероприятиями: первое — первый выпускной экзамен и второе — выбор первой должности для назначения. Эти моменты являются ключевыми и знаменуют окончание периода вы-

шеописанного обучения.

Окончание обучения

В конце обучения слушатели проходят оценочный экзамен. Школа ответственна как за организацию вступительных экзаменов, так и за организацию выпускных экзаменов (выбор тем, предложение состава жюри, и другие организационные вопросы, связанные с предстоящими письменными и устными тестами).

Результаты данного выпускного экзамена весьма важны, потому что основываясь на этих результатах, происходит назначение слушателя на ту или иную должность.

Система назначения на первую должность выглядит следующим образом:

После того как будут получены результаты выпускного экзамена, Министерство юстиции, а точнее отдел судейских и прокурорских кадров Министерства публикует список вакантных мест, и далее его предлагают новоиспеченным судьям и прокурорам.

Список вакансий предусматривает различные всевозможные функции — все функции судьи Высшего суда или прокурора, которые подразумевают работу нового судьи во всех регионах Франции.

Количество вакансий строго соответствует количеству выпускников, которые должны быть назначены, и бессмысленно надеяться, что появятся другие вакансии, если предложенные вакансии не представляются привлекательными.

Слушателям даётся пару дней на ознакомление со списком и для того чтобы выбрать одну из вакансий, причём они могут отдать приоритет либо расположению или функции.

Однако данная возможность выбора находится под угрозой риска в зависимости от позиции, которую выбрал выпускник, или на которую претендуют его остальные коллеги. В действительности, когда наступает день выбора профессии, будущих судей и прокуроров вызывают и просят сделать свой выбор, по очередной последовательности, которая зависит от набранных баллов по итогам выпускного экзамена: это означает, что если кто-то, кто был первым в списке выбрал хорошую вакансию, шанс получить хорошую вакансию снижается для тех, кто следует за ним. И в конце, последний может выбрать лишь из 2-3 оставшихся, после его коллег, вакансий.

2. Организация непрерывного обучения

Касательно данного вопроса школа ежегодно публикует программу для её рассмотрения различными партнёрами (делегаты по обучению в Апелляционном суде, Служба документации при Кассационном суде, законодательные отделы Министерства юстиции).

Каждый судья и прокурор обязан ежегодно участвовать в 5 дневном обучении.

Им даётся огромное право выбора через электронный каталог, который доступен каждому судье и прокурору посредством сети "Intranet Justice".

Каждый судья или прокурор может выбрать какой из своих навыков ему следует улучшить для соответствия занимаемой должности. Но он также может выбрать занятия касательно улучшения одного из своих навыков для будущей должности. Школа предлагает широкие возможности по улучшению навыков в области международного, европейского и сравнительного права, психологии, философии наряду со многими возможностями изучения иностранных языков.

Заявка на обучение заполняется и отправляется судьёй и прокурором в электронной форме, при этом он обязан указать 4 различных варианта выбора. В итоге он попадает на один из указанных вариантов, т.к. Школа осуществляет отбор среди кандидатов. Окончательное согласование должно быть получено от Председателя Апелляционного суда, где в настоящий момент работает тот или иной судья или прокурор.

Судьи и прокуроры обязаны регулярно посещать как минимум один курс обучения ежегодно. Факт прохождения или не прохождения регулярного обучения не отражается в его личном деле.

Курс обучения проводится либо в Школе в Париже — т.е. централизованное обучение, либо децентрализовано на местах в региональных Апелляционных судах.

Касательно централизованного обучения, в Школе в Париже существует постоянный штаб сотрудников, которые занимаются организацией учебных занятий при содействии Директора «учебного занятия», этот человек, по сути, является профессионалом, высококвалифицированным по теме занятия и он ответственен за него.

Организация децентрализованного обучения зависит от различных местных инициатив и региональные координаторы по обучению должны стимулировать, поддерживать и помогать в организации таких инициатив.

Заключение,

Существующая система и её значимость в профессиональной жизни французских работников судебной системы показывает, что обучение судей и прокуроров действительно находится в поле зрения судебной системы.

Технический подход к организации и содержанию учебных занятий демонстрирует данную важную роль, но обучение это нечто большее.

Техническая цель — организовать высококачественное профессиональное образование — достигнута, благодаря смешанному методу: интеллектуальный и практический подход, с непрерывным и активным участием слушателей в обучении.

Более того, с культурно-просветительской точки зрения, обучение во Франции служит ключевым элементом развития общей культуры среди работников суда.

Наряду с ответственностью за организацию национальных, анонимных и высококачественных экзаменов, НШМ так же участвует в прозрачном и объективном процессе отбора судей и прокуроров.

Вдобавок, хотелось бы отметить, что главной целью является улучшение профессиональных навыков судей и прокуроров на всех этапах их карьеры.

Именно поэтому НШМ является очень важным институтом, который вносит свой вклад в поддержание высокого уровня знаний и беспристрастного поведения, которые должны превалировать в судебной системе.



АННОТАЦИЯ

Мақолада Франция Республикасида суд ва прокуратура ходимларини малакасини ошириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалалари ёритилган. Муаллиф малака ошириш дастурларини тайёрлаш, рубёга чиқариш ва самарадорлигини мониторинг қилиш ва олиб бориш тартиби ҳамда механизмларни такомиллаштириш тўғрисида маълумотлар берган.

Шухрат ЯКУБОВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш
мустақил институти етакчи мутахассиси, ю.ф.н.

ХУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ

Хуқуқ устуворлиги хуқуқий давлатнинг энг асосий белгиси сифатида майдонга чиқар экан, уни таъминлашда хуқуқий тарғибот борасида амалга оширила-диган чора-тадбирлар муҳим ўрин эгаллайди. Хуқуқий тарғибот ишларини самарали режалаштириш ҳамда амалга ошириш аҳолининг хуқуқий онги ва мадания-тини юксалтириш баробарида мамлакатдаги хуқуқий ислохотларнинг муваффақиятини таъминлайди.

Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришда хуқуқий тарғибот ишларининг ўрни жуда муҳимлигини куйидаги социологик тадқиқот натижалари асослай-ди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ўтказилган тадқиқотлар давомида анкета с к даражасини юксалти-ришга қайси омил кўпроқ ижобий таъсир кўрсатмоқ-да?" — деган саволга респондентларнинг 46 фоизи — "Оммавий ахборот воситаларидаги хуқуқий тарғи-бот ишлари", 31 фоизи — "Қонунларнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши", 16 фоизи — "Демократик сайловлар ва референдумлар" — дея жавоб берган бўлсалар, сўровда иштирок этганларнинг 7 фоизи сўровномага мустақил фикрларини бошқача тарзда кайд этганлар. Бу хуқуқий тарғибот ишларининг аҳами-ятини намоён этади.

Мамлакатимизда хуқуқий тарғибот ишларини амал-га оширишда давлат органлари ва уларнинг мута-садди вакиллари билан бир қаторда фуқаролик жа-мияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотла-ри ҳам алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Ҳозирда мам-лакатимизда фаолият олиб бораётган фуқаролик жа-мияти институтлари фаолиятига назар ташласак, улар хуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда дав-лат органлари билан бирга, улардан ортда қолма-ган ҳолда ҳаракат қилаётганини кузатиш мумкин. Масалан, фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган оммавий ахборот воситаларининг бу йўна-лишдаги фаолиятига эътибор қаратсак, улар хуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш борасида ало-ҳида фаоллик кўрсатмоқдалар. Уларнинг бу борада-ги асосий фаолият йўналиши тарғибот-ташвиқот иш-ларини самарали амалга ошириш орқали фуқаро-ларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдан иборат. Оммавий ахборот воситалари аҳолининг хуқуқий саводхонлигини юксалтиришда, ўз хуқуқлари-дан самарали фойдаланишни ташкил этишда муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, телевиде-

ние орқали мунтазам бериб борилаётган: "Одил суд", "Сизнинг адвокатингиз", "Қонунни биласизми?", "Қонун ҳимоясида", "Парламент вақти" каби кўрсатувлар, га-зета ва журналларда нашр этилаётган коррупция, одам савдоси ва гиёҳвандликка қарши кураш билан боғлиқ материаллар фуқароларнинг хуқуқий маданиятини юк-салтиришга хизмат қилмоқда. Фикримизни "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари исботлайди. Хусу-сан, марказ томонидан 2010 йилда ўтказилган анке-та сўровлари натижаларига эътибор қаратсак: "Ўз хуқуқий саводхонлигингизни ошириш учун Сиз нима-лар қиласиз?" — деган саволга респондентларнинг 33,7 фоизи «газета ва рисолалар ўқийман», 24,6 фоизи «телевидениенинг махсус дастурларини томоша қила-ман», 21,1 фоизи «ОАВда чоп этилган материалла-рни кузатиб бораман», 10,4 фоизи "Қонун ва кодекс-ларни ўрганаман", 10 фоизи "ўқув юртларидаги маш-ғулотларда хуқуқни ўрганаман", 3,3 фоизи "мутахас-сис ва юристлар билан маслаҳатлашаман", 4,6 фои-зи "ҳеч нарса қилмайман", 3,3 фоизи "жавоб бериш-га қийналаман", дея жавоб берганлар¹. Бу рақамлар аҳолининг хуқуқий саводхонлигини юксалтиришда фу-қаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли юқори эканлигини кўрсатиб беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, уларнинг хуқуқий тарғибот борасидаги фаоли-ятини янада жонлантириш лозим.

Фуқаролик жамиятининг яна бир муҳим, ўзбекона институти — маҳалланинг хуқуқий тарғибот борасида-ги ишлари ҳам эътиборга молик. Бугун мамлакатимиз-да 9913 та маҳалла ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Маҳаллаларда аҳолининг хуқуқий онги ва мада-ниятини юксалтириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари кенг йўлга қўйилган. Фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган яраштириш комиссиялари то-монидан 2010 йилда фақатгина оилаларнинг ўзида 53241 та хуқуқий тарғибот ишлари амалга оширил-ган. Улар натижасида нотинчликларига барҳам бе-рилган оилалар сони 40661 тани ташкил этган. Эъти-борли жиҳати шундаки, мазкур комиссияларнинг саъй-ҳаракати билан 23710 та оила ажралиб кетишдан сақланиб қолинган².

Яна социологик тадқиқотлар натижасига эътибор қаратсак, "Аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалти-ришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

ри ўрнини қандай баҳолайсиз?" — деган саволга респондентларнинг 38,8 фоизи юқори даражада, 52,2 фоизи етарли даражада эмас ва атиги 9 фоизи етарли даражада, деб жавоб берганлар. Бу албатта, маҳаллаларда ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш лозимлигини англатади. Айниқса, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг беш йиллик ҳисобот конференциясида маҳалла фаоллари эътиборни кучайтириш лозим бўлган масалалар, хусусан, маҳаллаларда оила ва никоҳ масаласи бўйича, одам савдоси ва гиёҳвандликка қарши кураш бўйича, тўймаъракаларни камхарж ўтказиш бўйича, ёшларимизни ёт мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтириш лозимлиги алоҳида муҳим вазифа сифатида қайд этилди. Бу йўналишда оила, маҳалла, мактаб ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳам алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Мазкур институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 июндаги "Фуқаролик жамияти институти давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Ф-1796-сонли Фармойишига асосан ташкил этилган бўлиб, унинг олдида фуқаролик жамияти асосларини чуқур илмий таҳлил қилиш, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ўрганиш, уларни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаш, давлат ва жамият бошқарувида нодавлат ташкилотларининг иштирокини янада юксалтириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор вазифалар қўйилган. Институт олдида қўйган вазифаларни бажаришда ҳуқуқий тарғибот ишларидан ҳам самарали фойдаланмоқда.

Барчамизга маълумки, 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида нутқ сўзлади. Ушбу маърузада мамлакатимизни ривожлантириш борасида белгиланган муҳим ислохотлар қаторида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи алоҳида устувор йўналиш сифатида қайд этилди³.

Айнан ушбу концепция мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Концепцияда белгиланган ислохотларни самарали амалга ошириш мақсадида бир қатор институционал механизмлар қайта шакллантирилди. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 июлдаги "Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 576-сонли Қарори асосида шаклланган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳисобланади.

Институтнинг ўз олдида қўйган асосий мақсадлари фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини тизимли мониторинг қилиш, мамлакатни

демократик янгилаш ва модернизациялашда, фуқароларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришдан иборатдир. Албатта, бу йўналишдаги тадбирларни амалга оширишда ҳам ҳуқуқий тарғибот усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Институтнинг марказий ва ҳудудий бўлинмаларида 300 га яқин мутахассислар фаолият олиб бормоқда ва улар томонидан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, одам савдоси, коррупция, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича муҳим тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда самарали фаолият олиб бораётган нодавлат ташкилоти сифатида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерациясини қайд этиш мумкин. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмалари ҳамда туман (шаҳар) жамиятлари ўз фаолиятларини Федерация Низоми асосида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонунчилигига риоя этилиши бўйича ўрганишлар олиб бориш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини яратишда давлат бошқаруви, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 414-сонли Қарорини кенг тарғиб қилиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий билим ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадида жойларда Федерация ва унинг куйи тизимлари томонидан 2011 йилда 3424 та маърузалар ўқилган. 893 та ўқув семинарлар, 4199 та давра суҳбатлари ташкил этилган, радио эфирларида 1031 та эшиттириш, телевидение орқали 1170 та кўрсатувлар ташкил қилинган, марказий газета ва журналларда 335 та, маҳаллий газеталарда 815 та мақола ва тезислар чоп этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 3000 нусхада, "Истеъмолчи ҳуқуқлари қонун ҳимоясида" мавзусида А-3 форматда 2500 дона рангли плакат, 10 минг дона буклетлар тайёрланиб, истеъмолчиларга бепул тарқатилди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Ассалом Ўзбекистон" дастурида ташкил этилган "Истеъмолчи" рукни, Ўзбекистон радио каналининг "Истеъмолчи" эшиттириши орқали Республикаимиз ички бозорларига кириб келаётган сифатсиз, инсон ҳаётига хавф туғдирувчи ноозик ҳамда озик-овқат маҳсулотлардан асраш ва огоҳ этиш, шунингдек, аҳолига тиб-

бий, транспорт ҳамда маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида истеъмолчилар дуч келаётган муаммоларга ечим топишлари учун маслаҳатлар ҳамда уларни қизиқтирган саволларга жавоблар бериб борилмоқда.

Бундан ташқари, Ёшлар, Пойтахт, Спорт ва НТТ телеканаллари орқали ҳамда Тошкент шаҳрининг аҳоли гавжум жойларида, автобусларда экранлар орқали истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш, ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий билим ва истеъмол маданиятини юксалтиришга доир ишларни фаоллаштириш мақсадида кўрсатувлар ҳамда реклама роликлари бериб борилмоқда.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари интернет тармоғидаги сайти орқали бугунги кунда Федерация марказий аппарати ходимлари томонидан Федерация фаолияти билан боғлиқ маълумотлар билан тўлдирилиб, истеъмолчиларнинг муружаатларига жавоб бериб борилмоқда. Бу тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларга фаровон турмуш шароитини яратишга йўналтирилган.

Мамлакатимизда юқоридаги ташкилотлар каби фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш борасида ҳуқуқий тарғибот ишларини муваффақиятли амалга ошираётган бир қатор фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини эътироф этиш лозим. Хусусан, "Ўзбекистон Экологик ҳаракати", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Фонд форум", "Меҳр нури", "Сен ёлғиз эмассан" жамғармалари фаолиятини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Юқоридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятидаги ижобий кўрсаткичлар ва ўзига хос самарадорлик давлат томонидан уларга ўз вақтида эътибор қаратилиши ва моддий қўллаб-қувватланиши, улар фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор қаратилиши, белгиланган йўналишлар бўйича фаол иш олиб борилиши, алоҳида ташаббускорлик ва эзгу мақсадлар йўлидаги тўхтовсиз изланишлар билан боғлиқ.

Ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада кучайтириш лозим. Зеро, мамлакатимизда фаолият

олиб бораётган фуқаролик жамияти институтларининг куч ва имкониятларидан, улкан салоҳиятидан самарали фойдаланиш нафақат жамият ҳаётидаги битта муаммонинг ечимини топишга, балки бутун мамлакатда амалга оширилаётган ҳуқуқий модернизация жараёнининг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилади.

Ҳуқуқий тарғибот ишларини янада жонлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, бу вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада кучайтириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда алоҳида фаоллик кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтларини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш зарур.

2. Оммавий ахборот воситалари томонидан ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда алоҳида фаоллик кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти ва қўлга киритаётган ютуқларини ёритишга бағишланган кўрсатув ва эшиттиришлар сонини ошириш лозим.

3. Ўзбекистонда махсус, ҳуқуқий тарғибот билан шуғулланадиган алоҳида нодавлат нотижорат ташкилоти ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4. Фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш лозим.

5. Аёлларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш борасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш ва бу йўналишдаги ишларни ташкил этишда энг самарадор усуллардан фойдаланиш лозим.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишдаги роли ва иштирокини янада кенгайтириш ҳозирги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов ўринли қайд этганидек, "юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи омилдир"⁴.

АННОТАЦИЯ

В статье освещены вопросы формирования гражданского общества и их роль в повышении эффективности правовой пропаганды. Автор излагает свои взгляды на методах участия институтов гражданского общества в пропаганде законодательства и правовой культуры.

¹ Қаранг: "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази томонидан 2010 йил май-июнь ойларида "Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти жамоатчилик фикри нигоҳида" мавзусида ўтказилган сўров натижалари // Ижтимоий фикр - инсон ҳуқуқлари. 2010. №3. -Т.: 2010. -Б. 66-79.

² Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармасининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари томонидан 2010 йилнинг 12 ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотидан.

³ Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. -Тошкент: "Ўзбекистон", 2010. -Б. 42.

⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. -Тошкент: "Ўзбекистон", 2010. -Б. 42.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Журналистика факультетининг доценти, ф.ф.н.

ФУҚАРОЛАРДА ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ХУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ТАРФИБОТИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг фуқароларнинг эркин ва фаровон яшашини таъминлаш борасида қатор ислохотлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан яратилган тараққиётнинг ўзбек моделида акс эттирилган 5 та йўналиш ҳам бунинг ёрқин далилидир. "Давлат-бош ислохотчи", "Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги", "Қонун устуворлиги", "Кучли ижтимоий сиёсат", "Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш" каби йўналишлар ҳам мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, барча ислохотларда фаол иштирок этишларини таъминлайди. Шундай экан, ҳар бир шахс давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлардан хабардор бўлиши, уларнинг мазмун-моҳиятини тушуниши, ўз турмуш тарзида тўғри қўллаши мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз Конституциясида жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи "инсон" деган ғоя илгари сурилган. Шунга асосан, фуқароларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари Бош қонунимиздаги барча моддаларда кафолатланган.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин миллий қонунчилик тизими анча такомиллашди. Фуқароларнинг эркин ва фаровон яшашини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи янги қонунлар яратилди. Айниқса, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида, шунингдек, мазкур қонун ижросини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида аср муаммосига айланиб улгурган одам савдосига қарши курашиш мақсади мужассам этилган. Дарҳақиқат, инсонни қул сифатида хўрлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш, айниқса, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизларнинг ёш умрини хазон қилаётган қимсалар энди қонун олдида жавоб берадилар. Масаланинг яна

бир жиҳати шундаки, қонунлар қабул қилинганидан кейин, унинг амалдаги ижроси ҳам тўлиқ таъминланиши лозим. Бунинг учун ҳар бир фуқаро қонунга ҳурмат назари билан қараши зарур. Қонунга ҳурмат, унга итоаткорлик эса ҳар биримизнинг ҳуқуқий маданиятимиз юксаклиги билан боғлиқ

Ҳуқуқий маданиятли инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билиши баробарида қонунга ҳурмат билан қарайди, унга итоат қилади.

Ҳуқуқий маданият тарихан аста-секин шакланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда ривожланган ҳуқуқий демократик давлатлар ва уларнинг фуқароларининг зарурий хислати ва тараққиёт омилига айланди. Тараққий этган мамлакатлар бу соҳада анча-мунча ютуқларга эришдилар ва уларнинг фуқароси ҳар бир масалада қонунларга суяниб иш олиб боради, ўз ҳақ ва ҳуқуқлари давлат ёки айрим шахслар томонидан бузилган тақдирда, уларнинг мансаб даражаси ва мавқеидан қатъи назар, суд орқали адолатли ечимга эришади.

Ҳуқуқий маданият ҳам ўз қоида, таърифлари асосида фаолият юритади. Унинг негизида қонунларнинг мавжудлиги, уларга риоя қилиш ва тўғри фойдаланиш мақсади мужассам этилган.

"Ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг муҳим қисми бўлиб, кўйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарларини ҳам ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши. Бу сиёсат даврнинг руҳини ҳуқуқда ифодалаши лозим. Масалан, мустақиллик ва бозор муносабатлари билан боғлиқ масалалар ва вазифалар ҳуқуқий сиёсатдаги бош йўналишлардандир;

2. Юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги ҳуқуқий маданиятнинг муҳим қисмидир;

3. Кенг ва фаол ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий во-

келиклар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимидир. Ҳуқуқий онгда ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкура жиддий ўрин тутди;

4. Ҳуқуқий маданият бу инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даржасидир;

5. Илгари эришилган ва тўпланган барча ҳуқуқий тажриба, ҳуқуқий мерослар ва уларнинг оммага тарқатилиши ҳуқуқий маданиятга киради;

6. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар: Конституция, қонунлар, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади;

7. Ҳуқуқ ижодкорлиги маданияти, ҳуқуқ меъёрларини яратиш масаласи, юридик техника даражаси, масалан, депутатлар ва аппарат хизматчиларининг ҳуқуқий билимлари, дунёқараш, ҳуқуққа ёндашуви қанчалик юқори ва ҳолисона бўлса, ҳуқуқий маданият ҳам шунчалик юксак бўлади;

8. Ҳуқуқни амалга ошириш ишларининг ташкил этилиши қанчалик юқори бўлса, у ҳуқуқий маданиятга ҳам ўз ижодий таъсирини кўрсатади ва аксинча;

9. Ҳуқуқий маданиятнинг яна бир қисми — ҳуқуқни амалга оширувчи давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ меъёрлари талаблари даражасида ҳамда доирасида ўз ҳуқуқи, бурчларини бажариши, уларни англаб олишидир;

10. Мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги қонунчилик даражаси, ҳаммининг қонун ва суд олдида тенглиги ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир¹.

Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмларини ифодаловчи бу таърифларнинг ҳар бири катта маънога эга.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб этмоқда. Ҳуқуқий саводхонлик, қонунга итоаткорлик, давлат тизимига ҳурмат ва фуқаролик бурчига садоқат шахс маънавий баркамоллиги мезонларидандир. Шундай экан, жамиятимиз кишилари ўз ҳуқуқ ва бурчлари, мажбуриятларини англаган ҳолда мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилишмоқда. Бу эса, фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти ошиб бораётганлигидан далолатдир.

"Ҳуқуқий маданият деганда, жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг даражасини, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан хабардорлик даражасини, фуқароларнинг қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиш даражаси, ҳуқуққа риоя қилмаганларга мурасасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражасини тушунамиз".² Ҳуқуқий маданиятга берилган мазкур таърифнинг моҳия-

ти шундай: ҳар қандай жамиятда ҳам ҳуқуқий тизим яратилиши мумкин, аммо ана шу тизим шундай йўлга қўйилиши керакки, барча фуқаролар ундан тўлиқ хабардор бўлсин. Шундагина қонунларга бўлган ҳурмат, уларнинг ижро этилиши, ҳар бир шахсда қонунга итоаткорлик масъулияти шаклланади.

Х.Маматов ҳуқуқий маданиятга шундай таъриф беради: "Ҳуқуқий маданият бу — инсон фаолиятининг ҳуқуқни яратиш ва рўёбга чиқаришга, шунингдек, мазкур жараён ва унинг натижаларини одамлар онгида акс эттиришга қаратилган усуллари тизимидир"³.

Бир сўз билан айтганда, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг барча ижтимоий гуруҳлари жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омил ҳисобланади. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон мустақилликка эришганига 20 йилдан ошди. Мамлакатимиз шу қисқа давр мобайнида катта ютуқларни қўлга киритди. Бугун дунё мустақил Ўзбекистон давлати борлигидан, унинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни, мавқеи, эришаётган ютуқларидан хабардор бўлмоқда. Айниқса, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотларимиз муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Президентимиз таъкидлаганидек, "бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз"⁴.

Омма орасида ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб қилиш, фуқароларда қонунга итоаткорликни янада оширишни таъминлашда ҳуқуқий билимлар тарғиботини оммалаштиришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Республикамиз сиёсий мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иш фаолиятини мунтазам ёритиб турадиган, аҳоли орасида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни ўстириш, қонунчиликни тарғиб-ташвиқ қилиш борасида кенг кўламли ва самарали ишлар олиб бо-

радиган оммавий ахборот воситалари анча кўпайди ва такомиллашди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг янги газета ва журналлари ташкил этилди. Телевидение ва радиоэшиттиришлар дастурларига аҳоли ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган кўрсатув ва эшиттиришлар киритилди. Республикамизда ҳуқуқшунос журналистлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Кўпгина таҳририятларда олий маълумотли журналист-ҳуқуқшунослар фаолият кўрсатаяпти. Бугунги ҳаёт журналистларни ҳам соҳага ихтисослашувини талаб қилмоқда.

Республикамизда "Инсон ва қонун", "Ҳуқуқ", "Постда", "Огоҳ" газеталари, "Ҳуқуқ ва бурч" журналы мунтазам нашр этиляпти. Мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув муассасалари, кенг қатламли аҳолини ҳуқуқ бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланма, рисоалар билан таъминлаб турадиган "Адолат" нашриёти фаолият юритапти.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласи истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ устувор вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июндаги "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"⁵ги Фармони, 1997 йил 29 августдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"⁶ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"⁷ги Қарори бу соҳани ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бериб, фуқаролар тафаккури, дунёқараши ўзгариб бораётган бир даврда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, қонунга итоаткорлик руҳини қарор топтириш каби масалаларга эътибор қаратилиши айни муддао бўлди. Зеро, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқий маданиятини ҳам эзгу мақсадларга муносиб равишда шакллантириш муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Ана шу тарихий-ижтимоий заруратни ўз вақтида англаб, давлат сиёсати даражасидаги кенг қамровли чора-тадбирлар амалга ошириляётгани эришилган ютуқларнинг асосий омилдир. Бундай миқёсдаги ишлар мазмуни ва кўлами, аниқ режалар 1997 йил 29 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дасту-

ри"да ўз ифодасини топди.

Фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ қилиш каби муҳим масалалар ва уларнинг ечимини ўзида мужассам этган мазкур Миллий дастур бугунга қадар ҳаётга изчил татбиқ этиб келинаётир. Албатта, мустақил мамлакатимиз истиқболи, барча соҳаларда ўтказилаётган туб ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шу боис ушбу Дастурда "Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилдир"⁸, деб баҳоланганлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳуқуқий маданият — кенг тушунчадир. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билим ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у энг аввало, одамларнинг қонунга муносабатларини, эътиқодларини, уларнинг ҳуқуқий тушунчаларини белгилаб беради. Ҳуқуқий онг шаклланмасдан туриб, ҳуқуқий билим шаклланмайди. Ҳуқуқий онги, билими шакланган шахс қонунга ҳурмат билан қарайди ва унга итоат этади. Ҳуқуқий онги шаклланган, ҳуқуқий билимга эга бўлган шахс қонунга итоат этмаса, уни ҳурмат қилмаса, бундай фуқароларни, мансабдор шахсларни ҳуқуқий маданиятсиз, деймиз. Ҳуқуқий маданияти бўлмаган, фуқаро ва мансабдор шахс қонун олдида жавоб бериши шарт.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий тамойилларидан бири — қонунлар ижросини таъминлашдан иборат бўлиб, шу йўл билангина олдимизга қўйган мақсадга эришишимиз мумкин. Ҳуқуқий, кучли демократик давлатни бошқаришда қонунлар сони эмас, балки амалдаги қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши муҳимдир. Қонунлар ишламаган давлатда демократияга эришиб бўлмайди. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдеворидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда тартибли ҳаётини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. "Жа-

миятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" асосида мамлакатимизда ўта муҳим, долзарб ишлар кенг йўлга қўйилди. Мазкур дастурнинг асосий мақсади — ҳуқуқий маданият тизимини шакллантириш, аҳолининг ҳамма қатламларининг ҳуқуқий билиминини ошириш, ҳуқуқий онгни юксак даражага кўтариш, ҳуқуқий билимларни кундалик турмушда қўллай олиш даражасига етказишдан иборат.

"Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий оннинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади".⁹ Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилишини ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади. Жамиятда инсон ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши инсон ҳуқуқи соҳасида таълимнинг мавжудлигига боғлиқ. Яъни, билим, тажриба ва позицияларни шакллантириш йўли билан инсон ҳуқуқи умумий маданият яратиш учун қўлланиладиган таълим бериш, ахборот олиш, тарқатишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар инсон ҳуқуқий маданиятининг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

Миллий дастурнинг мазмун-моҳиятида қуйидагилар баён этилади: фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқароларга ҳуқуқий таълим ва тарбия беришни такомиллаштириш; давлат органлари ходимларининг, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводини ошириш; ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини яратиш ва татбиқ этиш.

Инсоннинг ҳуқуқий маданиятли бўлишида ҳуқуқий билимлар муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқий билимлар эса шахсга ёшлигиданоқ ўргатиб борилса, вақти келиб, у ҳуқуқий маданияти юксак, мамлакатнинг сиёсий-ҳуқуқий жараёнларида фаол иштирок этувчи етук шахсга айланади. Ана шу эзгу мақсадлар йўлида мамлакатимиз таълим тизимида ҳуқуқий билимлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий билимдонлик ҳар соҳада керак бўлади. Оддийгина мисол тариқасида айтадиган бўлсак, ҳар бир ота-она фарзандига атроф-муҳитга, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кераклигини тушунтирса, вақти келиб, бу маслаҳатлар Конституциямизда фуқароларнинг бурчи сифатида ўз аксини топганлигини тушуниб етади.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига йўналтирилаётган изчил ислохотлар, шубҳасиз, янада ёруғ келажагимизга, навқирон фар-

зандларнинг порлоқ истиқболига хизмат қилади. Зеро, ёшларимизнинг юксак интеллектуал салоҳиятли, етук маънавиятли, кенг дунёқарашга эга баркамол шахс бўлиб шаклланишида бугун амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар катта аҳамиятга эга. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шу орқали уларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масаласи долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда, республикамиз ўрта-махсус таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш, Бош қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда энг зукко талабаларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида турли кўрик-танлов ва беллашувлар ўтказиб келинади. Ана шундай тадбирлардан бири — "Ҳуқуқ билимдонлари" қувноқлар ва зукколар республика беллашувидир.

Ҳуқуқий демократик жамиятда ижтимоий фикр-ни шакллантириш, жамоатчилик эътиборини жалб этишда жамоат бирлашмаларининг ўрни катта. Шу ўринда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, улар орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам баъзи мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз.

Ташкилот қошида 2010 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, "Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш" бўлими расман ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунга қадар мазкур бўлим томонидан кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

Ташкилот вояга етмаганларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олиш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида тузилган режалар асосида мунтазам тарзда тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Ташкилот "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ролини янада кучайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 13-сонли Қарори асосида фаолият олиб бормоқда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаоли-

ятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган, вояга етмаганлари ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш органлари ҳисобланади. Комиссиялар қарорига кўра, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш мақсадида тузилади.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вояга етмаганларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш, тарбияси оғир вояга етмаганларнинг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик содир этишларининг олдини олиш, шунингдек, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳаракатнинг асосий фаолият йўналишларидан бири — вояга етмаганлар, шу жумладан, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий-профилактик ишларни самарали олиб бориш, ички ишлар бўлимларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганларни Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчиларига бириктириш орқали улар билан яқка тартибда ишлашни ташкил этиш ҳисобланади. Мазкур йўналишда Ҳаракатнинг маҳаллий ва ҳудудий бўлимлари томонидан қатор лойиҳалар, тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

2010 йилнинг 29 сентябрида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга аъзо ташкилотларга, давлат ва жамоат бирлашмаларига вояга етмаганлар билан ишлашда ҳамкорликни кучайтиришга асос бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур Қонуннинг ишлаб чиқилишида Ҳаракатнинг, хусусан, ёшларимизнинг ҳиссаси бор. Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки белгилаб берилган. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

— вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида

иштирок этиши, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиши;

— ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам кўрсатиши;

— жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувида кўмаклашиши;

— вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилиши белгиланган.

Ҳаракат томонидан вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларни ёшлиқдан касб-хунарга ўргатиш мақсадида ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларида Ҳаракатнинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашлари қошида жами 95 та "Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари" ва уларда 309 та тўғарак ва клублар фаолият юритиб келмоқда. Мазкур тўғаракларга 40 минг нафарга яқин ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганлар жалб этилган бўлиб, уларга 300 нафардан зиёд мутахассислар касб-хунар ўргатишмоқда.

Ҳаракат тизимлари томонидан ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоеън этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мазкур "Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари"га жойлардаги ички ишлар идоралари профилактик ҳисобидаги вояга етмаганлар мунтазам жалб қилинмоқда.

Ҳаракат томонидан ёзги таътил мавсумида оромгоҳларга жалб этилмаган вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, Ички ишлар бўлимларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш мақсадида 2007 йилдан буён вояга етмаганлар учун "Ҳарбий спорт оромгоҳи" лойиҳаси ташкил этилиб келинмоқда. Оромгоҳни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва турли диний экстремистик оқимларга, гиёҳвандликка кириб кетиш ҳолларининг олдини олиш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишдан иборат. Тадбир якунида хулқи ижобий томонга ўзгарган ички ишлар профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганларни ҳисобдан чиқариш учун уларга Ҳаракатнинг Тавсияномасини бериш йўлга қўйилган.

Оромгоҳлар ҳар йили июль-август ойларида Ҳаракатнинг ҳудудий бўлимлари Кенгашлари томонидан Вояга етмаганлар ишлари бўйича ко-

миссия таркибидаги вазирлик ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилади.

2010 йилда 1100 нафар ИИБ профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганлар учун (2007 йилда 1100 нафар, 2008 йилда 850 нафар, 2009 йилда 864 нафар) ҳарбий-спорт оромгоҳлари ташкил этилди. Шу кунга қадар мазкур лойиҳа асосида 1 100 нафар (2007 йилда 240 нафар, 2008 йилда 300 нафар, 2009 йилда 260 нафар, 2010 йилда 300 нафар) Ички ишлар бўлимларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар ҳисобдан чиқарилиб, жойларда Ҳаракат қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари"га бириктирилди.

Диний экстремистик ва террористик гуруҳлар таъсирига тушиб қолган вояга етмаганларни аниқлаш, улар билан яқка тартибдаги профилактика ишини самарали ташкил этиш, шу жумладан, тарбиявий суҳбатлар ўтказиш, мажбурий таълимга жалб этиш, иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқали жамиятга қайтаришга, шунингдек, ёшларда миллатлар ва динлараро муомала маданиятини, умуминсоний кадриятларга ҳурматни шакллантириб боришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб келинмоқда. Жумладан, Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга аъзо ташкилотлар билан ҳамкорликда "Давомат" ва "Ўқувчи" рейдлари ўтказилиб келинмоқда, шунингдек, вояга етмаганлар дарсдан ташқари касб-хунарга ўргатилмоқда ва турли тўғарақларга жалб қилинмоқда. Шунингдек, Ҳаракат тизимлари томонидан жойларда "Диний экстремизм ва терроризм — тинчлик ва тараққиёт душмани", "Огоҳлик — давр талаби", "Биз — ёшлар диний экстремизм ва терроризмга қаршимиз" ва бошқа мавзуларда давр суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

2010 йилнинг 5-7 декабрь кунлари Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"нинг очилиш маросими доирасида вилоятдаги Ички ишлар профилактик ҳисобидаги вояга етмаганлар учун Республика Болалар ижтимоий мослашув маркази мутахассислари иштирокида 3 кун давомида турли психологик ва ҳаракатли ўйинлар ўтказилди. Мазкур семинар ва психологик тренингларда вилоятнинг барча туманларидан 150 нафардан ортиқ вояга етмаганлар жалб этилди.

Вояга етмаганларни маънавиятимизга ёт гоғлар таъсиридан ҳимоялаш бугунги кунда энг долзарб масалалар. Оммавий таҳдидлар ҳамда ахборот хуружларига қарши курашиш, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан республиканинг барча ҳудудларида "Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти" мавзусидаги анжуманлар ташкил этилди. Ан-

жуманнинг иккинчи босқичи республикамиздаги ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилди.

Анжуман бошланишидан олдин вояга етмаганлар ўртасида "Готлар ва эмолар кимлар?", "Та-туаж ва татуировкаларга муносабатингиз", "Сиз учун 14 февраль қандай кун?" каби саволлар орқали ижтимоий сўровлар ўтказилди ва сўровлар асосида махсус видео ролик тайёрланди. Ана шундай тадбирлардан яна бири жорий йилнинг 19 февраль куни Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 5-сонли тарбияси оғир 11-14 ёшли қизлар учун ёпиқ турдаги махсус мактаб-интернатда ўтказилди. Унда мазкур мактабнинг 40 нафарга яқин ўқувчилари иштирок этишди.

Шунингдек, Ҳаракатнинг Фарғона вилоят бўлими Кенгаши ташаббуси билан жорий йилнинг 29 март куни Қўқон шаҳрида жойлашган қизлар учун мўлжалланган Қўқон шаҳар махсус енгил саноат касб-хунарсиз коллежида "Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти" мавзусидаги анжуман ўтказилди. Унда мазкур таълим муассасасининг 250 нафарга яқин тарбияланувчилари иштирок этишди. Ўтказилган тадбирларда ўқувчилар фаол иштирок этиб, ҳар бир муаммо юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ўтказилган тадбирлар жойлардаги ички ишлар ҳамда прокуратура органлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган худди шундай тадбирлар, маданий-маърифий учрашувлар, спорт мусобақалари ва турли танловлар Ҳаракатнинг барча ҳудудий Кенгашлари томонидан мунтазам равишда ташкил этилиб келинмоқда¹⁰.

Мустақил, янги жамият кура бошлаганимизга ҳам мана, 21 йил бўлаяпти. Ана шу ўтган давр ичида мумлакатимизда барча соҳаларда катта, самарали ишлар амалга оширилди.

Ҳуқуқий демократик жамият куриш йўлини танлаган республикамизда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда улкан ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириляпти. Тан олиб айтиш керак, ана шу муҳим, ҳаётий жабҳаларнинг мазмун-моҳиятини юртдошларимиз онгу шуурига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси катта бўляпти.

Ана шу масъулиятли вазифаларни рисоладагидек бажариш борасида мамлакатимизда ахборот эркинлигига йўл очиб берилаяпти, жумладан, ОАВнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг асл мақсади негизда жамиятни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий, ҳуқуқий мавзулардаги ахборотлар билан таъминлашдан иборат. Ана шу мавзулар ор-

кали ўз ўрнида муаммо ва ютуқлар, қилиниши лозим бўлган жаҳатларга омманинг эътиборини қарата олиш зарур.

Мисолларга мурожаат этсак, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг нашри "Ҳуқуқ" газетаси 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган. Шиори — "Мустақиллик ҳуқуқ демакдир". 12 саҳифадан иборат бўлган мазкур нашр ҳафтада бир марта — пайшанба кунлари чиқади. Газета саҳифаларида турли материаллар "Ифтихор", "Жараён", "Фаолият", "Ҳуқуқий маслаҳатхона", "Жинойят ва жазо", "Муносабат", "Ракурс", "Таҳлил", "Назорат", "Спорт", "Суд очерки", "Халқаро ҳаёт" каби рукнлар остида бериб борилади.

Газетада ҳуқуқий билимлар тарғиботи борасида қатор материаллар эълон қилиб борилади. "Давра суҳбати"¹¹ сарлавҳали хабарда келтирилишича: "Жорий йилнинг 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан БМТнинг Ўзбекистондаги Болалар фонди ваколатхонаси билан ҳамкорликда "Бола ҳуқуқини таъминлаш мониторинги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди"¹². Матннинг бош қисмида мазкур асосий хабар берилади. Шундан сўнг журналист мамлакатимизда қонунчилик тизимининг мазмун-моҳияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, тадбир тафсилотлари ҳақида сўз юритади.

Журналист Н.Ниёзованинг "Маънавият оиладан бошланади"¹³ сарлавҳали мақоласи "2012 йил — Мустаҳкам оила йили"га бағишланган. Муаллиф матнни шундай бошлаган: "Хонадонингизда тўй бўлса, қандоқ яхши! Чор-атроф шодиёна тус олади. Элу элдошинг, қавму қариндошинг, кўни-кўшнинг сенинг бир неча кунлик қувончингга шерик бўлишади. Бу шодликлар, бу кулгулар отананинг самимий розилигисиз, оқ фотиҳасисиз татимайди, албатта"¹⁴.

Муаллиф сарлавҳани мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, умумлаштирган ҳолда, жуда ўринли танлаган. Газетанинг деярли бир саҳифасини эгаллаган матнда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг комил инсон даражасига етишида оиланинг тутган ўрни, бунда ўзбек халқининг неча минг йиллик қадрият ва анъаналарининг оила маънавиятини сақлаб қолишдаги аҳамияти ҳақида сўз боради. Бир сўз билан айтганда, журналист оила қуришдан бошлаб, унинг фаровонлиги, тинчлигини сақлаш, оила маънавиятини шакллантиришда эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини ҳаётий мисоллар орқали келтириб ўтган. Жанр нуқтаи назаридан материални таҳлилий жанрларга оид мақола дейиш мумкин. Матнда журналист услуби — "мен"ини мақолага оид маълумотларнинг кўпини ўзи гувоҳ бўлган воқеа-ҳоди-

салар асосида ёзганлигида кўриш мумкин. Қолаверса, журналист матнда сўзларни ҳам маҳорат билан танлашга ҳаракат қилган.

Журналистнинг "Ўйнинг эркаги..."¹⁵ сарлавҳали мақоласи ҳам худди шу услубда ёзилган. Сарлавҳага кўзи тушган ўқувчи тўлиқсиз гап тарзида ифодаланган сарлавҳага кўзи тушиши биланоқ, мақолани ўқишга ҳаракат қилади. Унда оила бошлиғи, деган юксак мақомга эга бўлган эркакларнинг оиладаги ўрни ҳақида сўз боради. Журналист бу мақоласида ҳам ҳаётий воқеа-ҳодисалар асосида ўз кечинмаларидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазаларини қаламга олган. Матн ҳажман йирик. Воқеалар оддий ўқувчининг ҳам тушуниши осон бўлган жумлалар, сўзлар билан ҳикоя қилинади. Матнда журналист турли иборалар, тасвирий воситалар, халқ мақолларидан ўз ўрнида фойдаланган. Мақола таъсирчанлигини оширишда оғзаки нутққа оид сўзлар ҳам қўштирноқ ичида берилганки, бунда ўқувчига янада яқинроқ бўлиш, матннинг осон ва енгил ўқирилишини таъминлаш мақсади мужассамдир. Масалан, "ҳали ёш бўлишига қарамай, "давление" дардига мубтало бўлибди", "ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ", "у кишининг "гап", "чойхона ош"лари дард устига чипқон" кабилар.

Бир сўз билан айтганда, журналист Н.Ниёзованинг мақолаларини ўқиб чиқиб, газета ўз услуби ва йўналишига эга эканлигига амин бўлдик. Унинг услуби бадиийлик билан ҳамоҳанг. Айниқса, оила мустаҳкамлигини таъминлаш мавзусига оид мақолаларда одамларни, ота-оналарни ҳушёрликка чақириш, фарзандлар келажагини ўйлаш мақсади мужассам.

Газетанинг яна бир муҳбири — Г.Ҳожибоева асосан, инфорацион жанрга оид материалларни тайёрлайди. Маълумки, журналистика жанрлари орасида энг қийин ва мураккаби хабар ва янгиликлар, репортаж, интервью тайёрлашдир. Сабаби, журналист қисқа вақт ичида содир бўлган воқеа-ҳодиса ёки бирор санга бағишлабми, материал тайёрлашига тўғри келади. Бунда эса ундан тезкорлик, аниқлик, ҳаққонийлик, холислик каби журналистиканинг "олтин қондаси"га айланган принциплари талаб этилади. Газетанинг "Жараён" рукни остида "Ҳарбий таълим маскани"¹⁶ сарлавҳали материал эълон қилинган. Унда Қуролли Кучлар Академияси бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи, подполковник Мансуржон Мўминов билан интервью уюштирилган.

Интервью қондасига кўра саволдан бошланган. Матн бир саҳифани тўлалигича эгаллаган. Журналистнинг Академиянинг ташкил этилиши, у ерда малакали кадрларни тайёрлаш, яратилган шарт-шароитлар, Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасидаги тайёргарлик ҳақидаги саволларига суҳбатдоши батафсил жавоб берган.

Аниқлик ва долзарблик инфор­мацион жанрнинг ўзига хос хусусиятларидан экан, журналист оммага суҳбатдоши орқали мазкур Академия ҳақида маълумот етказди. Сарлавҳа ҳам шунга мос тарзда қўйилган. Журналист услуби ҳақида гапирадиган бўлсак, "Ватан ҳимоячилари куни" байрамига бағишлаб тайёрланган материал мавзуси жиддий бўлганлиги боис, унда пафосга бой, баландпарвоз жумлалар, иборалар йўқ.

Газетанинг "Ифтихор" рўкнида 14 январь сана­сига бағишлаб "Ватанга хизмат — олий саодат"¹⁷ сарлавҳали мақола эълон қилинган. Муаллиф мақолада Қуролли Кучларнинг ватанимиз тинчлиги-осойишталигини таъминлашдаги беқиёс хизмати, мустақиллик йилларида тизимда олиб борилган ислохотлар ва янгиланишлар ҳақида батафсил маълумотларни келтиради. Бир сўз билан айтганда, ватан ҳимоячиларининг фаолиятига бир қур назар ташланади. Мақола газета йўналишидан келиб чиқиб, ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда оммабоп тарзда ёзилган, деса бўлади. Матн газетанинг бир саҳифасини эгаллаган.

Газета саҳифалари билан танишиш давомида шуларга гувоҳ бўлдикки, прокуратура ходимлари томонидан ёзилган, ҳаммуаллифликдаги мақо­лар ҳам кўп экан. Газетанинг бир саҳифасини тўла эгаллаган "Ватанни севмоқ иймондандир" сарлавҳали мақола журналист Н.Ғозиев ҳамда

Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Одил Поёновлар ҳаммуаллифлигида ёзилган. Матннинг асосий қисмида огоҳлик ҳақида мулоҳаза юритилган. Ўта долзарб ва муаммоли мақо­лада фикри, онги турли оқимларнинг бузғунчи ғоялари асосида бузилган, бунинг натижасида тинч-осойишта ҳаётимизга раҳна солишга ури­наётган юртдошларимизнинг қилмишлари ҳақида сўз боради. Мақолада Қашқадарё вилоятининг Қарши, Шаҳрисабз, Қамаша туманларида яшовчи фуқароларнинг диний экстремизм ва фунда­менталистик ташкилот — "Ўзбекистон ислом ҳара­кати" халқаро террорчилик ташкилоти "Ислом жиҳодчилари" оқимининг аъзоси бўлиб киргани ва ўзларининг нотўғри, мақсадсиз ғоялари билан ўзгалар онгига таъсир ўтказиш, бунинг натижа­сида юртимиз хотиржамлигига раҳна солишга уринганликлари аниқланиб, жинойий жавобгарликка тортилганлари хусусида сўз боради.

Муаллиф мақола охирида шундай мулоҳаза­ларни билдиради:¹⁸ "...бир ҳовуч тўда қўлида ҳар мақомга йўрғалаётган, шу азиз эл тузини ичиб, тузлигига тупураётган ичимиздаги душманларнинг қуюшқондан чиқаётган қилмишларини асло ке­чириб бўлмайди". Мақолада муаллиф услуби сўзларни ўзига хос қўллашида кўринади. Сўзларни топиб ёзиш ҳам журналистик маҳоратдан дало­латдир.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена развитию правовой культуры в процессах формирования правового государства. Автор подробно проанализировал направления формирования правовых знаний в укреплении законопослушания и значимость развития гражданского общества.

¹ Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Муаллифлар: Абдуллаев М., Абдуллаева М., Абдураззоқова Г. ва бошқ. -Т.: "Шарк", 1998. 290-292-б.

² Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Том.1. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, 1998. 11-б.

³ Маматов Х. Ҳуқуқий маданият, унинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни. -Т.: YURIST-MEKIA MARKAZI, 2008. 6-б.

⁴ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. 28-б.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 йил 7-сон. 110-бет.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 йил 9-сон. 23-25-бетлар.

⁷ // Халқ сўзи. 1998 йил 30 май.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 йил 9-сон, 23-бет.

⁹ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Том.1. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, 1998. 30-бет.

¹⁰ Маълумотлар республикада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилотидан олинди.

¹¹ Деҳқонов Ў. Давра суҳбати. // Ҳуқуқ. 2012, 12 апрель.

¹² Шу манба.

¹³ Ниёзова Н. Маънавият оиладан бошланади // Ҳуқуқ. 2012, 5 январь.

¹⁴ Шу манба.

¹⁵ Ниёзова Н. Уйнинг эркаги // Ҳуқуқ. 2012, 12 январь.

¹⁶ Ҳожибоева Г. Ҳарбий таълим маскани // Ҳуқуқ. 2012, 12 январь.

¹⁷ Ғозиев Н. Ватанга хизмат — олий саодат // Ҳуқуқ. 2012, 12 январь.

¹⁸ Ғозиев Н., Поёнов О. Ватанни севмоқ иймондандир // Ҳуқуқ. 2012, 2 февраль.

¹⁹ Ғозиев Н., Поёнов О. Ватанни севмоқ иймондандир // Ҳуқуқ. 2012 йил.

Илҳом МУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги
олий техник мактаби кафедра бошлиғи, ю.ф.н.
Рашид АБСАЛАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги
олий техник мактаби ўқитувчиси

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИДА МЕЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Инсоният тарихида у ёки бу тизимда қабул қилинган қонунларда биринчи навбатда иқтисодий манфатлар кўзланган бўлиб, маълум даражада мезонлар белгилаб берилгандир. Масалан, жиноятчиликка қарши кураш ва содир этилган жиноятлар учун жазолар белгилаш мақсадларидаги қонунларнинг қабул қилиниши, улар ижроси юзасидан назоратнинг олиб борилиши ҳуқуқий тамойилларга асосланган бўлиб, улар замирида моддий ва маънавий бойликларни муҳофаза этиш мазмуни сингдирилгандир. Давлат ва жамият мулкани асраш, кўпайтириш, ривожлантириш каби жараёнлар назарда тутилган ҳар бир қонун ўз навбатида иқтисодий ҳаёт учун ҳуқуқий мезондир. Ана шу ҳуқуқий мезондан ташқари фаолият юритиш эса сира мумкин эмас.

Қонунларга асосланиш, уларга таянган ҳолда иш кўриш жамият маънавиятини белгилайди. Маънавияти паст бўлган жамиятда эса иқтисодий ривожланиш бўлмайди ёки қонун қадр топмайди. Ҳуқуқий ва иқтисодий ўзаро боғлиқлик қонунлар амалиётида акс этади. Бу амалиётни эса давлат ва жамият таъминлаб боради.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнгра мамлакатимизда бошланган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар бошқарувнинг янги шаклини вужудга келтирди. Собиқ Иттифоқ даврида давлат мулки ҳисобланган, аслида ўзибўларчилик ва боқимандалик кайфиятларида бошқарилган, фойдаланилиб келинган ёки тасарруф этилган мулк 1991-2011 йиллар орасида хусусий шаклга кўчди. Яъни, бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган хусусий мулкчилик юзага келиб, муносабатлар биринчи навбатда ички ва сўнгра ташқи бозор талабларига кўра ўзгара борди. Узок йиллар ҳукм суриб келган ва ривожланишга тўсқинлик қилувчи боқимандалик, ўзибўларчилик муносабатлари ўрнини янги, тамомила талабчан иқтисодий, айтиш мумкин, эҳтиёжга қараб ўсиш, шаклланишга олиб келувчи муносабатлар эгаллади. Мустақиллик давригача амал қилиб келинган қонунлар ва қонуности меъёрий хужжатлар босқичма-босқич қайта ишланиб, даврга мос ва Ўзбекистон иқтисодиёти, маданияти, қадим қадриятларига хос равишда жорий

этила бошланди. Яратилган қонунларга кўра, республика ҳудудларида яшовчи Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлган ҳар бир киши миллати ва ирки, жинси ва диний эътиқоди қандай бўлишидан қатъи назар мулкка эгалик қилиш, олиш ёки сотиш, тасарруф қилиш каби ҳуқуқларга эга бўлди. Бундай ҳуқуқлар биринчи навбатда 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тўла қафолатлаб берилди.

Мулк муносабатларидаги бундай ўзгаришлар собиқ Иттифоқ даври Конституциясидагина эмас, бошқа барча қонунларнинг биронтасида ҳам белгилаб берилмаган. Чунки, у давр тузуми талаби ҳам, эҳтиёжи ҳам фақат битта тамойилга, яъни "давлатники" деган ақидага асосланган ва шу доирада иш кўрилган, холос. "Шахсийлик", "хусусийлик" тушунчаси бозор иқтисодиётининг муҳим жиҳати бўлганлиги боисдан ҳам мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунларда ана шу мазмун-моҳият ўз аксини топган.

Шахсий ёки хусусий мулкни ҳеч ким зўравонлик йўли билан тортиб олиши, эгалик қилиши ёки сотиб олиш, сотиб юбориш ҳуқуқига эга эмас. Мулк "олдиротди"лари фақат қонунларга асосланиб олиб борилади ёки амалга оширилади.

Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тўла мустақилликка эришгандан кейинги даврда мамлакатда иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар жараёни бошланди. Бу ислохотлар айниқса, 2001 йилдан жадал тус олди. Бунда иқтисодий тармоқларда бўлгани каби ҳуқуқий тизимлардаги ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин. Босқичма-босқич амалга оширилган ўзгаришларда бошқарувнинг янги шакли вужудга келди. Бошқа тармоқларда бўлгани каби Республика Ички ишлар идораларида ҳам сифат ўзгаришлари юз берди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2001 йил 27 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг

2001 йил 25 июндаги "Ўзбекистон Республикасида Ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб

этди.

Мазмунан бир-бирини тўлдирувчи ҳар иккала ҳужжат талабларидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идораларида, жумладан, Республика ёнғин хавфсизлиги тизимида қатор янгиланишлар амалга оширилди ва бу янгиланишлар халқ хўжалиги ҳамда аҳоли турар жойларини ёнғинлардан муҳофаза этишдаги фаолият мезонларини аниқлаб берди.

Қадим юнон файласуфи Сукрот "ҳар қандай давлат ва жамият қонунларга таяниб иш кўриши керак", - деган ақидани илгари сурганда ғоятда ҳақли эди. Чунки, давлат механизми қонунга асосланиб қурилади, жамият эса унга итоат этиши лозим. Қонуннинг туғилиши эса, бевосита ҳаёт талаби билан боғлиқдир. "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ҳам ана шу ҳаёт талабидир.

6 боб, 40 моддадан иборат бу қонуннинг қабул қилинишидан бош мақсад ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Яъни Республика халқ хўжалигининг барча маскан (бу масканлар йўналиши ва ҳажми, кўлами, вазифаси қандай бўлишидан қатъи назар)лари ва аҳоли турар жойларида ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, вазифаларини аниқ белгилаб бериш, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг юқори ва қуйи идоралари ваколатларини белгилаш, ёнғинларга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этилишида идора ва ташкилотлар, хўжалик ва муассасалар раҳбарлари, ишчи-хизматчиларининг бурч ҳамда вазифаларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Ушбу қонунга кўра, эндиликда ҳар бир ишловчи ўз иш жойида, ҳар бир фуқаро яшаш жойида ёнғинларни олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинларнинг бартараф этилишида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига ёрдам беришга мажбурдирлар. Қонуннинг 10-моддасида "Ташкилотлар: ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиши; ёнғиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларнинг қонуний талабларини бажариши; ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаши; ёнғинга қарши тарғибот ўтказиши ва ўз ходимларига ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини қўллашни ўргатиши..." шартлиги каби қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгилаб берилган. 11-моддада эса, худди шу тартиб ва мазмунда фуқароларнинг ёнғинлар олдини олиш, ёнғин содир бўлиб қолганда уни тезда бартараф этиш чораларини кўриши, ёнғин хавфсизлигини таъминлаши шартлиги баён этилган.

Эндиликда қонунда белгилаб берилганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлашда бевосита иштирок этадилар. 4-моддада "Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тизими ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва илмий-техник чора-тадбирлар, шунингдек кучлар ва воситалар мажмуидан иборат"

эканлиги белгиланган. 6-моддага мувофиқ, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳисобланади. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди, ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади...

"Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилиши республика иқтисодиёти, янги ишлаб чиқариш тармоқлари, масалан, газ ва нефт саноати, автомобилсозликнинг вужудга келиши, бунинг натижасида аҳолининг барча қатламлари яшаётган турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг янги техника ва технологиялар асосларида амалга ошириш тизимини марказлашган ҳолда бошқариш лозимлигини кўрсатди. Шунга кўра, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматига улкан ваколатлар берилди. Айни пайтда қонун унганча давр амал қилиб келинган ва эндиликда ўз аҳамиятини йўқотган, собиқ Иттифоқ давридан қолган ва бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларига жавоб бермайдиган бир қанча идоравий буйруқлар, кўрсатмаларнинг бекор қилинишига олиб келди. Бошқача қилиб айтганда, мустакиллик шарофати билан ўз ҳудудларида ўнлаб ривожланган хорижий сармоядорлар ҳамкорлигида бир қанча йирик саноат корхоналарини ташкил этилган ҳамда жаҳон бозорига маҳсулот экспорт қилиш салоҳиятига эришган бугунги Ўзбекистон учун эскирган буйруқлар ва кўрсатмалар ўрнига қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосларида жаҳон андозаларига мос ва хос ҳужжатлар ишлаб чиқилишига эришилди. Улар айнан халқ хўжалиги ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаб берувчи, қонун амалиётини таъминловчи ҳужжатлардир. Бу ҳужжатлар нималардан иборат ва уларда қандай вазифалар кўрсатилганлигини билиш соҳа ходимлари учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

"Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида "Ёнғинларни ўчириш одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ҳамда соғлигини сақлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни асраш ҳамда ёнғинларни бартараф этиш ҳаракатларидан иборатдир.

Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартибини Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати белгилайди..."-дейилган. Бу модданинг эътиборли жиҳатларидан бири собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон муҳитига мос келадиган ва талабларга жавоб бермаган бундай қонун ёки қонуности ҳужжатлари бўлмаганлиги боис унда ёнғинларни ўчириш билан боғлиқ вазифаларнинг аниқ белгилаб берилганлигидир. Ушбу моддага асосан республика ҳудудида ёнғинларни ўчиришни ташкил қилишни такомиллаштириш, керакли куч ва воситаларни тезда жамлаш ҳамда ёнғин

ўчиришнинг аниқ тартибини белгилашда ёнғин хавфсизлиги қисмларига ёрдам берувчи 2010 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёнғин ўчиришни ташкил қилиш ҳақида"ги 5-сонли буйруғи ишлаб чиқилди. Мазкур буйруқ учта иловадан иборат. 1-иловада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят билан боғлиқ бўлган катта ва ўзига хос ёнғинларни текширишда амалий ёрдам кўрсатиш учун тезкор-тергов гуруҳининг таркиби; 2-иловада ёнғинлар ва уларда инсонларни гуруҳли ҳалок бўлиши ҳамда тан жароҳати олиш ҳолатлари бўйича текширишларни ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома; 3-иловада Республика ҳудудида катта ва мураккаб ёнғинларни ўчиришда хизмат қилувчи таянч масканларнинг хизмат кўрсатиш ҳудуди белгиланган.

Қонуннинг 20-моддаси "Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш" деб номланган ва унда "Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотларни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади"-деб кўрсатилган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қонун қабул қилингунга қадар, умуман собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда содир бўлган ёнғинларни ҳисобга олиш масаласига эътибор берилмаган. Оқибатда ёнғинларнинг келиб чиқиш омиллари, сабаблари таҳлиллари оқибатсиз қолиб кетаверган. Қонунда ёнғинларни ҳисобга олиш, ахборот тўплаш ва алмашиш қатъий белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги "Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотларни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ижросини самарали таъминлаш мақсадларида Республика ИИВнинг 2010 йил 7 мартдаги 31-сонли буйруғи билан "Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби ҳақидаги Низом" тасдиқланди.

Қонуннинг 26- ва 28-моддалари талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2010 йил 30 июндаги буйруғи билан "Ўзбекистон Республикаси ёнғин хавфсизлиги хизмати фао-

лиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом" 81-сонли буйруқ билан тасдиқланди.

"Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Республика ИИВ томонидан яна бир қанча буйруқ ва кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиб келинмоқда. Жумладан, Қонуннинг 6-7- ва 10-моддалари, 16-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, Республика ИИВнинг 2010 йил 10 июлдаги "Ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари томонидан ёнғинларнинг ўчирилишини ташкил этиш тартиби Низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи ишлаб чиқилди. Мазкур Низом 15 бўлимдан иборат бўлиб, унда мамлакатимиздаги барча ёнғинга қарши кураш идора ва ташкилотларининг хизмат бурчлари ўз ифодасини топган.

Қонуннинг 30-моддаси талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 29 апрелдаги 59-сонли буйруғи билан Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати шахсий тартибини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари талаблари асосида "Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги хизматида меҳнатни муҳофаза қилиш ЙЎРИҚНОМАСИ" тасдиқланган.

Ислохотлар натижасида юзага келган ва эндиликда амалда жорий этилаётган қонун талабларининг бажарилиши йўлида қабул қилинган буйруқлар халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларини ёнғинлардан муҳофаза этиш, содир бўлган ёнғинларни самарали бартараф этилишида муҳим рол ўйнамоқда.

Ўтган йигирма йиллик жараён мамлакатимиз халқ хўжалиги, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг, маданият ва маърифатнинг ўзига хос юксалиш даври бўлди. Бунда, шубҳасиз, Республика ёнғин хавфсизлиги хизматининг улкан ҳиссаси бор. 2009 йилнинг 1 октябридан амалиётда қўлланилиб келинаётган "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ҳуқуқий ислохотлар даври меваси бўлиш билан бирга, унда белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши мақсадларида мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва раҳбарият томонидан тасдиқланган барча меъёрий ҳужжатларнинг ҳали узоқ йиллар халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам нормотворческой деятельности в данной сфере. Авторы подробно анализировали нормативные акты, касающиеся пожарной безопасности и состоящие в правоприменительной практике.

Шаркин САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий ҳарбий божхона институти кафедра бошлиғи

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ ФОРМИРОВАНИЯ ГОТОВНОСТИ СЛУШАТЕЛЕЙ ВЫСШЕГО ВОЕННОГО ТАМОЖЕННОГО ИНСТИТУТА К ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

В современном обществе стремительно развивается мир профессий, формируются профессиональные нормы, правила, требования по отношению к представителям какого-либо вида трудовой деятельности. Согласно этим требованиям, специалист должен обладать определенными знаниями, умениями, навыками, профессиональными качествами, соблюдать нормы отношений к различным составляющим профессиональной деятельности. Как отметил Президент нашей страны И.А. Каримов: "Современные управленческие кадры должны обладать не только высоким уровнем профессиональных знаний, но и быть широко эрудированными, компетентными людьми, инициативными, болеющими душой за порученный участок работы, творчески подходящими к решению проблем, а главное быть истинными патриотами своей Родины"¹

Подготовка профессиональных кадров происходит в сложной и многоаспектной социально-экономической обстановке, которая в значительной степени детерминирует содержание и направленность профессиональных интересов и потребностей слушателей высших образовательных учреждений, в том числе и в системе ГТК Республики Узбекистан. Проблема подготовки квалифицированных кадров для служб таможенных органов в последнее время является достаточно актуальной, что отражается и в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 10 августа 2011 года №ПП-1595 "О дополнительных мерах по совершенствованию и повышению эффективности деятельности государственного таможенного комитета"².

В исследованиях последних лет все больше внимания в содержании понятия профессиональной готовности уделяется сформированности качеств личности, связанных с конкретной профессией. Российский ученый А.К.Маркова подчеркивает, что профессию можно рассматривать как с точки зрения общества, так и с точки зрения личности. С точки зрения общества, профессия — это система профессиональ-

ных задач, форм и видов профессиональной деятельности, профессиональных особенностей личности, могущих обеспечить удовлетворение потребностей общества в достижении нужного ему значимого результата, продукта.

С точки зрения конкретного человека, профессия — это деятельность, посредством которой данное лицо участвует в жизни общества и которая служит ему главным источником материальных средств к существованию.

Для конкретного человека профессия — это социально фиксированная обществом область его возможных трудовых действий, для которых человек должен обладать суммой знаний и навыков, иметь соответствующие способности, профессионально значимые качества личности.

Накоплен определенный фонд знаний по проблеме формирования готовности к профессиональной деятельности.³

Под понятием "готовность" понимается обладание определенными знаниями, умениями, навыками, сложное свойство личности, структурируемое следующим компонентами: содержательно-процессуальными, нравственными, мотивационно-целевыми, ориентированно-профессиональными; форма установки, ее внешнее проявление, тенденция перспективного действия, его направленность, характеристика последствия пригодность к конкретной деятельности, обусловленная соответствующими способностями, необходимыми в данном случае, и общими психологическими условиями.⁴

Вопросы профессиональной готовности и компетентности специалиста привлекают внимание не только ученых Узбекистана и России, но и других зарубежных ученых. Так, американская профессиология в структуре готовности специалиста все больше внимания уделяет личностным качествам работника: дисциплинированности, самостоятельности, коммуникабельности, стремлению к профессионально-творческому саморазвитию и самообразованию. Здесь про-

исходит своеобразное смещение акцентов с квалификации и профессиональной обязанности работника на социальную ценность его личностных качеств⁵. Французские ученые в своих трудах демонстрируют замену знаниевого обучения на практико-ориентированное, показывая значимую тенденцию личностно-профессионального развития и активизацию саморазвития слушателей (студентов), уводя от традиционной ориентации на знания, умения и навыки в подготовке специалиста к формированию минимальных профессионально-важных компетенций.

На сегодняшний день в научной литературе представлены более тридцати аспектов профессиональной компетентности специалиста, работающего в системе "человек-человек". Выделяют аутопсихологическую компетентность, коммуникативную компетентность, психологическую компетентность, методическую компетентность, профессиональную компетентность, перцептивную компетентность, рефлексивную компетентность, социальную компетентность, социально-педагогическую компетентность, социокультурную компетентность, специальную компетентность, стратегическую компетентность, управленческую компетентность, функциональную компетентность, экстремальную компетентность. Таким образом, очевидна связь профессиональных компетентностей с областями профессионального функционирования людей; с возможностями и способностями специалиста не только как профессионала, но и как личности.

Становится ясно, что понятие "профессиональная готовность" базируется на понятии "готовность к деятельности, "обозначает личностное качество, либо совокупность качеств, обуславливающих решение конкретных задач в жизни и деятельности личности"⁶ Например, В.Д. Шадриков в своем исследовании видит сущность готовности к профессиональной деятельности в единстве и взаимосвязи четырех уровней готовности: физиологической готовности (соответствие состояния здоровья избранной профессии); психологической готовности (проявляется в ярко выраженной направленности на избранный вид профессиональной деятельности, в установке на работу в конкретном типе учреждений, в потребности в самообразовании); научно-теоретической готовности (овладение необходимым объемом профессиональных и социальных знаний); практической готовности (наличие соответствующих предпосылок для овладения профессиональными умениями навыками на требуемом уровне)⁷

Готовность к деятельности есть такое особое психическое состояние, которое определяет наличие у субъекта образа структуры определенного действия и постоянной направленности сознания на его выполнение. Она включает в себя различного рода установки на осознание профессиональной задачи, модели вероятного поведения, определения способов профессиональной деятельности, оценку своих возможностей в их соотношении с предстоящими трудностями и необходимостью достижения опреде-

ленного результата.

Известный советский психолог К.К. Платонов отмечал, что профессиональная готовность специалиста — это субъективное состояние личности, считающей себя способной и подготовленной к выполнению соответствующей профессиональной деятельности и стремящейся ее выполнять⁸.

Понимая профессиональную готовность как активное состояние личности, основанное на комплексе освоенных профессиональных знаний и умений, А.К.Маркова отмечает, что эти знания и умения позволяют эффективно заниматься трудовой деятельностью.

Кроме того, некоторые исследователи⁹ рассматривают профессиональную готовность в контексте профессиональной культуры личности. Например, в исследованиях Коржуева А.В., Попкова В.А. представлен культурологический подход к профессиональной готовности. Исследователи считают профессиональную готовность концентрированным показателем деятельностной сущности личности, мерой ее профессиональной зрелости, начальным уровнем профессиональной культуры. Профессиональная культура определяется как стиль мышления и поведения человека в профессиональной деятельности, который детерминируется общим развитием личности. В понятие "профессиональная культура" включаются уровень интеллекта, мировоззрение, знания, умения, навыки, способы и формы профессионального общения, поведения специалиста.¹⁰ Таким образом, профессиональная готовность — это своеобразный показатель общей культуры личности, заключающейся в позитивной социальной ориентации человека, в значительной степени определяющей его профессиональное самочувствие, нравственный облик, уровень мастерства, его профессиональную компетентность и надежность.

Адлия вазирлиги томонидан давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш натижаси шуни кўрсатадики, 2011 йил давомида давлат идоралари томонидан жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратилган 166 мингдан ортиқ тадбир ўтказилган бўлиб, уларда 2,6 миллиондан зиёд фуқаро иштирок этган. Мазкур тадбирларнинг 150 мингдан ортиқ жойларда, шундан 21 мингга яқини эса, оммавий ахборот воситалари иштирокида ташкил этилган. Босма нашрлар орқали ҳуқуқий тарғибот масалаларига ҳам алоҳида эътибор

қаратилиб, ушбу даврда 16 мингдан ортиқ дарслик, ўқув-услубий қўлланма ва бошқа материаллар чоп этилган.

Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида адлия органлари томонидан 2011 йилда 40 мингга яқин ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилган. Шундан, 30 мингга яқин тадбирлар жойларда, 8 мингдан ортиғи эса оммавий ахборот воситаларида ёритилган. Уларда қарийб 1,5 миллион нафарга яқин фуқаро иштирок этган. Шу билан бирга, Интернет тармоғидаги "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси" (Lex.UZ) орқали ҳам вазирлик томонидан ҳуқуқий тарғибот ишлари мунтазам равишда амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу база бугунги кунда ўзбек ва рус тилидаги 23 мингдан ортиқ норматив ҳужжатни жамлаган бўлиб, 2011 йилда унга 14 минг нафар фойдаланувчи уланган (рўйхатдан ўтган) ва ундан кун мобайнида ўртача 800-1000 нафар юридик ва жисмоний шахслар ўзларининг ҳуқуқий маданиятларини юксалтиришда фойдаланмоқдалар⁴.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўз навбатида, 2008 йилдан бошлаб Ички ишлар вазири томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ўқитиш" Дастури амалиётга жорий этилган. Шу билан бирга, Ички ишлар вазирлиги томонидан ва унинг ҳамкор ташкилотлари кўмағида турли китоблар, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар чоп эттирилмоқда. Бундан ташқари, республикамиздаги 250 дан ортиқ ички ишлар идораларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясига бағишланган адабиётлардан иборат кутубхона ёки адабиётлар бурчаклари ташкил этилган. ИИВ ЖИЭББ тизимидаги муассасалар кутубхоналарида ҳам 150 мингдан ортиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва адабий китоблар жамлашиб, мамлакатда ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшиб келмоқда⁵.

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш шароитларида фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Бу ҳамкорликдан айнан ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Чунки, давлат органларининг мутасаддилари инсон ҳуқуқларига оид нормаларнинг мазмун-моҳиятини яхши билса, уни

халққа тушунтиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари катта имкониятга эга.

Инсон ҳуқуқларига оид маданиятни шакллантиришда ҳуқуқий тарғибот ишларининг ўрни ва аҳамияти муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, бу йўналишдаги амалий ишларни янги босқичга кўтариш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

1. Ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари маданиятига алоҳида эътибор қаратиш ва унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш боришнинг тизимли механизмини жорий этиш зарур.

2. Аҳоли онгида инсон ҳуқуқлари ҳақидаги тасавурларни кенгайтириш, инсон ҳуқуқларига оид саводхонликни янада юксалтириш учун инсон ҳуқуқлари маданияти мавзусига оид тарқатма материаллар, қўлланмалар тайёрлаш ва кенг жамоатчиликка тақдим этиш муҳим аҳамиятга эга.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги-

да инсон ҳуқуқлари маданияти бўйича амалга оширилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириб бориш, мазкур вазирлик ҳузуридаги ҳуқуқий тарғибот гуруҳига инсон ҳуқуқлари маданияти бўйича мутахассис ва олимларни жалб этиш лозим.

4. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан инсон ҳуқуқлари маданиятини тарғиб қилиш йўналишидаги амалий ишларни янги босқичга кўтариш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқлари маданияти бўйича ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш фуқароларнинг инсон ҳуқуқларига оид билимларини юксалтиришга, давлат ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқларининг таъминланишига, жамиятдаги олий мавжудот ҳисобланган инсоннинг кадр-қиммати янада ортишига, мамлакатимизда ижтимоий адолатнинг қарор топишига ҳамда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилади.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам актуальности и роли пропаганды прав человека в формировании современной правовой культуры. Освящены вопросы формирования культуры прав человека и пути совершенствования механизмов правовой пропаганды.

¹ Қаранг: "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси" 2001 йил, 9-10-сон, 168-модда.

² Прокуратура органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш борасида 2011 йилдаги фаолияти юзасидан ахбороти материалларидан фойдаланилган.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1602-сонли Қарорига илова.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисидаги маърузаси материалларидан фойдаланилган.

⁵ Қаранг: <http://www.mvd.uz/content/579>

СУД АМАЛИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми
ҚАРОРИ
25.05.12й. №06

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишда суд амалиётида айрим масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларга тушунтирилсинки, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик давлатлар томонидан мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ифодаланади.

Давлатлараро муносабатларда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш деганда, бир давлатнинг ваколатли органи томонидан бошқа (хорижий) давлатнинг шундай органи топшириғи бўйича айрим процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа ҳаракатларни бажарилиши тушунилади.

2. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик суд, прокурор, терговчи ва суриштирув органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги халқаро шартномаларига асосан амалга оширилади.

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ халқаро шартномалар шартнома, келишув, конвенция, протокол, меморандум, декларация ва ҳ.к. шаклларда тузилиши мумкин.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги нормалар нафақат мазкур масалага доир махсус халқаро шартномаларда, балки бошқа икки томонлама ёки кўп томонлама халқаро шартномалар таркибида ҳам (масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги 1999 йил 9 декабрдаги, трансмиллий ташкилий жиноятчиликка қарши

2000 йил 15 ноябрдаги, коррупцияга қарши 2003 йил 31 октябрдаги конвенциялари ва бошқаларда) мавжуд бўлиши мумкин. Бунда ҳуқуқий ёрдам тўғрисида сўров юбориш ва ижро этишнинг зарур шарти шундан иборатки, ҳамкорликка киришган давлатлардан ҳар бири кўп томонлама шартнома иштирокчиси бўлиши керак.

3. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари, шунингдек, процессуал қонунчилик нормаларига, жумладан, ФПК 3,12, 390-моддалари, ЖПК 3, 4, 592-609-моддаларига амал қилиниши лозим.

Халқаро шартномани қўллаш масаласини ҳал этишда, қонунга кўра, ("Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддаси) халқаро шартнома шартноманинг ўзида назарда тутилган ёки ахдлашувчи томонлар ўртасида келишилган тартибда ва муддатларда кучга киришига доир қоидадан келиб чиқиш керак.

4. Шунинг назарда тутиш лозимки, ФПК 390-моддаси, ЖПК 592-моддаси мазмунига кўра, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ҳуқуқий ёрдам ўзаролик принципига асосан ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ўзаролик принципи, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг бирор-бир хорижий давлат билан ҳуқуқий ёрдам тўғрисида халқаро шартномаси мавжуд бўлмаган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Бунга эҳтиёж бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи (Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати) хорижий давлат ваколатли органига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўров киритади ва унда ўзига хорижий давлат ваколатли органининг топшириғи бўйича зарур процессуал ҳаракатларни бажариш юзасидан мажбурият олганлигини ёзма равишда тасдиқ-

лайди.

5. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ҳуқуқий ёрдам, шу жумладан, қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

материаллар ҳамда банк, молиявий, юридик ва бошқа ҳужжатлар асли ва тасдиқланган нусхаларини тузиш, жўнатиш, тақдим этиш, топшириш;

тинтув ўтказиш, предметлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш, мол-мулкни аниқлаш ва хатлаш, шахснинг даромадини аниқлаш, ашёвий далилларни жўнатиш ва бериш;

кўздан кечириш, гувоҳлантириш;

экспертиза ўтказиш;

даъвогар, жавобгар, учинчи шахслар (уларнинг вакилларини), жабрланувчилар, айбланувчилар (судланувчилар), гувоҳлар, экспертларни сўроқ қилиш;

бедарак йўқолган шахсларни қидириш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланаётган шахсларни қидириш ва ушлаб бериш;

жиноят ишини қўзғатиш;

суд ҳужжатларини, шу жумладан, ҳукм нусхалари ёки суд қарорлари, судланганлик тўғрисида маълумотномалар (зарурат бўлганда тегишли қонунчилик нормалари матни илова қилинган ҳолда) тақдим этиш;

фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларини, жиноят ишлари бўйича ҳукмларнинг фуқаровий даъвога оид қисмини тан олиш ва ижро этиш.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ўзаролик принципага асосан қонунчиликка зид бўлмаган бошқа кўринишдаги ҳуқуқий ёрдам ҳам кўрсатилиши мумкин.

6. Хорижий давлат ҳудудида айрим процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа ҳаракатларни бажариш зарурати туғилганда, юритувида фуқаролик ёки жиноят иши бўлган тегишли суд, прокурор, терговчи ёки суриштирув органи хорижий давлатнинг ваколатли органига тегишлилиги бўйича қуйидагилар орқали сўров киритади:

умумий юрисдикция судлари томонидан кўрилаётган ишларни юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича, шу жумладан, суд томонидан ЖПК 399-моддаси тартибида эълон қилинган қидирув натижасида турган жойи аниқланган шахсни ушлаб туриш ва бериш масалалари бўйича-Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали;

суднинг қарори ёки прокурорнинг розилиги (санкцияси) талаб қилинмайдиган процессуал

ҳаракатлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати орқали;

қолган ҳолларда — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси орқали.

7. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда (ЖПК 593-моддаси) хорижий давлат ҳудудида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров мазмуни ва шаклига нисбатан муайян талаблар белгиланган. Бундай сўров, жумладан, қуйидагиларни ўзида акс эттириши керак:

1) сўров юбораётган органнинг номи;

2) сўров юборилаётган органнинг номи ва жойлашган жойи;

3) жиноят ишининг номланиши ва сўровнинг хусусияти;

4) ўзига нисбатан сўров юборилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, унинг туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, машғулот тури, яшаш жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар, унинг процессуал мақоми (шу жумладан, судланганлиги тўғрисида маълумот), юридик шахс учун эса, унинг номи, юридик манзили ва жойлашган жойи;

5) аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар баёни, шунингдек, сўралаётган ҳужжатлар, ашёвий ва бошқа далиллар рўйхати;

6) содир этилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, унинг тавсифи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қилмиш жиноят деб эътироф этилишига асос бўладиган тегишли моддаси матни;

7) агар жиноят натижасида зарар етказилган бўлса, унинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Халқаро шартномаларга мувофиқ, процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровда уни ижро этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар сўровни юбораётган органнинг гербли муҳри билан тасдиқланади ҳамда улар юборилаётган хорижий давлатнинг расмий тилига ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бошқа тилга таржима қилинади.

8. Хорижий давлат ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисида ўзаролик принципага асосан сўров юборишнинг ўзига хос хусусияти ЖПК 599-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган. Бундай сўров фақат қуйидаги ҳолларда юборилиши мумкин бўлиб, шахс:

жинойй жавобгарликка тортиш учун ушлаб берилган тақдирда - агар сўров юборилишига сабаб бўлган қилмиш ҳар иккала давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмиш бўлса ва уни содир этганлик учун бир йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ёки ундан оғирроқ жазо назарда тутилган бўлса;

ҳукми ижро этиш учун ушлаб берилган тақдирда - агар шахс олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ёки ундан оғирроқ жазога ҳукм қилинган бўлса.

9. Қидирувда бўлган шахс хорижий давлат ҳудудида аниқланганда, уни ушлаб туриш, қамоққа олиш, ушлаб бериш ва кўчириб келиш зарурияти тўғрисидаги масала қидирув эълон қилган суд томонидан ажрим чиқариш ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш йўли билан ҳал этилади.

Қидирувда бўлган шахсни ушлаб туриш, қамоққа олиш, ушлаб бериш ва кўчириб келиш зарурияти тўғрисидаги масалани ҳал этишда, суд мазкур шахсга нисбатан жиноят ишини ЖПК 84-моддасига мувофиқ, тугатиш учун асослар бор-йўқлигини текшириши лозим. Агар иш бўйича мазкур моддада назарда тутилган асослардан бирортаси мавжудлиги аниқланса, суд жиноят ишини тугатишга нисбатан шахснинг розилигини олиш тўғрисида хорижий давлатнинг ваколатли органига сўров юбориш билан чегараланиши мумкин.

10. Халқаро ҳуқуқ нормалари ва ЖПК 600-моддасига мувофиқ, хорижий давлат томонидан Ўзбекистон Республикасига ушлаб берилган шахс фақат ушлаб берилгунига қадар ўзи содир этган ва фақат бунга уни ушлаб берган давлат розилиги олинган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши мумкин.

Шу сабабли хорижий давлат ваколатли органининг розилиги бўлмаганда, агар иш бўйича айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов ҳулосасида назарда тутилганидан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш учун асослар аниқланса, суд ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтаради.

Агар ишни кўриш пайтида судланувчига нисбатан ЖК 59-моддасининг саккизинчи қисми ёки 60-моддаси қоидаларига мувофиқ жазо тайинлаш учун асослар аниқланса ва бунга хорижий давлат ваколатли органининг розилиги олинмаган бўлса, суд ЖПК 418, 481-моддалари тартибда ишнинг муҳокамасини кейинга қолдиради

ва материалларни мазкур масалани ҳал этиш учун прокурорга юборади.

Айни пайтда шуни назарда тутиш лозимки, судланувчининг ҳаракатларини Жиноят кодексининг енгилроқ жазони назарда тутувчи моддасига (моддаси қисмига) қайта квалификация қилиш учун, агар халқаро шартномада бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, хорижий давлат ваколатли органининг розилиги талаб этилмайди.

11. Агар ҳукми ижро этиш босқичида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан шахсни фақат у судланган айрим жиноят эпизодлари ёки Жиноят кодексининг айрим моддалари бўйича ушлаб беришга розилик берилган бўлса, суд қарорлари уларга тегишли суд инстанцияси томонидан ЖПК 600-моддаси талабларидан келиб чиқадиган ўзгаришлар киритилгандан сўнгра ижро этилиши лозим.

12. Тушунтирилсинки, ЖК 34-моддасининг бешинчи қисмига кўра, хорижий давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлик ҳолати шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда ҳисобга олиниши мумкин. Бошқа барча ҳолларда хорижий давлат судининг ҳукми бўйича судланганлик ҳолатини суд фақат агар бу Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида назарда тутилган бўлсагина тан олиши мумкин.

13. Процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида хорижий давлатнинг тегишли ваколатли органидан келиб тушган сўровни бажариш шартлари ва тартиби, бундай сўровни ижро этмасдан қайтариб юбориш асослари ва тартиби ЖПК 595-моддасида назарда тутилган.

Жумладан, хорижий давлат ҳудудида жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикасига қайтиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида хорижий давлат ваколатли органининг сўрови, ба-шарти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида бундай қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи норма мавжуд бўлмаса, ижро этилиши мумкин эмас.

Судлар айни пайтда шуни инобатга олишлари лозимки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мажбурлов чоралари (масалан, олиб қўйиш, тинтув, мол-мулкни хатлаш, ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва бошқалар) билан боғлиқ бўлмаган процессуал ҳаракатларни сўров киритилаётган қилмиш ҳар иккала давлат томонидан жиноят деб тан олинмаган тақдирда ҳам ижро этиш назарда тутилиши мумкин.

14. Қонунда (ЖПК 602-моддаси) Ўзбекистон

Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан шикоят бериш ва уни суд томонидан кўришнинг алоҳида тартиби белгиланган. Бунда, агар шикоятни беришдан келиб чиқадиган процессуал муносабатлар мазкур норма билан тартибга солинмаган бўлса, суд ЖПК 55-1 бобида назарда тутилган тегишли нормаларга амал қилиши лозим.

Бундай шикоятни кўриш натижалари бўйича чиқарилган суд ажрими устидан апелляция шикояти (протести) ЖПК 13-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан уч нафар судъядан иборат тартибда кўрилиши лозим.

15. Тушунтирилсинки, Фуқаролик процессуал кодексида судларнинг хорижий давлат ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигини батафсил тартибга солувчи нормалар мавжуд эмаслиги туфайли, судлар ҳуқуқ аналогиясига кўра, Жиноят-процессуал кодексининг 64-бобида белгиланган тартибга, агар бу фуқаролик процессуал қонунчилиги принципларига хилоф бўлмаса, амал қилишлари лозим.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими муста-

қиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказига қуйидагилар тавсия этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда мунтазам ва ўз вақтида судьяларни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари рўйхати, матни ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа ҳужжатлари билан таъминлаш;

халқаро ҳуқуқ манбаларини мунтазам таҳлил этиш ва зарур амалий қўлланмалар, шарҳлар ҳамда бошқа методик адабиётлар чоп этиш.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш марказига судьялар ва суд аппарати ходимлари учун ўқув жараёнини ташкил этишда, судлар фаолиятида халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини қўллашга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилсин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва унга тенглаштирилган судлар вақти-вақти билан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликка оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётини умумлаштириб борсинлар ва йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф этсинлар.



Олий суд раиси

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Б.Мустафоев

А.Усманов

О некоторых вопросах международного сотрудничества в сфере гражданского и уголовного судопроизводства

В связи с некоторыми вопросами, возникающими в судебной практике при осуществлении международного сотрудничества в сфере гражданского и уголовного судопроизводства, руководствуясь статьей 17 Закона "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. Разъяснить судам, что международное сотрудничество в сфере гражданского и уголовного судопроизводства выражается в оказании государствами правовой помощи по делам данной категории.

Под правовой помощью по гражданским и уголовным делам в межгосударственных отношениях понимается выполнение компетентными органами одного государства по поручению таких же органов другого (иностранного) государства отдельных процессуальных, оперативно-розыскных и иных действий.

2. Международное сотрудничество в сфере гражданского и уголовного судопроизводства осуществляется судом, прокурором, следователем и органом дознания на основании международных договоров Республики Узбекистан.

В соответствии с Законом "О международных договорах Республики Узбекистан" международные договоры могут заключаться в форме договора, соглашения, конвенции, протокола, меморандума, декларации и т.п.

Нормы, касающиеся оказания правовой помощи, могут содержаться не только в двусторонних или многосторонних специальных международных договорах по данному вопросу, но и в иных многосторонних международных договорах в сфере борьбы с отдельными видами преступлений (например, конвенциях Организации Объединенных Наций о борьбе с финансированием терроризма от 9 декабря 1999 года, против транснациональной организованной преступности от 15 ноября 2000 года, против коррупции от 31 октября 2003 года и т.д.). При этом обязательным условием направления и исполнения запроса о правовой помощи является то, что каж-

дое из государств, вступающих в сотрудничество, должно быть участником многостороннего договора.

3. При осуществлении международного сотрудничества в сфере гражданского и уголовного судопроизводства необходимо руководствоваться вступившими в силу международными договорами Республики Узбекистан, а также нормами процессуального законодательства, в частности статьями 3, 12, 390 ГПК, статьями 3, 4, 592 — 609 УПК.

При решении вопроса о применении международного договора необходимо исходить из того правила, что по закону (статья 23 Закона "О международных договорах Республики Узбекистан") международный договор вступает в силу в порядке и в сроки, предусмотренные в самом договоре или согласованные между договаривающимися сторонами.

4. Следует иметь в виду, что по смыслу статьи 390 ГПК, статьи 592 УПК оказание правовой помощи в сфере гражданского и уголовного судопроизводства возможно и на основе принципа взаимности.

Принцип взаимности может быть применен, в частности, при отсутствии международного договора Республики Узбекистан о правовой помощи с каким-либо иностранным государством. В случае необходимости в этом компетентный орган Республики Узбекистан (Верховный суд, Генеральная прокуратура, Министерство внутренних дел, Служба национальной безопасности) вносит запрос компетентному органу иностранного государства об оказании правовой помощи, в котором письменно подтверждает взятие на себя обязательства по производству необходимых процессуальных действий по поручению компетентного органа иностранного государства.

5. Согласно международным договорам Республики Узбекистан правовая помощь в сфере гражданского и уголовного судопроизводства осуществляется, в том числе в виде:

составления, пересылки, предоставления, вру-

чения оригиналов или заверенных копий банковских, финансовых, юридических и иных документов и материалов;

проведения обыска, выемки предметов и документов, выявления и наложения ареста на имущество, установления доходов лица, пересылки и выдачи вещественных доказательств;

проведения осмотра, освидетельствования; производства экспертизы;

допроса истца, ответчика, третьих лиц (их представителей), потерпевших, обвиняемых (подсудимых), свидетелей, экспертов;

розыска пропавших без вести лиц, а также розыска и выдачи лиц, обвиняемых в совершении правонарушений;

возбуждения уголовного дела;

предоставления судебных документов, в том числе копий приговоров или судебных решений, справок о судимости (при необходимости с приложением текстов соответствующих норм законодательства);

признания и исполнения судебных решений по гражданским делам, приговоров по уголовным делам в части гражданского иска.

В сфере гражданского и уголовного судопроизводства на основе принципа взаимности может быть оказана правовая помощь и иного вида, не противоречащая законодательству.

6. Разъяснить, что при необходимости производства каких-либо процессуальных, оперативно-розыскных и иных действий на территории иностранного государства соответствующий суд, прокурор, следователь или орган дознания, в чьем производстве находится гражданское или уголовное дело, вносит компетентному органу иностранного государства запрос соответственно через:

Верховный суд Республики Узбекистан — по вопросам, связанным с производством по делам, рассматриваемым судами общей юрисдикции, в том числе по вопросам задержания и выдачи лица, местонахождение которого установлено по результатам розыска, объявленного судом в порядке статьи 399 УПК;

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан, Службу национальной безопасности Республики Узбекистан — в отношении процессуальных действий, не требующих судебного решения или согласия (санкции) прокурора;

Генеральную прокуратуру Республики Узбекистан — в остальных случаях.

7. Обратить внимание судов, что законом (статья 593 УПК) установлены определенные требо-

вания к содержанию и форме запроса о производстве процессуальных действий по уголовному делу на территории иностранного государства. Такой запрос, в частности, должен содержать:

1) наименование органа, направляющего запрос;

2) наименование и местонахождение органа, в который направляется запрос;

3) наименование уголовного дела и характер запроса;

4) данные о лице, в отношении которого направляется запрос, включая данные о дате и месте его рождения, гражданстве, роде занятий, месте жительства или месте пребывания, его процессуальный статус (в том числе сведения о судимости), а для юридического лица — его наименование, юридический адрес и местонахождение;

5) изложение подлежащих выяснению обстоятельств, а также перечень запрашиваемых документов, вещественных и других доказательств;

6) сведения о фактических обстоятельствах совершенного преступления, его квалификацию, текст соответствующей статьи Уголовного кодекса Республики Узбекистан, на основании которой деяние признается преступлением;

7) сведения о размере ущерба, если он был причинен в результате преступления.

В соответствии с международными договорами запрос о производстве процессуальных действий может содержать и иные сведения, необходимые для его исполнения.

Запрос о производстве процессуальных действий и прилагаемые к нему документы удостоверяются гербовой печатью органа, направляющего запрос, и переводятся на официальный язык того иностранного государства, в которое они направляются, или на другой язык, предусмотренный международным договором Республики Узбекистан.

8. Особенности направления запроса о выдаче лица, находящегося на территории иностранного государства, на основе принципа взаимности предусмотрены в частях первой и второй статьи 599 УПК. Направление такого запроса возможно лишь в случаях выдачи лица:

для привлечения к уголовной ответственности — если в соответствии с законодательством обоих государств деяние, в связи с которым направлен запрос, является уголовно наказуемым и за его совершение предусматривается наказание в виде лишения свободы на срок не ме-

нее одного года или более тяжкое наказание; для исполнения приговора — если лицо осуждено к наказанию в виде лишения свободы на срок не менее шести месяцев или к более тяжкому наказанию.

9. В случае установления разыскиваемого лица на территории иностранного государства, вопрос о необходимости его задержания, заключения под стражу, выдачи и этапирования решается судом, объявившим розыск, путем вынесения определения и оформления соответствующих документов.

При решении вопроса о необходимости задержания, заключения под стражу, выдачи и этапирования разыскиваемого лица суд должен выяснять, не имеются ли основания для прекращения уголовного дела в отношении данного лица в соответствии со статьей 84 УПК. Если по делу будет установлено наличие какого-либо из предусмотренных в данной статье оснований, суд может ограничиться направлением запроса компетентному органу иностранного государства о получении согласия лица на прекращение уголовного дела.

10. В соответствии с нормами международного права и статьей 600 УПК лицо, выданное Республике Узбекистан иностранным государством, может быть привлечено к уголовной ответственности, подвергнуто наказанию лишь за те преступления, которые были совершены им до выдачи и лишь при наличии на это соответствующего согласия государства, его выдавшего.

В связи с этим, при отсутствии согласия компетентного органа иностранного государства, суд возвращает дело для производства дополнительного расследования, если по делу будут установлены основания для предъявления обвиняемому другого обвинения, связанного с ранее предъявленным, либо для изменения обвинения на более тяжкое или существенно отличающееся по фактическим обстоятельствам от обвинения, предусмотренного обвинительным заключением.

Если при рассмотрении дела будут установлены основания для назначения в отношении подсудимого наказания по правилам части восьмой статьи 59 или статьи 60 УК и на это не получено согласие компетентного органа иностранного государства, суд в порядке статей 418, 481 УПК откладывает разбирательство дела и направляет материалы прокурору для решения данного вопроса.

Вместе с тем, следует иметь в виду, что для переквалификации действий подсудимого на статью (часть статьи) УК, предусматривающей менее строгое наказание, согласие компетентного органа иностранного государства не требуется, если иное не предусмотрено международным договором.

11. Если на стадии исполнения приговора компетентным органом иностранного государства дано согласие на выдачу лица лишь в части его осуждения за отдельные эпизоды преступления или по отдельным статьям Уголовного кодекса, судебные постановления подлежат исполнению после внесения в них соответствующей судебной инстанцией изменений, вытекающих из требований статьи 600 УПК.

12. Разъяснить, что согласно части пятой статьи 34 УК судимость по приговорам судов иностранных государств может учитываться при рассмотрении вопроса о признании лица особо опасным рецидивистом. Во всех других случаях суд может признать судимость лица по приговору суда иностранного государства, если это предусмотрено международным договором Республики Узбекистан.

13. Условия и порядок исполнения запроса о производстве процессуальных действий, поступивший от соответствующего компетентного органа иностранного государства, основания и порядок возвращения такого запроса без исполнения предусмотрены в статье 595 УПК.

В частности, запрос компетентного органа иностранного государства о привлечении к уголовной ответственности гражданина Республики Узбекистан, совершившего преступление на территории иностранного государства и возвратившегося в Республику Узбекистан, не может быть исполнен, если Уголовный кодекс Республики Узбекистан не содержит норму, устанавливающую ответственность за такое деяние.

Судам в то же время следует иметь в виду, что международным договором Республики Узбекистан может быть предусмотрено исполнение запроса о производстве процессуальных действий, не связанных с принудительными мерами (например, с выемкой, обыском, арестом имущества, задержанием, содержанием под стражей и др.), и при отсутствии признания обоими государствами деяния, в связи с которым внесен запрос, преступлением.

14. Законом (статья 602 УПК) установлен особый порядок подачи и рассмотрения судом жалобы на решение Генерального прокурора Респуб-

лики Узбекистан или его заместителя о выдаче лица, находящегося на территории Республики Узбекистан. При этом, если процессуальные отношения, возникающие в связи с подачей жалобы, не урегулированы в данной норме, суду необходимо руководствоваться соответствующими нормами, предусмотренными главой 55-1 УПК.

Апелляционная жалоба (протест) на определение суда, вынесенное по результатам рассмотрения такой жалобы, в соответствии с частью четвертой статьи 13 УПК подлежит рассмотрению Верховным судом Республики Узбекистан в составе трех судей.

15. Разъяснить, что, поскольку в Гражданском процессуальном кодексе отсутствуют нормы, подробно регламентирующие взаимодействие судов с компетентными органами иностранных государств по гражданскому делу, судам по аналогии права необходимо руководствоваться порядком, установленным главой 64 Уголовно-процессуального кодекса, если это не противоречит принципам гражданского процессуального законодательства.

16. Рекомендовать Исследовательскому центру по демократизации и либерализации судебного законодательства и обеспечению независимости судебной системы при Верховном Суде Республики Узбекистан:

в координации с Министерством иностранных дел Республики Узбекистан регулярно и своевременно обеспечивать судей перечнем, текстами международных договоров Республики Узбекистан и иными актами международного права;

регулярно анализировать источники международного права и издавать необходимые для судов практические пособия, комментарии и другую методическую литературу.

17. Рекомендовать Центру повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан при организации учебного процесса для судей и работников аппаратов судов обращать особое внимание на применение норм международных договоров Республики Узбекистан, регламентирующих вопросы международного сотрудничества в судебной деятельности.

18. Верховным судам Республики Каракалпакстан по гражданским и уголовным делам, областным и приравненным к ним судам по гражданским и уголовным делам периодически обобщать судебную практику по применению законодательства о международном сотрудничестве в сфере гражданского и уголовного судопроизводства, своевременно устранять допущенные нарушения закона.

**Председатель
Верховного суда**

**Секретарь Пленума,
судья Верховного суда**

Б.Мустафаев

А.Усманов

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан "Фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғуси янада ортишини таъминлашда ҳуқуқий билимлар тарғиботининг ўрни" мавзусида илмий-амалий конференция материаллари тўплами нашр этилди (Олий ўқув курслари бошлиғи ю.ф.д Т.А. Умаровнинг умумий таҳрири остида, тузувчилар ю.ф.д. проф. Б.Х. Пўлатов, ўқитувчи Ш.К. Матчанов).

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари то-

монидан 2012 йилнинг 8-май куни Тошкент шаҳар прокуратурасининг Ўқув марказида ўтказилган "Ҳуқуқий билимлар тарғиботида қонунга итоаткорлик туйғусининг ўрни ва уни янада мустаҳкамлаш масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари ва мавзуга оид мақолаларни ўз ичига олган.

Тўплам суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, юридик олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, изланувчилари, талабалари, мавзуга қизиқиши бўлган кенг доирадаги шахсларга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи, юридик фанлар номзоди Матлуба Аминжонова муаллифлигида "Суғурта шартномаси тарафларининг мажбурияти ва жавобгарлиги" номли монография чоп этилди.

Монографияда Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолияти ва суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолати, суғурта шартномасида мажбуриятнинг моҳияти, таъминлаш ва уни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, мажбуриятни бажармаганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари, турлари, амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар берилган ҳамда "Суғурта шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги тўғрисида" ҳамда "Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг жавобгарлиги тўғрисида"ги янги қонунларни қабул қилиш зарурлиги илмий асослантирилган.

Монографияда келтирилган хулоса ва таклифлардан қонун ижодкорлиги жараёнида, мамлакатимизда суғурта тизимини ривожлантиришда, суғурта фаолияти билан боғлиқ қонунлар ижросини назорат қилишда, шунингдек ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчилар, талаба ва тадқиқотчилар ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан 2012 йилнинг 7-июнь куни Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда ТДЮИ билан ҳамкорликда "Жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Мазкур конференция материаллари тўплам шаклида чоп этилди (Олий ўқув курслари бошлиғи ю.ф.д Т.А. Умаровнинг умумий таҳрири остида, масъул муҳаррир ю.ф.д. Ф.Х.Раҳимов).

Тўпламда бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасида жиноят ва жиноят процессига дахлдор ислохотлар, уларнинг ривожланиш жараёнлари, қонунларнинг такомиллаштирилиши ва амалиётда қўлланиши, шунингдек, қонунлар ижросини таъминлашдаги ижобий тажрибалар, мазкур йўналишларда амалга оширилган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Тўплам назарий олимлар, амалиёт ходимлари ва олий ўқув юртлири талабалари учун мўлжалланган.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;
- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;
- келтириладиган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;
- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;
- матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;
- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;
- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;
- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;
- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.
- рус тилидаги қисқа аннотация

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

- статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;
- исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;
- достоверность и корректность приводимой в статье информации;
- к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;
- представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;
- статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;
- объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;
- на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.
- краткая аннотация статьи на узбекском языке



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари